

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ДЕНОВ ТАДБИРКОРЛИК ВА ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК: 336.5:338(575.1)

МЕЛИКОВ ОТАБЕК МАХМАДАМИНОВИЧ

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ КРЕДИТ ВА ДЕПОЗИТ ХИЗМАТЛАРИ
АМАЛИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
илмий даражасини олиш учун ёзилган
ДИССЕРТАЦИЯ**

Илмий раҳбар: и.ф.д., проф. Т.И. Бобакулов

Тошкент – 2023 йил

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I БОБ. I-БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ДЕПОЗИТ ВА КРЕДИТ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИШ АМАЛИЁТИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ ВА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ	13
§1.1. Тижорат банкларининг депозит ва кредит хизматларини такомиллаштириш хусусидаги илмий назарий қарашлар....	13
§1.2. Рақамли банк технологиялари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари.....	22
§1.3. Тижорат банкларининг депозит ва кредит хизматлари амалиётини такомиллаштириш борасидаги хориж тажрибаси ва ундан Ўзбекистон амалиётида фойдаланиш имкониятлари.....	38
1-боб бўйича хулоса.....	50
II БОБ. II БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ИННОВАЦИОН БАНК ХИЗМАТЛАРИ, КРЕДИТ ВА ДЕПОЗИТ ХИЗМАТЛАРИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ҲОЛАТИ	53
§2.1. Инновацион банк хизматлари кўрсатиш амалиётининг таҳлили.....	53
§2.2. Тижорат банклари кредит ва депозит хизматларининг меъёрий-ҳуқуқий асослари.....	64
§2.3. Тижорат банкларининг кредит ва депозит хизматлари.....	73
2-боб бўйича хулоса.....	83
III БОБ. III БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ КРЕДИТ ВА ДЕПОЗИТ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИШ АМАЛИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ	87
§3.1. Тижорат банкларининг кредит ва депозит хизматларини кўрсатиш амалиётини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган муаммолар.....	87
§3.2. Банкларнинг кредит ва депозит хизматлари кўрсатиш амалиётини такомиллаштириш йўллари.....	100
3-боб бўйича хулоса.....	113
ХУЛОСА	116
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	122
ИЛОВАЛАР	132

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда халқаро ва миллий даражадаги рақобатнинг кучайиб бориши шароитида тижорат банкларининг депозит ва кредит хизматлари кўрсатиш амалиётини такомиллаштириш уларнинг молиявий барқарорлигини таъминлашнинг зарурий шарти сифатида намоён бўлмоқда. Хусусан, «дунёнинг энг йирик трансмиллий банкларидан бири бўлган Bank of America (АҚШ) кредит хизматлари ҳажми 2021 йилда 2020 йилга нисбатан 6,3 фоизга ошгани ҳолда, мазкур даврда кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг брутто активларга нисбатан даражаси 0,3 фоизли пунктга пасайди. Россиянинг Сбербанкида жалб қилинган депозитлар ҳажми 2020 йилда 2019 йилга нисбатан 19,4 фоизга ошгани ҳолда, жисмоний шахслар депозитларининг брутто депозитлар ҳажмидаги салмоғи 64,6 фоизни ташкил этди»¹. Ўз навбатида кредитлар бўйича захираларнинг меъёрий даражасини ва депозит базани барқарорлигини таъминлаш тижорат банкларининг кредит ва депозит хизматларини такомиллаштиришнинг зарурий шартлари ҳисобланади.

Дунё мамлакатларида тижорат банклари депозит базасининг барқарорлигини таъминлаш, кредитларнинг даромадлилиги ва рисклилиги ўртасидаги муносибликни таъминлаш, банкларнинг депозит-кредит хизматларини инновациялар асосида такомиллаштириш, тижорат банклари фаолиятидаги кредит рискинни баҳолаш ва бошқариш амалиётини такомиллаштириш, синдицияли кредитлаш амалиётини такомиллаштириш, кредитлар бўйича дефолт рискинни баҳолашни такомиллаштириш, банкларнинг жамғарма депозит ҳисоб рақамларини жозибadorлигини ошириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу эса тижорат банкларининг депозит базаси барқарорлигини таъминлаш ва кредитлаш

¹ Annual report Bank of America 2021 consolidated balance sheet [**www.bankofamerica.com](http://www.bankofamerica.com).; Годовой отчёт по итогам 2020 года/www.sberbank.ru.

амалиёти самарадорлигини илмий асосда тадқиқ этиш заруриятини юзага келтиради.

Ўзбекистон Республикасида банк тизимини ислоҳ қилиш шароитида тижорат банкларининг депозит ва кредит хизматлари кўрсатиш амалиётини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегиясида «Банк хизмати кўрсатишни модернизация қилиш, кредит портфели ва таваккалчиликларни бошқариш сифатини яхшилаш, тижорат банклари кредитларининг ҳажмини барқарор ўсишини таъминлаш, молиявий таваккалчиликларни баҳолаш учун технологик ечимларни татбиқ этиш»² мамлакат банк тизимини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари сифатида белгилаб берилган. Мазкур вазифаларни самарали амалга оширилишини таъминлаш тижорат банкларининг кредит портфелини диверсификация қилиш орқали кредит рисқи кредит портфелини шакллантиришдаги меъёрларнинг кредит сиёсатида портфелнинг асосий диверсификация мезони сифатида белгилаш, иқтисодиёт тармоқларида юзага келган конъюнктуравий ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда кредит портфелини диверсификация даражаси бўйича мезонга нисбатан тебраниш чегарасини аниқлаш, ҳар бир тармоқ вазирлиги билан ушбу тармоқ корхоналарига берилган кредитларнинг таъминоти, кредитларнинг фоиз ставкаларини бир қисмини қоплаб бериш, давлат томонидан субсидияланадиган кредитларнинг ҳажми бўйича аниқ келишув битимини тузиш орқали тижорат банклари кредит ва депозит хизматлари амалиётини такомиллаштириш, ҳар бир тармоқ субъектларига берилган кредитларнинг умумий суммасига нисбатан кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг юқори меъёрий чегарасини белгилаш каби масалалар бўйича илмий-тадқиқотларнинг бажарилишини тақозо этади.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сонли “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги фармони//ҚХММБ:06/205992/0581-сон. 13.05.2020 й.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сон «2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида»ги фармонлари, 2018 йил 23 мартдаги ПҚ-3620-сон «Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ-3270-сон «Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тижорат банкларининг депозит ва кредит хизматлари кўрсатиш амалиётини такомиллаштириш масаласининг илмий-назарий, методологик ва амалий жиҳатлари хорижлик иқтисодчи олимлардан Ф.Мишкин, Д.Синки, О.Лаврушин, В.М.Усоскин, Н.Ткач, Н.Зиновьева, А.Ташкинова, Е.Гришина, К.Тагирбекова, А.Бабкина, А.Ильюкевич, Я.Костюк, К.Пастарнак, М.Дубинин, Л.Тимошенко, А.Тимкова, J.Glasheen, R.Vadlamani³ ларнинг илмий ишларида тадқиқ қилинган.

³ Мишкин.Ф.С. Экономическая теория денег, банковского дела и финансовых рынков, 7-е издание: Пер. с англ. - М.:ООО "И.Д. Вильямс", 2006. С-850; Синки.Д. Финансовый менеджмент в коммерческом банке и в индустрии финансовых услуг. «Альпина Диджитал»; 2002. С-111; Лаврушина.О.И Банковское дело. Экспресс-курс: учебное пособие. 2009. 352 с.; Усоскин.В.М., Белоусова.В.Ю. Платежные системы и организация расчетов в коммерческом банке. Учебное пособие.2012г.с-191; Ткач Н.Д. Депозитные операции коммерческого банка//Вестник Национального института бизнеса. – Москва, 2016. – №4. – С. 180-189.,Зиновьева Н. М. Виды банковских депозитов и их особенности// Территория науки. – Ярославль, 2016. – №5. – С. 133-137.,Ташкинова А.П. Методы расчета стоимости кредитно-депозитных

Тижорат банкларининг депозит ва кредит хизматлари кўрсатиш амалиётини такомиллаштиришнинг алоҳида олинган назарий ва амалий масалалари ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан Т.И.Бобакулов, О.А.Ортиқов, Ш.Абдуллаева, З.Умаров, О.Ф.Алиқориев, З.Т.Мамадияров, А.Азларова, А.К.Мирсоатов, Р.Р.Тожиев, Т.С.Раҳматов, Ж.К.Мажидов, Ҳ.Хўжаёров, Д.Саидов⁴ ва бошқаларнинг илмий тадқиқот ишларида ўз ифодасини топган.

Бироқ, Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар томонидан миллий банк тизимини ислоҳ қилиш шароитида тижорат банкларининг депозит ва кредит хизматлари кўрсатиш амалиётини такомиллаштириш масаласи мустақил диссертацион тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган.

услуг банка//Экономика и управление в современных условиях: материалы международной научно-практической конференции. Материалы Международной научно-практической конференции Сибирского института бизнеса, управления и психологии. – Красноярск, 2010. – С. 191–195., Гришина Е.А. Тенденции развития кредитных услуг, предоставляемых коммерческими банками// Финансы и кредит. – Москва, 2016. – №28. – С. 18-27.,3 Тагирбекова К.Р. Организация деятельности коммерческого банка. – Москва: Весь Мир, 2004. – 848 с., Бабкина А.В. Тенденции развития экономики и промышленности в условиях цифровизации. Монография. СПб.: Изд-во Политехн. ун-та, 2017. – 752 с; Ильюкевич А.Н., Костюк Я.С., Пастарнак К.Г. Информационные технологии в банковской сфере. Электронная библиотека БГУ. 2016. с-206.; Дубинин М.В. Банковские технологии: сущность, история развития и перспективы//Финансы и кредит. №34 (274) -2007. -58 с.; Тимошенко Л.А. Разработка новых банковских продуктов и воздействие на конкурентоспособность и надежность банка.-М.:“Экон-Информ”, 2004.-1 с.; Тимкова А.А. Совершенствование системы надзора в условиях дистанционного банковского обслуживания. Автореферат дисс. канд. экон. наук., Санкт-Петербург-2014.; Glasheen J. Payment Depot Popular Payment Methods for Millennial Customers, The Paypers - Payment Methods Report Innovations in the Way We Pay. 2019. – p 144.; Vadlamani R. Introduction to banking technology and management//Institute for Development and Research in Banking Technology. May 2011. DOI: 10.4018/978-1-59904-675-4.ch001;

⁴ Бобакулов Т. И. и др. Современное состояние системы банковского надзора в Республике Узбекистан //Молодой ученый. – 2020.-№4.-с. 101-103Ортиқов О.А. Банклараро рақдбат шароитида банк хизматлари ва уларни такомиллаштириш йўллари: иқд. фан. ном. дисс. автореферат - Тошкент, 2009. - 19 б.; Ш. З. Абдуллаева//Банк иши: Дарслик; Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги. – Т.: «Иқтисод-Молия», 2017. – 732 б; Умаров З. Янги банк хизматлари, уларни ривожлантириш//«Бозор, пул ва кредит» журна. 1-сон, 2019 й.; Алиқориев О.Ф. Тижорат банкларида молиявий хизмат турларини ривожлантириш йўналишлари. Дис. и.ф.н., - Т.: БМА, - 2011. – 28 б.; Мамадияров. З.Т Тижорат банкларида масофавий банк хизматларини ривожлантириш. Автореферат. 2019. 13 б.; Азларова.А.А. Covid-19 короновирус пандемияси шароитида Ўзбекистонда банк соҳасини трансформациялаш жараёнини жадаллаштириш//“Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар”. Илмий электрон журнал 5-сон 2020. 22 б.; Мирсоатов А.К. Рақамли иқтисодиётни шакллантириш шароитида инновацион банк хизматларини ривожлантириш.Автореферат.2021й. 11-б; Тожиев Р.Р., Раҳматов Т.С. Замонавий шароитда банк хизматлар бозорининг назарий жиҳатлари//“Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журна. № 6, ноябр-декабр, 2020; Мажидов Ж.К. Тижорат банклари активлар портфелини шакллантиришнинг сифатини оширишнинг долзарб масалалари//Халқаро молия ва ҳисоб. – Тошкент, 2017. – №1, февраль.; Хўжаёров Ҳ.Тижорат банкларида кредитлаш хизматлари самарадорлигини оширишнинг моҳияти ва иқтисодий аҳамияти//Экономика и финансы (Узбекистан), no. 5 (153), 2022, pp. 29-38; Саидов Д. Тижорат банклари депозит операцияларининг банк ресурс базасини мустаҳкамлашдаги ўрни // “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журна. №4-5. 2018 йил.

Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Ушбу диссертация тадқиқоти Денов тадбиркорлик ва педагогика институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Рақамли иқтисодиёт шароитида банк-молия, солиқ ва инвестиция фаолиятини трансформациялаш муаммоларини илмий ишлаб чиқиш” мавзусидаги илмий-тадқиқот лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг депозит ва кредит хизматлари кўрсатиш амалиётини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклифлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

замонавий банк хизматларининг назарий асосларини тадқиқ қилиш ва тегишли илмий-назарий хулосаларни шакллантириш;

тижорат банкларининг депозит ва кредит хизматлари кўрсатиш амалиётининг назарий асосларини тадқиқ қилиш ва унинг амалий аҳамиятига баҳо бериш;

банкларнинг депозит ва кредит хизматлари кўрсатиш амалиётини такомиллаштириш борасидаги илғор хориж тажрибасини таҳлил қилиш ва ундан Ўзбекистон банк амалиётида фойдаланиш имкониятларини асослаб бериш;

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг инновацион хизматларининг замонавий ҳолатини таҳлил қилиш ва мавжуд тенденцияларни аниқлаш;

республика тижорат банкларининг депозит ва кредит хизматлари кўрсатиш амалиётининг амалдаги ҳолатини таҳлил қилиш ва мавжуд тенденцияларни аниқлаш;

тижорат банкларининг депозит ва кредит хизматлари кўрсатиш амалиётини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган долзарб муаммоларни аниқлаш;

мамлакат тижорат банкларининг депозит ва кредит хизматлари кўрсатиш амалиётини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклифлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикаси акциядорлик-тижорат банклари, жумладан ТИФ Миллий банки, Асакабанк ва Туронбанк танланган.

Тадқиқотнинг предметини тижорат банклари томонидан депозит ва кредит хизматларини кўрсатиш жараёнида юзага келадиган молиявий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ишида индукция ва дедукция, эксперт баҳолаш, социологик сўров, статистик гуруҳлаш, таркибий, қиёсий ва трендли таҳлил усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

тижорат банкларининг кредит портфелини диверсификация қилиш орқали кредит риси кредит портфелини шакллантиришнинг мавжуд тармоқ хусусиятидан келиб чиққан ҳолда, битта тармоққа бериладиган кредитларнинг банк кредит портфелидаги улушининг 15 фоизидан ошиб кетмаслиги меъёрини кредит сиёсатида портфелнинг асосий диверсификация мезони сифатида белгилаш таклифи асосланган;

иқтисодиёт тармоқларида юзага келган конъюнктуравий ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда кредит портфелини диверсификация даражаси бўйича белгиланган 15 фоизли мезонга нисбатан 5 фоизгача тебранишга рухсат бериш таклифи ишлаб чиқилган;

ҳар бир тармоқ вазирлиги билан ушбу тармоқ корхоналарига берилган кредитларнинг таъминоти, кредитларнинг фоиз ставкаларини бир қисмини қоплаб бериш, давлат томонидан субсидияланадиган кредитларнинг ҳажми бўйича аниқ келишув битимини тузиш орқали тижорат банклари кредит ва депозит хизматлари амалиётини такомиллаштириш асосланган;

ҳар бир тармоқ субъектларига берилган кредитларнинг умумий суммасига нисбатан кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга

мўлжалланган захира ажратмаларининг юқори меъёрий чегарасини белгилаб қўйиш таклифи асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

банклар томонидан кўрсатиладиган молиявий хизматларни инновациялар асосида такомиллаштириш мақсадида молиявий технологиялардан фойдаланишнинг анъанавий бўлмаган усулларидан (Мобил тўлов имкониятларидаги ютуқларни ўрганиш, хавфсизликни ошириш учун овозли идентификация ва кўзни сканерлаш каби биометрик маълумотлардан фойдаланиш, тизимларни интеграциялаш ва эски маълумотларни янги форматларга айлантириш, географик жойлашуви ҳар хил бўлган мижозлар учун банк хизматларидан фойдаланишни бир хиллаштириш) фойдаланишнинг зарурлиги асосланган;

банкларнинг молия бозоридаги рақобатбардошлик даражасини ошириш учун фаолиятнинг маълум бир йўналишида рақобат қилиш учун зарур бўлган ресурсларнинг минимал мажбуриятларини баҳолаш ва ўзларини рақобатчилардан фарқлаш имкониятларини аниқлашнинг мақсадга мувофиқлиги асослаб берилган;

депозит ва кредит хизматларини ривожлантириш стратегияларини ишлаб чиқишда натижавий кўрсаткичларнинг, уларга боғлиқ кўрсаткичларнинг миқдорий таъсири натижасида, келгуси ўзгаришлари ёки вақт омили бўйича ўзгариш тенденцияларини прогнозлаш асосида баҳолашнинг зарурлиги асосланган;

банкларнинг депозит ва кредит хизматлари кўрсатиш амалиётига таъсир этувчи омилларнинг таъсир даражаларига баҳо берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертацион тадқиқот натижаларининг ишончлилиги уларни илғор хориж тажрибасини ўрганиш ва умумлаштириш натижаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг статистик маълумотлари ва тижорат банкларининг фаолиятига оид бўлган амалий маълумотларнинг таҳлилларига асосланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти улардан тижорат банклари томонидан кўрсатиладиган молиявий хизматларни инновациялар асосида ривожлантиришга бағишланган илмий-тадқиқотларни амалга оширишда манба сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти улардан тижорат банкларининг депозит ва кредит хизматлари кўрсатиш амалиётини такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқишда фойдаланишнинг мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тижорат банкларининг депозит ва кредит хизматлари кўрсатиш амалиётини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

тижорат банкларининг кредит портфелини диверсификация қилиш орқали кредит риси кредит портфелини шакллантиришнинг мавжуд тармоқ хусусиятидан келиб чиққан ҳолда, битта тармоққа бериладиган кредитларнинг банк кредит портфелидаги улушининг 15 фоизидан ошиб кетмаслиги меъёрини кредит сиёсатида портфелнинг асосий диверсификация мезони сифатида белгилаш таклифи АТ “Туронбанк”нинг 2022 йил учун Кредит сиёсатини ишлаб чиқишда фойдаланилган (АТ “Туронбанк”нинг 2022 йил 15 июндаги 2825/26–сонли маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалиётга татбиқи натижасида АТ “Туронбанк”да брутто активларнинг даромадлилик даражаси 2021 йилда 2020 йилга нисбатан сезиларли ўзгарган;

иқтисодиёт тармоқларида юзага келган конъюнктуравий ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда кредит портфелини диверсификация даражаси бўйича белгиланган 15 фоизли мезонга нисбатан 5 фоизгача тебранишга рухсат бериш таклифи АТ “Туронбанк”нинг 2022 йил учун Кредит сиёсатини ишлаб чиқишда фойдаланилган (АТ “Туронбанк”нинг 2022 йил 15 июндаги 2825/26–сонли маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга татбиқи натижасида АТ “Туронбанк”да чакана кредитлардан олинган фоизли

даромадлар миқдори 2021 йилда 2020 йилга нисбатан маълум даражада ошган;

хар бир тармоқ вазирлиги билан ушбу тармоқ корхоналарига берилган кредитларнинг таъминоти, кредитларнинг фоиз ставкаларини бир қисмини қоплаб бериш, давлат томонидан субсидияланадиган кредитларнинг ҳажми бўйича аниқ келишув битимини тузиш орқали тижорат банклари кредит ва депозит хизматлари амалиётини такомиллаштириш таклифи АТ “Туронбанк”нинг 2022 йил учун кредит сиёсатини ишлаб чиқишда фойдаланилган (АТ “Туронбанк”нинг 2022 йил 15 июндаги 2825/26–сонли маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалиётга татбиқи натижасида АТ “Туронбанк”да капиталнинг пасивлар ҳажмидаги салмоғи 2021 йилда 2020 йилга нисбатан 3,5 фоизли пунктга ошгани ҳолда, ҳиссали иштирок шаклидаги инвестициялар миқдори 1,9 мартага кўпайган;

хар бир тармоқ субъектларига берилган кредитларнинг умумий суммасига нисбатан кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг юқори меъёрий чегарасини белгилаб кўйиш таклифи АТ “Туронбанк”нинг 2022 йил учун Кредит сиёсатини ишлаб чиқишда фойдаланилган (АТ “Туронбанк”нинг 2022 йил 15 июндаги 2825/26–сонли маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга татбиқи натижасида АТ “Туронбанк”да 2021 йилда 2020 йилга нисбатан муддатли депозитларнинг брутто депозитлар ҳажмидаги салмоғи 5,7 фоизли пунктга ошгани ҳолда, кредитларнинг даромадлилик даражаси 1,7 фоизли пунктга ошган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий конференцияларида маъруза шаклида баён қилинган ва маъқулланган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган хорижий журналларда 2 та ва маҳаллий журналларда 5 та илмий мақола нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркибан кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 121 саҳифани ташкил этади.

I-БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ДЕПОЗИТ ВА КРЕДИТ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИШ АМАЛИЁТИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ ВА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

1.1-§. Тижорат банкларининг депозит ва кредит хизматларини такомиллаштириш хусусидаги илмий назарий қарашлар

Ҳозирги даврда банк хизматлари, унинг ривожланиш эволюцияси ва уни янада такомиллаштириш бўйича кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

О. Лаврушиннинг фикрига кўра, банк - маълум маҳсулот ишлаб чиқарадиган муассаса бўлиб, моддий ишлаб чиқариш соҳасидан фарқ қилиб пул, тўлов воситалари кўринишидаги махсус товарларни ишлаб чиқаради. Ушбу маҳсулотларга қўшимча равишда банклар асосан пул мазмунидаги хизматларни тақдим этади.⁵

Бунда О.Лаврушин банк яратадиган товарларни номоддий кўринишга эга эканлигини ва пул ва тўлов воситалари шаклига эга эканлигини эътироф этган.

Ж. Синкининг фикрича, банкларнинг асосий фаолияти кредитларни депозитлар орқали молиялаштиришдан иборат. Бироқ, агар илгари банклар фақат молиявий ресурсларни тақсимлаш жараёнида воситачилар сифатида қаралган бўлса, иқтисодий ривожланишнинг ҳозирги босқичида уларни ахборот ишлаб чиқариш ва операцияларни таъминлаш билан шуғулланадиган корхоналар, деб ҳисоблаш мумкин⁶.

Бу ерда Ж.Синки тижорат банкларини молиявий воситачи сифатидаги ролини эътироф этган ва молиявий операциялар жараёнини ахборотлар билан таъминлашда асосий ролни ўйнайдиган субъект сифатида талқин қилган.

⁵ Лаврушина.О.И Банковское дело. Экспресс-курс: учебное пособие. 2016. 12 с.

⁶ Д.Синки Финансовый менеджмент в коммерческом банке и в индустрии финансовых услуг. Пер. с англ. - М.: Альпина Бизнес Букс, 2007. - 1018 с

Ф.Мишкиннинг фикрича, айнан банклар ва бошқа молия институтларининг фаолияти молия бозорларининг ишлашини таъминлайди, уларсиз маблағларни бўш ресурслардан самарали фойдалана оладиганларга ўткази олмайди. Бинобарин, молия институтлари бутун иқтисодийнинг ривожланишига сезиларли таъсир кўрсатади⁷.

Ф.Мишкин ушбу хулосасида тижорат банкларини молия бозорларининг асосий иштирокчиси эканлигини эътироф этган ва асосий эътиборини молиявий ресурсларни банклар орқали қайта тақсимланишига қаратган.

Н. Ткачининг хулосасига кўра, талаб қилиб олинган депозитлар барқарор бўлмаганлиги сабаби тижорат банкларини улардан фойдаланиш соҳаси чекланган, шу сабабли, банклар томонидан талаб қилиб олинган депозитларга паст ставкада фоиз тўланади. Бироқ, талаб қилиб олинган депозитлар арзон ресурс бўлганлиги сабабли улар ёрдамида банклар оладиган фойдани кўпайтириш имконияти юзага келади⁸.

Н.Ткачининг ушбу хулосаси Ўзбекистон банкларининг депозит хизматлари кўрсатиш амалиёти учун амалий аҳамият касб этади. Чунки, Фуқаролик кодекси республика тижорат банкларига миқдорларнинг талаб қилиб олинган депозитларидан ресурс сифатида фойдаланишга рухсат этади.

Н. Зиновьеванинг фикрига кўра, жамғарма омонатлари узоқ муддатли мазмунга эга бўлиб, узоқ муддатли активларнинг манбаи бўлиб хизмат қилиши мумкин. Бироқ, улар қуйидаги камчиликларга эга:

– ушбу омонатлар турли омилларнинг (сиёсий, иқтисодий, психологик) таъсирларига берилувчандир;

– мазкур омонатлар бўйича фоиз тўловларини ошириб бориш заруриятининг мавжудлиги;

⁷ Мишкин.Ф.С. Экономическая теория денег, банковского дела и финансовых рынков, 7-е издание: Пер. с англ. - М.:ООО "И.Д. Вильямс", 2006. С-42

⁸ Ткач Н.Д. Депозитные операции коммерческого банка//Вестник Национального института бизнеса. – Москва, 2016. – №4. – С. 180-189.

– банкнинг ушбу ресурсларни доимий асосда қайта тиклаш имкониятининг mavжуд эмаслиги⁹.

Ҳақиқатдан ҳам, муддатли омонатлар жисмоний шахсларнинг муддатли депозитларига нисбатан банкда узоқроқ муддат сақланади. Лекин, муддатли омонатлар узоқ муддатли ресурс бўлганлиги сабабли, уларга тўланадиган фоизларнинг ставкаларини ошиш эҳтимоли доимо юқори бўлади.

А.Ташкинованинг хулосасига кўра, тижорат банклари кўп турдаги депозит маҳсулотларини муомалага чиқаришлари мумкин ва мазкур маҳсулотлар турли муддатларга, турли мақсадларга ва турли фоиз ставкаларига эга эканлиги билан тавсифланади. Шу сабабли, ҳар бир мижоз ўзи учун пул маблағларини фоиз асосида жойлаштиришнинг мақбул вариантини топиши мумкин. Агар банк банкрот бўлса, Марказий банк омонатни тўлиқ ёки маълум қисмини қайтарилишига кафолат бериши мумкин¹⁰.

А.Ташкинованинг ушбу хулоса Ўзбекистон банклари ва уларнинг мижозлари учун амалий аҳамият касб этади. Чунки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги ПФ-4057-сонли «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидаги омонатларини ҳимоялаш кафолатларини таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонида мувофиқ, омонатларнинг миқдорларидан қатъий назар, фуқароларнинг тижорат банклари депозит ҳисобварақларидаги омонатлари бўйича тўла ҳажмда ҳақ тўлаш кафолатланади¹¹.

⁹Зиновьева Н. М. Виды банковских депозитов и их особенности//Территория науки. – Ярославль, 2016. – №5. – С. 133-137.

¹⁰ Ташкинова А.П. Методы расчета стоимости кредитно-депозитных услуг банка//Экономика и управление в современных условиях: материалы международной научно-практической конференции. Материалы Международной научно-практической конференции Сибирского института бизнеса, управления и психологии. – Красноярск, 2010. – С. 191–195.

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги ПФ-4057-сонли «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидаги омонатларини ҳимоялаш кафолатларини таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони//Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 48-сон, 471-модда.

Е.Гришинанинг фикрига кўра, кредитнинг чегараларини белгиловчи асосий омиллар бўлиб, қуйидагилар ҳисобланади:

- товар айланмасининг ўсиш суръати билан кредитларнинг ўсиш суръати ўртасидаги мувофиқлик;
- кредитлаш турларининг ривожланганлик даражаси;
- маблағларни қайтариш қонунининг талабларига риоя қилиниши¹².

Е.Гришинанинг мазкур хулосаси мамлакат банкларининг кредитлаш амалиётини такомиллаштириш нуқтаи-назаридан амалий аҳамият касб этади. Чунки, биринчидан, хўжалик юритувчи субъектларни тижорат банкларининг кредитларидан фойдаланиш даражаси паст. Бу эса, кредитларнинг фоиз ставкасини юқори эканлиги ва юқори ликвидли гаров объектларининг етишмаслиги билан изоҳланади. Иккинчидан, кредитлаш турларини ривожлантиришда муаммолар бор. Яъни, ҳозирга қадар республикамиз тижорат банкларида кредитлашнинг контокоррент ва форфейтинг шакллари мавжуд эмас.

К.Тагирбекованинг хулосасига кўра, тижорат банки фаолиятининг молиявий натижаси фоиз маржасининг миқдори билан белгиланади. Фоиз маржасининг миқдори эса, банкнинг кредит-депозит операцияларининг натижасида шаклланади¹³.

К. Тагирбекованинг ушбу хулосаси республикамиз банкларининг молиявий натижаларини шакллантириш нуқтаи-назаридан амалий аҳамият касб этади. Чунки, Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари активларининг ҳажмида кредитлар энг юқори салмоқни эгаллайди ва республика банкларининг мажбуриятлари ҳажмида депозитлар жуда юқори салмоқни эгаллайди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг статистик маълумотларига кўра, 2022 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, тижорат банклари активларининг ҳажмида кредитларнинг улуши 71,1 фоизни,

¹² Гришина Е.А. Тенденции развития кредитных услуг, предоставляемых коммерческими банками//Финансы и кредит. – Москва, 2016. – №28. – С. 18-27.

¹³ Тагирбекова К.Р. Организация деятельности коммерческого банка. – Москва: Весь Мир, 2004. – 848 с.

депозитларнинг мажбуриятлар ҳажмидаги салмоғи 41,8 фоизни ташкил этди¹⁴.

О.Алиқориев томонидан ўз тадқиқотларида банк хизматлари, банк операциялари ва банк маҳсулотлари тушунчаларини тадқиқ этади ва бу тушунчаларнинг ҳар бирига таърифлаб ўзаро боғлиқлигини ва бир-бирини тўлдириб туришини кўрсатиб беради:

Банк хизмати бу- мижозларга тақдим этиладиган банк операцияларининг оптимал бажарилишига кўмаклашувчи банк фаолиятининг кўринишидир.

Банк операцияси бу- пул маблағларининг ҳаракатини кўзда тутувчи ҳамда муайян иқтисодий натижага эришишга қаратилган банкнинг ўзаро боғлиқ фаолияти мажмуасидир.

Банк маҳсулоти бу-молия бозоридаги олди сотди объекти ҳисобланган банк операциясининг моддий шаклидир¹⁵.

О.Алиқориев томонидан берилган таърифларда бирмунча чалкашлик мавжуд. Яъни, юқоридаги таърифларда банк хизмати ва банк операцияси ўртасидаги жиддий фарқланиш кузатилмайди. Аслида, банк хизмати банк томонидан яратилган маҳсулотни мижозга тақдим этилишидир. Банк операцияси – бу банк маҳсулотини яратиш учун қилинган ҳаракатларнинг йиғиндисидир.

З.Умаров ўзининг янги банк хизматлари, уларни ривожлантириш номли мақоласида банк хизматларига қуйидагича таъриф беради: банк хизматлари дастлабки ишлаб чиқариш ва шахсий эҳтиёжларни эмас, балки уларнинг ҳосиласи бўлган молиявий эҳтиёжларни қондиради¹⁶.

З.Умаровнинг янги банк хизматлари хусусидаги фикри мунозаралидир. Чунки, банк хизматлари фақат молиявий эҳтиёжларни қондирмайди.

¹⁴ Тижорат банклари жамланма баланси//www.cbu.uz

¹⁵ Алиқориев О.Ф. Тижорат банкларида молиявий хизмат турларини ривожлантириш йўналишлари. Дис. и.ф.н., - Т.: БМА, - 2011. – 28 б

¹⁶ Умаров З. Янги банк хизматлари, уларни ривожлантириш//«Бозор, пул ва кредит» журнали. 1-сон, 2019 й.

Масалан, ипотека кредити бериш миждознинг молиявий эҳтиёжини қондириш ҳисобланмайди.

Ш.Абдуллаеванинг фикрича банк шундай корхонаки, унда хомашё бўлиб депозит ва бошқа пул қўйилмалари ҳисобланса, охириги товар – бу берилган ссудалар. Депозит ва қўйилмалар жалб қилинган қарз пул маблағлари, берилган ссудалар эса жойлаштирилган маблағлар ҳисобланади¹⁷.

Ш.Абдуллаева Депозит ва кредит хизматларини банкларнинг асосий хизмалари эканлиги ҳамда уларнинг боғлиқлигини эътироф этган.

Ҳ.Хўжаёровнинг фикрича банклар фаолиятида кредит операциялари асосий ўринни эгаллагани учун уларнинг кредит портфелини тўғри ташкил қилиш банкларнинг самарали ва барқарор фаолият кўрсатиши учун имконият яратиб берувчи асосий омиллардан бири ҳисобланади. Кредит операцияларини олиб боришда йўл қўйилган камчиликлар банклар даромадининг камайишига, баъзи ҳолларда уларнинг синишига олиб келиши мумкин. Шу сабабли, банкларнинг кредит портфели ва унинг сифатини назорат қилиб бориш тижорат банклари самарали фаолиятининг гаровидир¹⁸.

Банкнинг кредит портфели - бу банкнинг кредит операцияларини амалга ошириш учун зарур асос саналиб, банк томонидан берилган жами кредитларнинг йиғиндисини ўзида ифодалайди. Шунингдек, банклар фаолиятида кредит операциялари асосий ўринни эгаллагани учун уларнинг кредит портфелини тўғри ташкил қилиш банкларнинг самарали ва барқарор фаолият кўрсатиши учун имконият яратиб берувчи асосий омиллардан бири ҳисобланади¹⁹.

¹⁷ Ш. З. Абдуллаева//Банк иши: Дарслик; Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги. – Т.: «Иқтисод-Молия», 2017. – 732 б

¹⁸ Ҳ.Хўжаёров.Тижорат банкларида кредитлаш хизматлари самарадорлигини оширишнинг моҳияти ва иқтисодий аҳамияти // Экономика и финансы (Узбекистан). 2022. №5 (153). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/tizhorat-banklarida-kreditlash-hizmatlari-samaradorligini-oshirishning-mo-iyati-va-i-tisodiy-a-amiyati> (дата обращения: 22.11.2022).

¹⁹ Хўжаёров Ҳаёт Бахтиёрович. "тижорат банкларида кредитлаш хизматлари самарадорлигини оширишнинг моҳияти ва иқтисодий аҳамияти" Экономика и финансы (Узбекистан), no. 5 (153), 2022, pp. 29-38.

А.Мирсоатовнинг фикрича банк соҳасида “янги банк хизматлари ва маҳсулотлари” каби тушунчаларни ажрата олиш муҳим бўлиб, улар ҳуқуқий жиҳатдан “банк операциялари” ёки “битимлари” каби тушунчаларга боғланган. Автоном тарзда мавжуд бўлиши мумкин бўлган банк маҳсулотидан фарқли ўлароқ, банк хизматлари бир вақтнинг ўзида тугалланмаган характерга эга бўлиши мумкин бўлган қўшимча ҳаракатлар тўпламини ифода этади²⁰.

Фикримизча, банк хизматлари тугалланган мазмунга эга бўлган қўшимча ҳаракатлар натижаси бўлиши ҳам мумкин. Масалан, кредит хизмати. Кредит хизмати тугалланган мазмунга эга бўлган ҳаракатлар натижасидир.

Рақамли иқтисодиёт шароитида банк хизматларини кўрсатишда бирмунча ўзгаришлар бўлиб, бунда банк хизматларининг рақамли технологиялар ёрдамида масофадан, онлайн тарзда хизматларини таклиф этадилар ва амалга оширадilar. Бу эса банк хизматларини кўрсатишда инсон омилини чеклайди ва бир қатор бюрократик тўсиқларни бартараф этади ҳамда банк хизматларнинг оммабоблиги даражасини янада оширади.

З.Мамадияров тадқиқотларига кўра банк тизимида масофавий банк хизматларининг ривожланиши, биринчидан, одамлар ҳаётидаги ўзгаришлар, янги ахборот технологияларининг жорий этилиши, банк операцияларининг автоматлаштирилгани билан боғлиқ. Унинг фикрича, моҳиятан банк ва миждоз ўртасидаги алоқанинг анъанавий ва масофадан ташкил этилиши ўртасида кескин фарқ мавжуд эмас. Банк миждозларига хизмат кўрсатиш кераклиги сақланиб қолинган, фақатгина банк ва миждозларини ўзаро боғлайдиган алоқа канали ўзгарди. Яъни фақат банк миждозлари банкка бориб

²⁰ Мирсоатов.А.К. Рақамли иқтисодиётни шакллантириш шароитида инновацион банк хизматларини ривожлантириш.Автореферат.2021й. 13-б

бажарадиган операцияларини эндиликда масофадан ҳам амалга ошириш имкони мавжуд бўлди²¹.

Ҳақиқатдан ҳам, анъанавий банк хизмати билан масофавий банк хизмати ўртасида жиддий фарқ мавжуд эмас. Фақат молиявий хизматлар масофавий тарзда онлайн шаклда кўрсатилади.

Умуман олганда, масофадан хизмат кўрсатиш тизими мижозларга тақдим этилаётган хизматларнинг характериға кўра икки турға бўлиш мумкин:

- информацион;
- транзакцион.

Бунда, информацион банкинг мижозларға молиявий маълумотларни, яъни кўрсатилаётган хизмат турлари, хизматлар баҳоси, хизматлар шартлари ва бошқа маълумотларни тақдим этишға йўналтирилган бўлса, транзакцион хизматлар банкнинг молиявий операцияларни амалга оширишға имконият яратади.

Рақамли иқтисодиёт шароитида аввало банкларни трансформация жараёнини янада фаоллаштириш, яъни банк хизматлари кўрсатишнинг замонавий усуллариға амалиётға татбиқ этиш, илғор ахборот технологияларидан самарали фойдаланилган ҳолда банк хизматларини рақамлаштириш муҳим ўрин эгаллайди.

А.Азларова томонидан банкларни трансформация тушунчаси тадқиқ этилиб қуйидагича таърифланади. Трансформация бу - дунёдаги бизнеснинг янги шароитларға, жамиятнинг имтиёзларға мослаштирадиган муқаррар жараёни ҳисобланади. Банк соҳасида рақамли трансформацияни ривожлантириш мижозларнинг эҳтиёжларини синчковлик билан ўрганиш ва мавжуд имкониятларни таҳлил қилиш орқали, мижозға йўналтирилган янги инновацион стратегияни ишлаб чиқиш орқали амалга оширилиши керак. Банкларни рақамли трансформациялаш, биринчи навбатда, мижозлар

²¹ Мамадияров. З.Т Тижорат банкларида масофавий банк хизматларини ривожлантириш. Автореферат. 2019й. 136

эҳтиёжларини яхшироқ англашга қаратилган: мижозлар ва ташкилотлар банклар билан тез, осон ва арзонроқ алоқада бўлишни истайдилар, шунинг учун рақамли иқтисодиёт шароитида банк сектори энг замонавий хизматларни таклиф қилишга тайёр бўлиши керак.²²

Банкларни трансформация қилиш жараёнида мижозларнинг талаблари ортиб бориши муқаррар ва бу борада илғор инновацион банк хизматларини сифатли кўрсатилмаслиги натижасида банк мижозларининг ўз банкига бўлган ишончининг камайишига олиб келиши мумкин. Натижада, банк мижозлари банкларини алмаштиришга ёки бошқа банк хизматларидан фойдаланишга ҳаракат қилади. Шунинг учун банклар мижозларининг талабларига биноан фаолиятини трансформация қилиши, яъни банк маҳсулотлари ва хизматларини замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда янги банк хизматларни яратишни тақозо этади²³.

Необанк тушунчаси молиявий технологиялар эволюциясининг энг муҳим босқичи бўлиб, банк фаолиятини “ноль” дан бэк-офислардан фойдаланмасликни назарда тутди. Необанклар дастлаб Буюк Британияда фаолият юрита бошлади, ҳозирда дунёнинг жуда кўп жойларида мавжуд. Юнон тилидан таржима қилинганда “нео” янги деган маънони англатади. Бу ташкил этилаётган мауссасанинг тубдан янгиланишини ва модернизациясини ифодалайди. Необанклар жисмоний филиаллари бўлмаган тижорат банки шаклида бўлиб, банк хизматларини кўрсатишда мобил иловалар ва веб-сайтлардан фойдаланилади. Улар кўпинча онлайн банклар ёки директ банклар, деб ҳам аталади. Буюк Британияда улар “challenger banks”, яъни бу мурожаат этувчи банк ҳам деб аталади²⁴.

²² Азларова.А.А. Covid-19 короновирус пандемияси шароитида Ўзбекистонда банк соҳасини трансформациялаш жараёнини жадаллаштириш//Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар. – Тошкент, 2020. - № 5.

²³ Тожиёв Р.Р., Раҳматов Т.С. Замонавий шароитда банк хизматлар бозорининг назарий жиҳатлари//Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар. – Тошкент, 2020. - № 6..

²⁴ Морина В.С., Езангина И.А. Необанк как институт реализации современных инновационных технологий финансового сектора//Научный альманах. – Москва, 2017. - №4. – С. 191-194.

Необанк – такомиллаштирилган банк бўлиб, у ўзига хос бирор аниқ жойга жойлашмаган, яъни фаолиятини рақамли платформалар ёрдамида олиб боради. У ўз хизматларини мижозларига смартфон, планшет ва шахсий компьютерлар орқали тақдим этади. Необанклар яна виртуал ёки тўғридан-тўғри банклар ҳам деб юритилади²⁵.

Банк тизими ахборот технологиялар таъсири остида жуда муҳим ўзгаришларга юз тутмоқда. Ахборот технологиялари илгари автоматлаштириш учун фойдаланилган бўлса, бугунги кунга келиб янги банк бизнес моделларини яратмоқда. Дунё бўйлаб банк хизматларининг рақамли трансформацияси бўйича муҳим ишлар амалга оширилмоқда.

1.2-§. Рақамли банк технологиялари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари

Ҳозирги даврда тижорат банклари томонидан жорий этилаётган инновацион фаолиятлар эса банк хизматлардан масофадан туриб (онлайн) амалга ошириш имконини бермоқда. Бундай инновацион хизматларга “интернет банк”, “банк мобиль иловалари”, “безконтакт банк карталари”, “виртуал банк карталари” ва турли тўлов ҳамда давлат хизматларининг интеграллашган платформаларини мисол қилиб келтириш мумкин.

Инновацион банк хизматлари-рақамли банк хизматларининг ўзига хос хусусияти сифатида тизимнинг шаффофлиги, инсон омилининг чекланганлиги, коррупция ҳамда таниш-билишчилик ва шу сингари бир қатор иллатларга тубдан барҳам беради.

Соҳани рақамлаштиришнинг яна бир аҳамиятли томони шундаки, хизмат кўрсатувчи томонидан берилаётган таклифлар ва фойдаланувчи томонидан киритилган маълумотлар барчаси ахборот технологиялар хотирасида сақланиб қолади ҳамда керакли пайтда маълумотларни тез

²⁵ Блажевич А.А., Рябченко А.А. Необанк как новое направление финансовых инноваций в Российской Федерации // Вестник Института экономических исследований. №4 (12), 2018. – 160-168 с

тақдим этади. Бундай ҳолатда қайсидир мижозлар учун алоҳида имкониятлар бериш ёки бошқа бир мижозларни тақдим этган маълумотларини кўриб чиқмасдан қолдириш ёхуд унинг имкониятларини чеклаш, яширин битимлар тузиш имкони йўқ. Бу ўз навбатида банклар фаолиятининг барча учун тенглик ва очиқлик кафолатини таъминлайди²⁶.

Тижорат банкларининг асосий мақсади рақобат шароитида мижоз жалб қилиб, юқори фойда олишга интилади. Банклараро рақобатда хизматлар бозорида юқори мавқега эга бўлиш, маълум банк хизматлари бозорини эгаллашда энг истиқболли ривожланиш йўналишиларида бири замонавий банк хизматлари кўрсатиш амалиётини ривожлантиришдир.(1.1-расм)



1.1-расм. Инновацион банк хизматлари – рақамли банк хизматларининг ўзига хос хусусиятлари²⁷

М. Ковалев, Г. Головенчикларнинг фикрича, рақамли банк бу – мобайл ва онлайн платформадан фойдаланган ҳолда молиявий хизматларни амалга ошириш, бу банкнинг мижоз билан ишлаш сифатини яхшилайти, вақт ва харажатларни тежайди, шахсий маълумотларни хавфсизлиги ҳамда хизматлар сифати ва тезлигини оширади²⁸.

²⁶ Меликов О.М. The Role Of Distance Banking Services In The Context Of Integration Processes//The American Journal of Management and Economics Innovations. - № 01-07, 2021. – P. 28-35.

²⁷ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

²⁸ Ковалев М., Головенчик Г. Цифровая трансформация банков // Банковский вестник. №11(664),2018.50-60с

М.Ковалев ва Г.Головенчикларнинг рақамли банкка берган таърифида рақамли банкнинг муҳим хусусиятлари ўз ифодасини топган. Фақат битта ҳолатда хатолик кетган. Яъни, рақамли банкда ҳозирга қадар маълумотларни хавфсизлигини таъминлаш кафолатланмаган.

Сўнгги пайтларда мобиль телефонлардан кўплаб одамлар фойдаланаётганлиги, одамлар учун ажралмас техник восита бўлиб қолганлиги сабабли, молиявий хизматлар ҳам ушбу алоқа воситалар доирасида ташкил этилмоқда²⁹.

“PwC” интернет нашрининг маълумотларига кўра³⁰, одамлар ўз смартфонлари ёрдамида банк хизматларидан фойдаланишни афзал кўраётган одамлар сони ортиб бормоқда. Мобил-банкнинг ёрдамида банк ва миждозлари жисмоний алоқасиз, банк биносига бормасдан пул маблағларини бошқариши мумкин.

А. Бабкиннинг фикрича, ХХІ аср рақамли технологияларнинг ривожланишига асосланган ахборот инқилоби ва иқтисодиётнинг глобаллашув жараёни билан бошланди. Жамиятдаги ва хўжалик жараёнидаги ахборотлар асосий ресурс манбасига айланди. Бу ахборотлар инсон қўлида билимга айланади, ижтимоий-иқтисодий муносабатлар глобал тармоқларга кўчади. Бозор субъектлари фаолиятида рақамли трансформациянинг асосий омили бу рақамли маданиятнинг ривожланишидир³¹.

А.Бабкиннинг ушбу хулосасида иқтисодиётнинг глобаллашуви шароитида рақамли технологияларни жорий этилиши рақамли трансформациянинг асосий омили эканлиги эътироф этилган. Аммо, унинг ахборотлар инсон қўлида билимга айланади, деган ибораси мунозаралидир.

Банкларнинг масофадан кўрсатиладиган хизмат турларининг кенгайиши аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига бир қанча қулайликлар олиб келмоқда. Жумладан, банк хизматлари билан боғлиқ масалаларни реал

²⁹Мамадияров З.Т. Рақамли иқтисодиётда масофавий банк хизматларининг эволюцион ривожланиши: мулоҳазалар ва таҳлиллар//Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар. – Тошкент, 2020. - № 3.

³⁰<https://www.pwc.com/>

³¹ Бабкина А.В. Тенденции развития экономики и промышленности в условиях цифровизации. Монография. СПб.: Изд-во Политехн. ун-та, 2017. – С. 12.

вақтда ҳал этиш, унга сарфланадиган ортиқча вақт ва транзакция харажатларини камайтириш ҳамда буларни дунёнинг исталган жойида туриб амалга ошириш каби қулайликлар шулар жумласидандир.

Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, “Рақамли иқтисодиётсиз мамлакат иқтисодиётининг келажаги йўқ”³².

Банк фаолиятини илмий-техник тараққиётнинг сўнгги ютуқларини жадал татбиқ этмасдан модернизация қилиш мумкин эмас. Жаҳон амалиётидан кўриниб турибдики, илмий-техник тараққиёт ва янги ахборот технология (IT)ларининг жадал ўсиши банкнинг жозибадорлигини умумий баҳолашга сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Технологик жараённинг ривожланиши нафақат ҳужжатларни расмийлаштириш ва касса операцияларини ўтказиш тезлигини оширишга, балки мижозлар доирасини кенгайтиришга ҳам имкон беради³³.

Ўз навбатида, замонавий технологияларнинг ривожланиши банклар ва банк хизматидан фойдаланувчилар ўртасидаги масофани сезиларли даражада камайтириши, банклараро рақобатни кучайтириши ва шу сабабли банк хизматларининг миқдорий ва сифат жиҳатидан ривожланишига ҳисса қўшиб келмоқда.

Иқтисодий адабиёт ва илмий тадқиқотларда “банк технологиялари”га турли қараш ҳамда тушунтиришлар берилган. Масалан:

М.В. Дубининнинг фикрича³⁴, банк технологиялари – бу банкларда ишлатиладиган турли хил телекоммуникациялар, ахборот технологиялари, компьютер тармоқлари, дастурий маҳсулотлар, ички процедуралар, рискларни бошқариш моделлари ва бошқалар.

³² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 22 сентябрдаги “Тармоқ ва ҳудудларда рақамли иқтисодиёт ҳамда электрон ҳукуматни жорий қилиш масалалари бўйича видеоселектор йиғилишида”ги нутқи. www.president.uz/uz/lists/view/3848

³³ Ильюкевич А.Н., Костюк Я.С., Пастарнак К.Г. Информационные технологии в банковской сфере. Электронная библиотека БГУ. 2016. – 204-206 с. https://elib.bsu.by/bitstream/123456789/153739/1/iluykevich_kostyuk_pastarnak_sbornik16.pdf

³⁴ Дубинин М.В. Банковские технологии: сущность, история развития и перспективы // Финансы и кредит. №34 (274) – 2007. – 58 с.

М.Дубининнинг хулосасида банк технолонияларининг истиқболли шаклларида бири бўлган рақамли технологиялар ўз аксини топмаган.

Р.Вадламанининг хулосасига кўра, “банк технологияси” атамаси банкларга ўз мижозларига хавфсиз, ишончли ва арзон нархларда яхшироқ хизматларни таклиф қилиши ҳамда банк хизматлари бозорида рақобатбардош устунликка эришиши учун замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишни англатади. Банк технологияси, шунингдек, демографик, психографик ва транзакцион маълумотлар каби мижозлар тафсилотларини саралаш орқали мижозлар хатти-ҳаракатлари моделларини очишда замонавий компьютер алгоритмларидан фойдаланиш фаолиятини ўз ичига олади. Маълумотларни йиғиш деб ҳам аталадиган ушбу фаолият мижозларга сегментация, мижозлар скоринги, мақсадли маркетинг, бозор саватчаларини таҳлил қилиш, ўзаро сотиш, мижозларни ушлаб қолиш каби моделлаштириш каби турли хил маркетинг муаммоларини ҳал қилиш орқали банкларга ўз бизнес мақсадларига эришишда ёрдам беради³⁵.

Р.Вадламани банк технологияларининг ўзига хос бир қатор афзалликларини, жумладан, ишончли ва арзон нархларда банк хизматларини таклиф этиш, маркетинг муаммоларини ҳал қилиш орқали банкларга ўз бизнес мақсадларига эришишда ёрдам бериш каби афзалликларни эътироф этган.

Шунингдек, маълумотларни тўплашдан муваффақиятли фойдаланиш банкларга фойдани сезиларли даражада оширишга ёрдам беради, шу билан рақобатчиларига нисбатан барқарор устунликни сақлаб қолади. Назарий жиҳатдан, банк технологияси, якка тартибдаги интизом эмас, балки молия рискларни бошқариш, ахборот-коммуникация технологиялари, компьютер ва маркетинг билимлари каби бир-биридан фарқ қиладиган бир нечта йўналишларнинг бирлашиши натижасида ташкил этилади ҳамда унинг таркибий элементларини қуйидагича тасвирлаш мумкин (1.2-расм).

³⁵ Vadlamani R. Introduction to banking technology and management // Institute for Development and Research in Banking Technology. May 2011. DOI: 10.4018/978-1-59904-675-4.ch001



1.2-расм. Банк технологиясининг таркибий элементлари³⁶

Р.Вадламани тадқиқотларида функционал нуқтаи назардан, банк технологияси қуйидаги учта муҳим ўлчовга эга эканлигини илгари сурган:

1. Турли хил этказиб бериш каналлари ва тўлов тизимлари орқали фаолият юритиш ва миждозларга хизмат кўрсатиш учун тегишли техник воситалардан фойдаланиш ҳамда шу билан боғлиқ дастурий таъминот банк технологияларининг бир ўлчовидир.

2. Миждозларни синфлаш (туркумлаш) ва банк хизматлари бозорини таҳлил қилиш ҳамда муаммоларни ҳал қилиш учун замонавий компьютер дастурларидан фойдаланилади. Ушбу ўлчов банклар учун маълумотлар омборини бошқариш ва ундан самарали фойдаланиш имконини беради.

3. Барча турдаги хатарларни миқдорини аниқлаш, ўлчаш, юмшатиш ва бошқариш банк технологияларининг учинчи муҳим ўлчовини ташкил этади. Ушбу ўлчов кредит хатарини, бозор ҳавфини ва операцион ҳавфни ўлчаш ва бошқариш жараёнини қамраб олади.

Фикримизча, банк технологиялари деганда банк фаолиятини амалга ошириш ва қўллаб-қувватлашнинг энг янги ёндашувлари, усуллари, воситалари йиғиндиси тушунилади.

³⁶ Vadlamani R. Introduction to banking technology and management // Institute for Development and Research in Banking Technology. May 2011. DOI: 10.4018/978-1-59904-675-4.ch001

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, банк технологияси тўғрисида юқоридаги концепция айрим манбаларда илгари мавжуд бўлмаган, яъни бугунги фан-техника тараққиёти даврида бунга асос солинган деб юритилади.


Классик даврдан олдинги давр. Асосий банк операцияларининг оддий шакллари шакллана бошлаган. Жумладан, кредит, депозит операциялари, омонатчилар ўртасидаги ҳисоб-китоблар.

Классик давр. Банкларнинг фақат банк операциялари билан шуғулланадиган корхоналар сифатида пайдо бўлиши билан тавсифланади ва айнан шу чекланган операциялар банк технологияларини ташкил этган. Шунингдек, ушбу даврда минтақавий ва миллий банк тизимлари шаклланиб, эмиссия банклари пайдо бўлиб, банкноталар, операцияларни ҳисобга олиш тизимлари ва ҳужжатлар айланиши бирлаштирилган.

Ноклассик давр (тизимли ривожланиш даври). Банк ва миқоз муносабатларига эътибор қаратила бошланган. Шунингдек, банк фаолиятига киритилаётган технологиялар миқозларга қулай хизмат кўрсатиш инфратузилмасини яратишга, хизматлар сифатини оширишга, миқоз талаб қиладиган янги хизматларни таклиф қилишга қаратилган. Янги банк технологияларини жорий этишдан мақсад талаб қилинадиган технологик хизматлар туфайли рақобатдош устунликни қўлга киритиш, миқозлар базасини кенгайтириш ва рентабелликни оширишдан иборат бўлган.

Постноклассик давр (ижтимоий-иқтисодий интеграция даври). Бу даврда банкнинг миқоз ҳаётида доимий иштирокини ўз ичига олади. Банк хизматлари аввал миқознинг молиявий муносабатлари комплексига, сўнгра унинг иқтисодий фаолиятининг барча соҳалари билан интеграллаша боради.

Аммо, тарих ва илмий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, банк технологиялари банк пайдо бўлган илк даврлардан бошлаб содда кўринишда (шаклда) бўлсада мавжуд бўлган. Буни технологик тараққиёт босқичлари даври ва банкларнинг ривожланиш давлари билан уйғунликда қуйидагича ривожланиш иерархиясини изоҳлаш мумкин (1.3-расм).



1.3-расм. Техника ва банкнинг ривожланиш даврларининг ўзаро боғлиқлиги³⁷

Умуман айтганда, ҳозирги даврдаги банк технологиялари мижознинг мақсадларига эришиш воситаси сифатида хизматларнинг максимал даражада мавжудлигини, ишончлилиги ва қулайлигини таъминлашга қаратилган бўлиб, бу унинг манфаатларига хизмат қилади ва унинг мотивларини ҳисобга олади. Банк томонидан жорий этилаётган технологиялар мижознинг шерик сифатида мураккаб банк хизматларидан фойдаланадиган эҳтиёжларини қондиришга қаратилган.

Банк технологияларига индивидуал операциялар ва умуман банк учун мижозларга хизмат кўрсатиш тизимини яратиш, операцияларни амалга ошириш учун воситалар тўплами (шу жумладан техник воситалар), масалан, пластик карталар, мижозларга интерактив хизмат кўрсатиш ёки бошқа ҳар қандай нарсалар киради. Банк технологиялари соҳасига автоматлаштириш воситалари ва ахборот тизимлари, замонавий тўлов тизимлари билан ишлаш, тармоқлараро ўзаро алоқаларни амалга ошириш, бошқарув технологиялари ва ҳавфсизлик тизими, телекоммуникациялар ва бошқа кўп нарсалар киради, уларсиз бугунги кунда банкни тасаввур қилиб бўлмайди.

Банк технологияларисиз ҳозирги кунда банк фаолиятини юритиш билан боғлиқ ҳар қандай муаммоларни ҳал қилиш ва жараёнларни

³⁷ Тарасова В.И. Межрегиональный центр банковских и финансовых технологий / Банковские и финансовые технологии для реального сектора экономики: сборник статей под ред. – М. 2000. – 134 с., Галаган А.А. От купца до банкира: История предпринимательства российского. – М.: Ось-89, 1997. – 167 с., Дроздов В.В., Воробьева Ю.Ф. Банкирский промысел в докапиталистический период/История и историография экономики: сборник статей под ред. – М.: “Экономика”, 2003. – 69 с., Масленченков Ю.С. Технология и организация работы банка: теория и практика. – М.: “ДЕКА”, 1998. – 431 с., Садков В.Г., Овчинникова О.П. Банковские системы развитых стран: история, современность, перспективы. – М.: “Прогресс”, 2001. – 141 с., Тимошенко Л.А. Разработка новых банковских продуктов и воздействие на конкурентоспособность и надежность банка. – М.: “Экон-Информ”, 2004. – 13 с.

бошқаришни тасаввур қилиб бўлмайди, чунки сўнги бир неча йил ичида қарорлар қабул қилиш тезлигига бўлган талаблар кескин ўзгариб кетди, банк операциялари жараёнида ишлатиладиган компьютер дастурий таъминотлари такомиллашиб, маълумотлар ҳажми ошди.

“Анъанавий банк” тушунчаси ва шу номдаги фан ҳозирги кунда “банк технологиялари”га ҳамда улар ҳақидаги фанга айланмоқда. Чунки бугунги кунда банк хизматларини кўрсатишнинг назарий эмас, балки амалий усуллари ва уларни амалга оширишнинг техник воситалари биринчи ўринда туради.


Шунинг учун ҳам замонавий алоқа дунёсида банк технологиялари муҳим ўрин тутди. Улар ахборот-телекоммуникация технологиялари тўпламидир.

Банк технологиялари эса махсус компьютер дастурларини, ички процедураларни ва рискларни бошқариш билан боғлиқ турли хил моделларни ўз ичига олади.

Банкларнинг молиявий барқарорлиги мувозанатли пул-кредит сиёсати билан таъминланади. Ҳисоб эгаларининг содиқлигини таъминлаш ва мижозлар базасини кенгайтириш учун замонавий банк технологиялари жорий этилмоқда. Демак, банк технологиялари моддий барқарорликни ошириш, мижозлар билан самарали таъсир ўтказишга ёрдам берадиган банклар фаолиятини таҳлил қилиш усулларининг тўпламини тавсифлайди.

Келажакда ривожланаётган ва ривожланган дунёда кўпроқ технологиялар жорий этилиши ҳамда қўлланилиши кузатилади. Технологияларнинг ривожланиши банк секторини ривожлантиришда катта ёрдам беради. Бугунги кунда банк тизимида қўлланилаётган баъзи технологиялар қуйидагилардан иборат³⁸ (1.4-расм).

³⁸ Cavus N. Chingoka D.N.C. Information technology in the banking sector: Review of mobile banking // Global journal of information technology. Number 5(2), 2015. – 62-70 p.



1.4-расм. Бугунги кунда дунё банкларида фойдаланиладиган банк технологиялари³⁹

Automated Teller Machine (ATM). Бу автоматлаштирилган банкомат бўлиб, у бутун дунёда қўлланиладиган технологиядир. Банкомат мижозларга ҳар қандай вақтда нақд пул керак бўлганда пулни нақд қилиш имкониятига эга бўлишига ёрдам беради. Мижозни идентификатсиялаш учун банк томонидан тақдим этиладиган ПИН-коддан фойдаланилади. Ушбу хизматдан фойдаланиш учун мижоз банкда ҳисоб рақамига, дебет ёки кредит картага эга бўлиши керак. Пулни дунёнинг исталган нуқтасидан олиш мумкин.

Mobile Banking. Мобил банк – бу мижозлар учун тақдим этилаётган банк соҳасида қўлланиладиган энг янги технологиялар. Мижозда ақлли телефон, планшет ёки шахсий рақамли қурилма бўлиши керак. Windows,

³⁹ Илмий манбаларни умумлаштириш асосида муаллиф томонидан тузилган.

Cano M.D., Domenech-Asensi G. A security energy-efficient m-banking application for mobile devices // The Journal of Systems and Software. Number 84, 2011. – 1899-1909 p., Dahlberg T., Mallat N., Ondrus J., Zmijewska A. Past, present and future of mobile payments research: a literature review // Electronic commerce research and applications, Number 7(2), 2008. – 165-181 p., Kemp R. Mobile payments: current and emerging regulatory and contracting issues // Electronic commerce research and applications, Number 7(2), 2008. – 165-181 p., Shaikh A.A., Karjaluoto H. Making the most of information technology and systems usage: a literature review, framework and future research agenda // Computers in human behaviour, Number 40, 2015. – 541-566 p., Tan G.W.H. NFC mobile credit card: the next frontier of mobile payment // Telematics and informatic, Number 31(2), 2014. – 292-307 p. Yu C.S. Factors affecting individuals to adopt mobile banking: empirical evidence from the UTAUT Model // Journal of electronic commerce research, Number 13(2), 2012. – 104-121 p.

Андроид, iOS ва бошқа уяли телефонларнинг операцион дастурларига мос келадиган дастур ишлаб чиқилган. Мобил дастур тўғридан-тўғри мобил қурилмага юклаб олинади. Мижоз мобил интернет ёки Wi-Fi тармоғида фаол интернет алоқасига эга бўлиши керак, шунда мобил банк хизматидан фойдаланиш мумкин.

Internet Banking. Мижоз интернет орқали ўз банк ҳисоб рақами бўйича ҳисоб баланси сўровига кириш, тўловларни амалга ошириш, пул ўтказмалари, халқаро пул тўловлари, доимий тартиб ва тўғридан-тўғри дебет тўловларини яратиш ва янгилаш ҳамда сўнгги операцияларни текшириш имкониятига эга бўладилар. Мижоз веб-сайтга шахсий компьютер ёки ноутбук орқали киради ва ҳисоб маълумотларига дунёнинг исталган нуқтасидан кириш мумкин. Интернетда қуйидаги хизматлардан фойдаланиш мумкин; ҳисоб баланси бўйича сўров, ҳисобварақлар ўртасида пул ўтказмаси, доимий буюртма ва тўғридан-тўғри дебет тўловларини яратиш ва янгилаш, пул ўтказмалари, ҳисоб-китобларга умумий нуқтаи, ҳисоб тарихи, кредитни тўлаш, олдиндан тўланган картани тўлдириш ва паролни ўзгартириш шулар жумласидандир.

Video Teller Machine (VTM): банклар орқали тақдим этиладиган янги ва инновацион хизмат. Мижоз барча банк операциялари учун VTM орқали миждозларга хизмат кўрсатиш вакилига масофадан уланади. VTM миждозларга барча филиаллар банк хизматларини таклиф этади.

Secure Short Messaging Service (SSMS): SSMS-банкинг миждозларнинг мобил телефонларига матнли хабарларни юбориши ва қабул қилиши учун ишлатилади. Банклар миждозларнинг мобил телефон рақамларини ҳисобга олишларини олиб борадилар, миждозлар ўзларининг банк ҳисоб рақамлари бўйича сўровлар ўтказишлари мумкин. Банк орқали SSMS банк хизматидан фойдаланиш учун миждоз ўз мобил рақамини рўйхатдан ўтказиши керак. Шунингдек, банк ҳисобварақда содир бўлган ҳар бир операция тўғрисида миждозларга хабар юборади. Транзаксия мобил банк хизматида тайинланган рақамга SSMS юбориш орқали амалга оширилади.

SIM Application-toolkit: Бу мижоз билан ўзаро алоқада бўлишига имкон берадиган, интерактив менюси дастурлаштирилган стандарт SIM-карта сифатида кўрсатилган. Ўзаро таъсир мижоз ва тармоқ ўртасида бўлиб, алмашинув мижозга интерактив меню ва дастур орқали маълумот киритилиши билан амалга оширилади. Уяли алоқа операторлари ўзларининг SIM-карталарига мижозлар учун янгиланишларни тармоқ орқали ёки бутунлай янги SIM-карталарни чиқаришлари мумкин. Уяли алоқа операторлари ва молия институтлари учун SIMга асосланган дастурларни амалга оширишнинг энг катта афзаллиги, бу фирмаларнинг аризаси SIMда бўлишини кафолатлайди ва шу сабабли банкка рақобатбардош устунлик беради.

Near Sound Data Transfer (NSDT): Бу ҳар қандай мобил телефондан фойдаланадиган мобил банк хизматида ишлатиладиган тезкор, хавфсиз ва қулай контактсиз тўлов технологияси. NSDT мижознинг СМС ёки USSD технологияларидан эмас, балки операцияни тасдиқлаш учун тўловларни амалга оширишни хоҳлаган ҳар сафар чиқариладиган бир марталик аудио паролидан фойдаланади. NSDT платформаси хавфсиз транзакцияларни амалга оширишга имкон беради. NSDT операциялари мижознинг уяли алоқаси ва диллер ёки операторларнинг тўловларни қабул қилиш мосламаси орқали амалга оширилади. Мижоз пулни рўйхатдан ўтган агент орқали киритади ва пул виртуал ҳамёнга тушади. NSDT барча транзакцияларнинг мақсади алоқа тезлиги ва маълумотларни сиқиш, хавфсизлик ва криптография, хатоларни аниқлаш ва тузатиш ҳамда охир-оқибат овозни оптималлаштиришдир. Шунинг учун NSDT самарали ва мукаммал операцияларни амалга оширади ва ҳатто жуда шовқинли муҳитда ҳам фойдаланиш мумкин.

RFID Technology. Банк картаси тўлов учун чип билан таъминланади ва тўлов оддийгина картани RFID ўқувчи қурилма олдида қўйиш орқали амалга оширилади ҳамда тўлов автоматик равишда амалга оширилади.

Telephone Banking or Interactive Voice Response (IVR). Телефон-банк бу мижоз томонидан банк томонидан тақдим этилган махсус рақамга кўнғироқ қилгандан сўнг тизим билан ўзаро алоқада бўлиш имкониятини берадиган ахборот технологияларидир. Мижоз овозли хабар тизимидан турли хил вариантларни танлаш билан ўзаро алоқада бўлади ёки танлов вариантлари учун гаплашиши мумкин. Мижоз телефон банки учун белгиланган рақамда олдиндан ёзиб олинган овоз билан сўралганда энг мос вариантни танлаши керак. Овозли тезкор тизим мижознинг овозини шарҳловчи нутқни аниқлашдан фойдаланади. Вариантни танлаш учун мижоз “ха”, “йўқ” ёки рақам каби оддий сўзлардан фойдаланиши керак.


Wireless Application Protocol (WAP). Бу мобил банк хизматида ишлатиладиган технология бўлиб, мижоз банк веб-сайтига мобил телефонидаги браузер ёрдамида интернет орқали уланади. Мижоз ўзининг банк ҳисобварағи маълумотларига компьютер вазифасини бажарадиган мобил телефон ёрдамида кириш имкониятига эга. Мижоз ҳеч қандай дастурий таъминотни юклаб олиш керак бўлмасдан кириш ҳуқуқига эга бўлади.

Unstructured Supplementary Service Data (USSD). Бу меню ва белгиланган сеансга эга СМС хизмати. Бу барча телефон моделларида қўлланиладиган стандарт. Мижоз жавоб бериш учун жумлаларни ишлатишдан фарқли ўлароқ давом эттириш учун менюдаги вариантлар рўйхатидан бирини танлаши керак. USSDнинг асосий афзаллиги: мижоз менюдан тегишли вариантларни танлаб тезда жавоб беради. USSD мижоз, уяли алоқа тармоғи ва банк ўртасида алоқа ўрнатишга имкон беради. USSD хизматидан фойдаланиш учун мижозлар SIM-карта олдиндан хизмат учун зарур бўлган буйруқлар билан ўрнатилади. Мижоз банк ёки уяли алоқа оператори томонидан тақдим этилган USSD хизмати учун ажратилган рақамлардан фойдаланади. Мижоз сўровни USSD хизмат рақамини териш билан бошлайди, уяли алоқа оператори менюни қайтаради. Мижоз мавжуд бўлган вариантлардан бирини танлайди.

Contactless Payments using Near Field Technology (NFC). Бу икки томонлама радио тўлқинлари алоқаси, шунингдек мос келадиган дастурий таъминотни бошқарадиган ва бир-бирига яқин масофада жойлашган ақлли мобил қурилмалар ёрдамида мобил алоқа ва симсиз тўлов шаклидир. NFC - бу қисқа масофали, юқори частотали технология, бу қурилмалар ўртасида 10 см масофада маълумот алмашиш имконини беради. NFC RFID технологияси асосида қурилган. Қурилмалар ўртасида симсиз алоқа ва маълумотлар алмашинувига рухсат бериш. Қурилма фаол ёки пассив режимлардир. Шифрлаш махфий маълумотларни ҳимоялаш учун ишлатилади, телефон йўқолган ёки ўғирланган бўлса, уни ҳимоя қилиш учун антивирус ва телефон кулфидан фойдаланиш керак. NFC технологияси асосан Европа, Америка ва Осиёда машҳурдир. NFCнинг мақсади - операцияларни бажариш учун навбатларни қисқа ва тезроқ қилиш, камроқ карталарни олиб юриш, чунки тўлов учун мобил қурилмани олиб юришнинг ўзи кифоядир.


Mobile Money. Мобил ҳамён, мобил тўлов ва мобил пул ўтказмаси деб номланади. Мобил пул хизмати бутун дунёда ишлатилади, асосан Африкада банк ҳисобварағига эга ёки ҳисоби бўлмаганлар учун. Хизмат тижорат банклари билан ҳамкорликда бўлган уяли алоқа операторлари томонидан тақдим этилади. Мобил пул ҳисобварақлари миждознинг банк ҳисобварағи билан ҳам боғланиши мумкин. Мобил пул хизмати - бу банк ҳисоб рақамини очиш муаммосиз, пул маблағларининг яна бир усули. Виртуал “ҳамён”даги пул ҳар қандай нарсени тўлаш учун ишлатилиши мумкин, масалан, мобил кредит сотиб олиш, ҳисоб-китобларни тўлаш, кўрсатилган маҳсулотлар ва хизматлар. Бунда ҳам ПИН-код амалга оширилган операцияларни текшириш учун ишлатилади.

Таҳлил ва тадқиқотлардан келиб чиқиб, банк технологияларининг ўзига хос хусусиятларини ва унинг такомиллашишига таъсир кўрсатувчи омилларни қуйидагича ифодалаш мумкин (1.5-расм).



1.5-расм. Банк технологияларининг ўзига хос хусусиятлари ва унинг такомиллашишига таъсир кўрсатувчи омиллар⁴⁰

Бугунги мураккаб ва тез ўзгарувчан шароитда муваффақият қозониш учун “IT managers” гуруҳини шакллантириш ва улардан самарали фойдаланишни ташкил этиш мақсадга мувофиқ.



1.6-расм. Банк технологиялари компонентлари⁴¹

⁴⁰ Муаллиф ишланмаси.

⁴¹ Муаллиф ишланмаси.

Банклар мазкур гуруҳларнинг қайси йўналиши бўйича фаолият кўрсатмасин, айниқса рақамли ва аралаш кўринишдаги банкларда қўлланилаётган банк технологиялари бир қатор умумий таркибий қисмлар ёки жараёнларни ўз ичига олади ва бу боғлиқликни қуйидагича ифодалаш мумкин (1.6-расм).

Ушбу компонентлар рақамли банк хизматларини кўрсатиш учун биргаликда ишлайди. Ҳар бир компонент банк фаолиятини тизимли ишлашида асосий омил сифатида муҳим аҳамиятга эгадир.

Тадқиқотдан келиб чиқиб, банк технологияларидан самарали фойдаланиш ва уларнинг самарадорлигини оширишда қуйидагиларни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ бўлади:

- банк хизматларини оммабоплигини янада ошириш, кўрсатилаётган рақамли хизматлар сифати ҳамда салмоғини кенгайтириш мақсадида инновацион рақамли технологияларни банк тизимига жалб этиш бўйича марказий банкнинг манзилли дастурини ишлаб чиқиш;

- банкларнинг инновацион технологиялардан фойдаланиш даражаси бўйича Банклар ассоциацияси банк томонидан алоҳида рейтинг юритиш ва тарғибот ишларини амалга ошириш;

- банкларни дастурий таъминотни амалга оширувчи ИТ-компаниялари томонидан яратилаётган инновацион лойиҳаларнинг рейтингини ишлаб чиқиб, соф рақобат муҳитини шакллантириш;

- банк рақамли хизматларини кўрсатилишида мижозларни идентификациялаш мақсадида биометрик технологиялардан амалиётда кенг фойдаланиш;

- сунъий интеллект ва робота-технологияларни банк тизимига кенг жалб этиш, банклардаги шаффофликни янада ошириш ҳамда банк штатларини оптималлаштириш орқали банк харажатларининг қисқаришига эришиш;

- банк API-лари бўйича банк ва нобанк хизматларни ягона илова оқали хизмат кўрсатилишига эришиш учун платформаларни интеграциялаш,

мултивалюта дастурларини ишлаб чиқиш орқали хорижий мамлакатлар банк хизматлари бозорига кириб бориш;

1.3-§. Тижорат банкларининг депозит ва кредит хизматлари амалиётини такомиллаштириш борасидаги хориж тажрибаси ва ундан Ўзбекистон амалиётида фойдаланиш имкониятлари

Тараққий этган мамлакатларда ва ривожланаётган мамлакатларнинг банк тизимида фаолият юритаётган бир қатор тижорат банкларида рақамли иқтисодиёт шароитида банк хизматларини ривожлантириш борасида бой ижобий тажриба тўпланган бўлиб, ушбу тажрибадан Ўзбекистон Республикаси банклари амалиётида фойдаланиш муҳим амалий аҳамият касб этади.

Биз қуйида таҳлил объекти бўлган хорижий банклар – Bank of America (АҚШ) ва Сбербанкнинг (Россия) кредит ва депозит хизматларини такомиллаштириш борасидаги тажрибаларини таҳлил қиламиз.

1.1-жадвал

Bank of America (АҚШ) кредитларининг даражаси ва динамикаси⁴²

Кўрсаткичлар	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.	2021 йилда 2017 йилга нисбатан ўзгариши
Кредитлар миқдори, млн. АҚШ доллари	926356	937294	974010	909059	966737	104,4 %
Кредитларнинг брутто активларга нисбатан даражаси, %	40,6	39,8	40,0	32,2	30,5	- 10,1 ф.п.

1.1-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриш мумкинки, Bank of America кредитларининг миқдори 2017-2019 йилларда ўсиш тенденциясига


⁴² Жадвал муаллиф томонидан Bank of America банкининг 2017-2021 йиллар якуни бўйича эълон қилинган йиллик ҳисоботлари маълумотлари асосида (www.bankofamerica.com) тузилган.

эга бўлган. Аммо, 2020 йилда банкнинг кредитлари миқдори 2019 йилга нисбатан камайган.

Келтирилган маълумотлардан кўринадикки, Bank of America банкининг кредитлари миқдори 2021 йилда 2017 йилга нисбатан 4,4 фоизга ўсган.

1.1-жадвал маълумотларидан кўринадикки, Bank of America брутто активларининг ҳажмида кредитларнинг салмоғи 2019-2021 йилларда пасайиш тенденциясига эга бўлган ва ушбу кўрсаткич 2021 йилда 2017 йилга нисбатан 10,1 фоизли пунктни ташкил этган. Мазкур пасайиш таҳлил қилинган давр мобайнида қимматли қоғозларга қилинган инвестицияларнинг Bank of America брутто активларининг ҳажмидаги салмоғининг ошганлиги билан изоҳланади.

1.7-расм маълумотларидан кўринадикки, 2019-2021 йилларда Bank of America брутто активларининг ҳажмида қимматли қоғозларга қилинган инвестицияларнинг салмоғи ошиш тенденциясига эга бўлган. Бу эса, мазкур даврда кредитларнинг банкнинг брутто активлари ҳажмидаги салмоғининг пасайиш тенденциясига эга бўлганлиги билан изоҳланади.




1.7-расм. Bank of America брутто активларининг ҳажмида қимматли қоғозларга қилинган инвестицияларнинг салмоғи, фоизда⁴³

Тижорат банкларининг кредит хизматларининг такомиллашганлигини тавсифловчи муҳит кўрсаткичлардан бири бўлиб, кредитларнинг

⁴³ Расм муаллиф томонидан Бэнк оф Америка банкининг 2017-2021 йиллар якуни бўйича эълон қилинган йиллик ҳисоботлари маълумотлари асосида (www.bankofamerica.com) тузилган.

даромадлилиқ даражасининг ўзгариши ҳисобланади. Халқаро банк амалиётида тижорат банклари кредитларининг даромадлилигини баҳолашда берилган бир бирлик кредитга тўғри келадиган даромад даражаси кўрсаткичидан кенг фойдаланилади.



1.8-расм. Bank of America кредитларининг даромадлилиқ даражаси, фоизда⁴⁴

1.8-расмда келтирилган маълумотлардан аниқ кўриш мумкинки, Bank of America томонидан берилган кредитларнинг даромадлилиги 2017-2021 йилларда сезиларли даражада ўзгармасдан, барқарор даражада қолган. Масалан, 2021 йилда кредитларнинг даромадлилиқ даражаси 2020 йилга нисбатан сезиларсиз даражада, яъни 0,1 фоизли пунктга пасайган. 2020 йилда эса, кредитларнинг даромадлилиқ даражаси 2019 йилга нисбатан 0,2 фоизли пунктга ошган.

Шу ўринда қайд этиш лозимки, тижорат банклари кредитларининг даромадлилигига таъсир этувчи муҳим омиллардан бири бўлиб, кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг миқдори ва даражасининг ўзгариши ҳисобланади.

АҚШ банк амалиётида кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмалари тўлиқ тижорат банкларининг

⁴⁴ Расм муаллиф томонидан Бэнк оф Америка банкининг 2017-2021 йиллар якуни бўйича эълон қилинган йиллик ҳисоботлари маълумотлари асосида (www.bankofamerica.com) тузилган.

харажатига олиб борилади. Шу сабабли, кредитлар бўйича захира ажратмалари миқдорининг кўпайиши ва уларнинг брутто активларга нисбатан даражасининг ошиши нафақат кредитларнинг даромадлилигига, балки соф фойданинг ҳам камайишига олиб келади. Бу эса, банкнинг ликвидлигига ва тўловга қобиллигига нисбатан жиддий салбий таъсирни юзага келтиради.

1.2-жадвал

Bank of Americaда (АҚШ) кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг миқдори ва даражаси⁴⁵

Кўрсаткичлар	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.
Кредитлар бўйича захира миқдори, млн. АҚШ доллари	3396	3282	3590	11329	4594
Кредитлар бўйича захира ажратмаларининг брутто активларга нисбатан даражаси, %	0,1	0,1	0,1	0,4	0,1

1.2-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриш мумкинки, Bank of Americaда кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмалари 2018-2020 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бу эса, банкнинг кредит хизматларини такомиллаштириш нуқтаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади. Аммо, 2021 йилда ушбу кўрсаткичнинг даражаси 2020 йилга нисбатан сезиларли даражада камайган.

1.2-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўринадикки, Bank of Americaда кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг брутто активларга нисбатан даражаси 2017-2021 йилларда барқарор бўлган (фақат 2020 йил бундан мустасно). Бу эса, банкнинг кредит хизматларини такомиллаштириш нуқтаи-назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади.

⁴⁵ Жадвал муаллиф томонидан Bank of America банкининг 2017-2021 йиллар якуни бўйича эълон қилинган йиллик ҳисоботлари маълумотлари асосида (www.bankofamerica.com) тузилган.

1.3-жадвал

Bank of America да тўланмаган кредитлар ва лизинглар ҳамда кредит йўқотишлар учун ажратмалар, 2021 йилнинг 31 декабрь ҳолатига, млн. АҚШ долларида⁴⁶

	30-59 кун	60-89 кун	90 кун ва ундан ортиқ
Истеъмолчи кўчмас мулки: Уй-жой ипотекаси	1005	297	1571
Ўз капитали	123	69	369
Кредит карта ва бошқа миждозлар: Кредит карта	298	212	487
Бевосита/билвосита истеъмолчи	147	52	18
Жами истеъмол кредитлари ва лизинглар	1573	630	2445
АҚШ даги тижорат кредитлари	815	308	396
АҚШ дан ташқаридаги тижорат кредитлари	148	20	83
Тижорат кўчмас мулки	115	34	285
Тижорат лизингини молиялаштириш	104	28	13
АҚШ. Кичик бизнес тижорат	129	259	89
Жами тижорат кредитлари	1311	649	866
Жами кредитлари ва лизинглар	2884	1279	3311

Рақамли иқтисодиёт шароитида кредитларнинг инновацион шаклларидан фойдаланиш тижорат банкларининг кредит хизматини такомиллаштиришда муҳим ўрин тутди. АҚШ банкларининг кредитлаш амалиётида кредитларнинг инновацион турлари бўлган кредит карталари бўйича кредитлар ва молиявий лизинг кредитлар бериш яхши ривожланган.

Шуниси аҳамиятлики, АҚШ банкларида овердрафт кредитларини жисмоний шахсларга ҳам, юридик шахсларга ҳам бериш амалиёти такомиллашган.

⁴⁶ Жадвал муаллиф томонидан Bank of America банкининг 2021 йил якуни бўйича эълон қилинган йиллик ҳисоботи маълумотлари асосида (www.bankofamerica.com) тузилган.

1.3-жадвал маълумотларидан кўринадикки, Bank of Americaда муддати ўтган кредитлар ва лизинг кредитлари бўйича захира ажратмаларининг катта қисми 2021 йилнинг 31 декабрь ҳолатига кўра, 30 кундан 59 кунгача ва 90 кун ва ундан ортиқ муддатдаги муддати ўтган истеъмол кредитларининг ҳиссасига тўғри келмоқда.

1.3-жадвал маълумотларидан кўринадикки, Bank of Americaда тижорат кредитлари бўйича 30 кундан 59 кунгача муддати ўтган қарздорлик тижорат кредитлари бўйича муддати ўтган қарздорликнинг умумий ҳажмида нисбатан юқори салмоқни эгаллаган.

1.3-жадвал маълумотларидан кўринадикки, Bank of America томонидан берилган тижорат кредитларининг асосий қисми АҚШ резидентларига берилган, норезидентларга берилган тижорат кредитлари нисбатан кичик салмоқни эгаллайди.

1.4-жадвал жадвал маълумотлари орқали Bank of America фаолиятидаги кредит рискига баҳо берамиз. Жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, Bank of America фаолиятидаги кредит рискининг тармоқлар таркибида нисбатан юқори салмоқни актив бошқарувчилар ва фондларга берилган кредитлар бўйича кредит риски эгаллайди. 2021 йил якуни бўйича ушбу кредит рискининг барча кредитлар бўйича кредит рискидаги улуши 12,1 фоизни ташкил қилди.

1.4-жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, 2020 ва 2021 йилларда Bank of America кредит риски таркибида кўчмас мулкни молиялаштиришга, молиявий компанияларга ва капитал товарларга берилган кредитлар бўйича кредит риски даражаси нисбатан юқори бўлган. Ушбу кредитлар бўйича кредит рискининг жами кредит рискидаги улуши, 2021 йил якуни бўйича, мос равишда 8,5 %, 7,6 % ва 7,5 фоизни ташкил этди.

1.4-жадвал

Bank of Americaда тармоқлар бўйича кредит rischi, 2021 йилнинг
31 декабрь ҳолатига, млн. АҚШ долларид⁴⁷

Тармоқлар ва соҳалар	Тижорат фойдаланилган		Жами тижорат қабул қилинган	
	2021 й	2020й	2021й	2020й
Актив бошқарувчилар ва фондлар	89786	67360	136914	100296
Кўчмас мулк	69384	68967	96202	9173
Молиявий компаниялар	59327	46948	86009	70004
Капитал товарлар	42784	39807	84293	80815
Соғлиқни сақлаш ускуналари ва	32003	33488	58195	5754
Материаллар	25133	24516	53652	50757
Чакана савдо	24514	23700	50816	48306
Ҳукумат ва халқ таълими	37597	41669	50066	56212
Маиший хизматлар	28172	31993	48052	47997
Озиқ-овқат ичимликлар ва тамаки	21584	22755	45419	44417
Тижорий хизматлар ва материаллар	22390	21107	42451	38092
Жисмоний шахслар ва ишончлар	29752	24727	39869	34036
Утилиталар	17082	12387	36855	29234
Энергия	14217	13930	34136	32974
Транспорт	21079	23126	32015	33082
Дастур ва Хизматлар	10663	10853	27643	22524
Технология аппарат важиҳозлар	10159	9935	26910	24196
ОАВ	12495	12632	26318	2412
Жаҳон тижорат банклари	20062	20544	21390	22595
Телекоммуникация хизматлари	10056	9411	21270	15605
Узоқ муддатли истеъмол товарлари ва	9740	9232	21226	20223
Фармацевтика ва биотехнология	5608	4830	19439	15901
Автомобиллар ва бутловчиқисмлар	9236	10792	17052	20575
Автомобил сотувчилари	11030	15028	15678	18696
Сугурта	5743	5772	14323	13277
Озиқ-овқат ва асосий маҳсулотлар чакана	6902	5209	12226	11795
Молия бозорлари инфратузилмаси (ҳисоб-	3876	4939	6076	8648
Диний ва ижтимоий ташкилотлар	3154	4646	5394	6597
Тармоқлар ва соҳалар бўйича – жами	653528	620303	1129889	884193

1.5-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўринадики, Bank of America кредитлари ва лизинг кредитларининг муддатига кўра таркибида энг юқори салмоқни 1 йилдан 5 йилгача муддатдаги кредитлар ва лизинг

⁴⁷ Жадвал муаллиф томонидан Bank of America банкининг 2021 йил якуни бўйича эълон қилинган йиллик ҳисоботи маълумотлари асосида (www.bankofamerica.com) тузилган.

кредитлари эгаллайди. Ундан кейинги ўринни 1 йилгача муддатдаги кредитлар ва лизинг кредитлари эгаллайди. Ушбу кредитлар мижозларнинг айланма маблағларини тўлдириш мақсадига берилган қисқа муддатли кредитлардир.

1.5-жадвал

Bank of Americaда кредитлари ва лизинг кредитларининг муддатига кўра таркиби⁴⁸, 2021 йилнинг 31 декабрь ҳолатига

	Бир йил ёки ундан камроқ муддат ичида тўланади	1 йилдан 5 йилгача	5 йилдан 15 йилгача	15 йилдан юқори	Жами
Уй-жой ипотекаси	175	702	48614	172751	222242
Уй-жой капитали	1596	92	6159	20427	28274
Кредит картаси	81438	—	—	—	81438
Бевосита / билвосита истеъмолчи	54080	30940	14535	4005	103560
Бошқа истеъмолчи	190	—	—	—	190
Жами истеъмол кредитлари	137479	31734	69308	197183	435704
АҚШ. Тижорат	93480	195157	39370	2505	330512
АҚШдан ташқари тижорат	42570	50514	21754	1053	115891
Тижорат кўчмас мулк	16322	42363	3386	938	63009
Тижорат лизингини молиялаштириш	1349	8676	3865	935	14825
АҚШ кичик бизнес тижорат	9428	3895	5656	204	19183
Жами тижорат кредитлар	163149	300605	74031	5635	543420
Жами кредитлар ва лизинглар	300628	332339	143339	202818	979124

1.6-жадвалда келтирилган маълумотлардан аниқ кўринадики, Bank of Americaнинг лизинг шартномалари суммасининг умумий ҳажмида энг юқори салмоқни фойдаланиш ҳуқуқи лизинги эгаллайди.

⁴⁸ Жадвал муаллиф томонидан Bank of America банкининг 2021 йил якуни бўйича эълон қилинган йиллик ҳисоботи маълумотлари асосида (www.bankofamerica.com) тузилган.

1.6-жадвалда келтирилган маълумотлардан аниқ кўринадикки, Bank of Americanнинг лизинг кредитлари ҳажмида ўзгарувчан лизинг кредитлари нисбатан кичик салмоқни эгаллайди

1.6-жадвал

Bank of Americanнинг лизинг шартномалари тўғрисида маълумот⁴⁹

	2021й	2020й
Фойдаланиш ҳуқуқи активи	10 233	10 000
Лизинг мажбуриятлари	10 858	10 474
Келажакдаги минимал лизинг туловларининг жорий қийматини ҳисоблаш учун ишлатиладиган ўртача тортилган дисконт ставкаси	3	3
Ўртача лизинг муддати (йилларда)	9	8
Лизинг қиймати ва қўшимча маълумотлар:		
Операцион лизинг қиймати	2 025	2 149
Ўзгарувчан лизинг қиймати	462	474
Жами лизинг қиймати	2 487	2 623
Янги операцион лизинг мажбуриятлари эвазига олинган фойдаланиш ҳуқуқи активлари	1 713	851
Операцион лизингдан оператив пул оқимлари	1 964	2 039

Ўзгарувчан ставкада кредитлар бериш тижорат банклари учун манфаатли ҳисобланади.

1.7-жадвалда келтирилган маълумотлардан яққол кўринадикки, Сбербанк томонидан берилган уй-жой кредитлари миқдори 2017-2020 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бу эса, қуйидаги сабаблар билан изоҳланади:

1. Аҳолининг уй-жой кредитларига бўлган талабининг ошиб бораётганлиги.

Россия аҳолисининг сезиларли қисмини кам даромадли аҳоли қатлами ташкил этади. Ушбу қатламга мансуб бўлган аҳоли учун уй-жой муаммосини ҳал қилишнинг ягона йўли бўлиб, тижорат банкларидан ипотека кредитлари олиш ҳисобланади.

⁴⁹ Жадвал муаллиф томонидан Bank of America банкининг 2021 йил якуни бўйича эълон қилинган йиллик ҳисоботи маълумотлари асосида (www.bankofamerica.com) тузилган.

2. Сбербанкнинг давлат ипотека дастурларини кредитлаш тизимида етакчи эканлиги.

Ҳозирги даврда Россия Федерациясида амалга оширилаётган йирик давлат ипотека дастурлари бўлган – Узоқ шарқ ипотекаси (йиллик 2 % ставка), Имтиёзли ипотека (йиллик 7 % ставка), Оилавий ипотека (йиллик 6 % ставка), Қишлоқ хўжалик ипотекаси (йиллик 3 % ставка), Уй-жой қуриш (йиллик 6,1 % ставка), Ҳарбий хизматчилар учун ипотека (йиллик 6,75 %) дастурларининг барчасида Сбербанк иштирокчи ҳисобланади⁵⁰.

2020 йилда Сбербанкда ипотека кредитлари бўйича қарорлар қабул қилиш вақтини кескин қисқартиришга, яъни узоғи билан 2,5 соатгача туширишга муваффақ бўлинди.

1.7-жадвал

Сбербанкнинг (Россия) чакана кредитлар бериш амалиёти⁵¹, млрд. Рубль

	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.
Уй-жой кредитлари	3132	3851	4291	5219
Истеъмол кредитлари	1575	2118	2658	3108
Кредит карталари ва овердарфтлар	572	652	794	829
Автокредитлар	120	130	141	152
Чакана кредитлар - жами	5399	6751	7884	9308


1.7-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўринадики, Сбербанк томонидан берилган истеъмол кредитлари, кредит карталари бўйича берилган кредитлар ва жисмоний шахсларга берилган овердрафт кредитлари миқдори 2017-2020 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бу эса, кредит ҳисобига сотилаётган истеъмол товарларининг ҳажмини ошиб бораётганлигидан ва пластик карталар муомаласини такомиллашиб бораётганлиги билан изоҳланади

1.7-жадвал маълумотларидан аниқ кўриш мумкинки, Сбербанк томонидан аҳолига автомобиль сотиб олиш учун берилган кредитларнинг

⁵⁰ Льготные программы по ипотеке, которые действуют в России. www.duma.gov.ru.

⁵¹ Жадвал муаллиф томонидан Сбербанкнинг 2017-2020 йиллар якуни бўйича эълон қилинган йиллик ҳисоботлари маълумотлари асосида (www.sberbank.ru) тузилган.

миқдори 2017-2020 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бу эса, автомобилларни кредитга сотиш ҳажмининг ошганлиги билан изоҳланади.



1.9-расм. Сбербанк мажбуриятларининг умумий ҳажмида депозитларнинг салмоғи⁵²

1.9-расмда келтирилган маълумотлардан кўринадикки, Сбербанк мажбуриятларининг умумий ҳажмида депозитларнинг салмоғи 2017-2020 йилларда жуда юқори бўлган. Бу эса, унинг депозитлар жалб қилиш амалиётини такомиллашганлигини кўрсатади.

1.8-жадвалда келтирилган маълумотлардан аниқ кўринадикки, 2017-2020 йилларда Сбербанк томонидан жисмоний шахслардан жалб қилинган депозитлар миқдори ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бунинг устига, таҳлил қилинган давр мобайнида жисмоний шахсларнинг депозитлари жами депозитлар ҳажмида юқори салмоқни эгаллаган. Ушбу ҳолатлар Сбербанкнинг депозит хизматларини такомиллаштириш нуқтаи-назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади.

1.8-жадвалда келтирилган маълумотлардан аниқ кўринадикки, 2017-2020 йилларда Сбербанк томонидан юридик шахслардан жалб қилинган депозитлар жами депозитлар ҳажмида нисбатан кичик салмоқни эгаллаган. Аммо, 2020 йилда юридик шахслардан жалб қилинган депозитлар миқдори 2017 йилга нисбатан сезиларли даражада кўпайган.

⁵² Расм муаллиф томонидан Сбербанкнинг 2017-2020 йиллар якуни бўйича эълон қилинган йиллик ҳисоботлари маълумотлари асосида (www.sberbank.ru) тузилган.

Сбербанкнинг (Россия) депозитларининг таркиби⁵³

Кўрсаткичлар	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.
Жисмоний шахсларнинг депозитлари, млрд. рубль	13420,3	13485,1	14209,6	16641
Жисмоний шахсларнинг депозитларини жами депозитлардаги улуши, %	67,9	64,6	65,9	64,6
Юридик шахсларнинг депозитлари, млрд. рубль	6353,9	7402,2	7364,8	9124,7
Юридик шахсларнинг депозитларини жами депозитлардаги улуши, %	32,1	35,4	34,1	35,4

Тижорат банкларининг кредит ва депозит хизматларининг самарадорлигини тавсифловчи муҳим кўрсаткичлардан бири – бу кредитларнинг даромадлилик ставкаси билан депозитларнинг харажатлилик ставкаси ўртасидаги нисбатнинг ўзгариши ҳисобланади.



1.10-расм. Сбербанк кредитларининг даромадлилик ставкаси ва депозитларининг харажатлилик ставкаси, фоизда⁵⁴

⁵³ Жадвал муаллиф томонидан Сбербанкнинг 2017-2020 йиллар якуни бўйича эълон қилинган йиллик ҳисоботлари маълумотлари асосида (www.sberbank.ru) тузилган.

⁵⁴ Расм муаллиф томонидан Сбербанкнинг 2017-2020 йиллар якуни бўйича эълон қилинган йиллик ҳисоботлари маълумотлари асосида (www.sberbank.ru) тузилган.

1.10-расмда келтирилган маълумотлардан кўринадикки, биринчидан, таҳлил қилинган давр мобайнида Сбербанк кредитларининг даромадлилик ставкаси депозитларининг харажатлилик ставкасидан юқори бўлган, иккинчидан, иккала ставка ўртасидаги ижобий фарқнинг барқарор даражаси мазкур даврда сақланиб қолган. Ушбу ҳолатлар Сбербанкнинг депозит-кредит хизматларини такомиллаштириш нуқтаи-назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади.

Биринчи боб бўйича хулоса

Рақамли иқтисодиёт-иқтисодиётни энг замонавий шакли ҳисобланиб тўртинчи саноат инқилоби дея эътироф этилмоқда. Шу боисдан иқтисодиётни рақамлаштириш, хусусан, банк тизимини рақамли трансформациялаш ва инновацияларни жорий этиш орқали банк маҳсулотларининг миқдор ва сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

2020 йилда COVID-19 пандемияси муқаррар равишда иқтисодиётга таъсир кўрсатди. Бунда банкларда ноликвид активларнинг тўсатдан кўпайиши ва кредит хатарларининг ошиб кетиши кузатилди. Бу эса барча иқтисодиёт тармоқлари қатори банклар учун ҳам бир синов бўлиб, пандемия ҳолатига мослашиш, пандемия даврида банк рақамли хизматларини тез фурсатда ўзлаштириш ва кенг жорий этиш масалалари муҳимлигини кўрсатди.

Шуни алоҳида такидлаш лозимки, COVID-19 пандемияси даврида масофавий банк хизматлари ва ўз-ўзига хизмат кўрсатишга бўлган эҳтиёж ошиб, бугунги кунда ҳам доимий заруриятга айланди. Бу ўз-ўзидан янги рақамли банк маҳсулотлари ва хизматларини тақдим этиш жараёнининг шиддат билан ривожланиши ва кенгайиши ҳамда уларнинг диверсификациялаш босқичларининг ҳам тезлашишига олиб келди.

Натижада, банклар мизождар талабидан келиб чиқиб, рақамли технологиялар ёрдамида масофадан, онлайн тарзда хизматлар кўламини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Бу эса банк хизматларини кўрсатишда инсон омилини чеклайди, коррупция ҳолатларини бартараф этади, бир қатор бюрократик тўсиқларни чеклайди ҳамда банк хизматларнинг оммабоблиги даражасини янада оширади.

Ахборот технологиялари орқали маълумотларни тўплашдан муваффақиятли фойдаланиш банкларга фойдани сезиларли даражада оширишга ёрдам беради, шу билан рақобатчиларига нисбатан барқарор устунликни сақлаб қолади. Замонавий технологиялар ва интернет тармоғи асосида банк электрон (виртуал) хизматлар соҳасини кенгайтириш асосида миждозларга қулай ва тезкор банк хизматларини кўрсатиш муҳим ўрин тутди. Бу шуни англатадики, энг узоқ масофали миждозлар ҳам банк филиалларининг сонини эмас, балки йиғилган миждозлар маълумотлари ва хизматлар сифатини ҳисобга олишади.

Умуман олганда ривожланган мамлакатларнинг йирик банклари томонидан, хусусан Bank of America ва Сбербанк (Россия) банклари томонидан кўрсатилаётган банк хизматларини, таҳлил қилиш ва хулосалар чиқариш асосида Ўзбекистон банк тизимида қўллаш йўлларини таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тижорат банкларининг депозит ва кредит хизматлари амалиётини такомиллаштириш борасидаги хориж тажрибаси таҳлили кўрсатдики:

– Bank of America кредитларининг миқдори 2017-2019 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлган, бироқ, 2020 йилда банкнинг кредитлари миқдори 2019 йилга нисбатан камайган;

– Bank of America брутто активларининг ҳажмида кредитларнинг салмоғини 2021 йилда 2017 йилга нисбатан сезиларли даражада пасайиши ушбу давр мобайнида қимматли қоғозларга қилинган инвестицияларнинг брутто активларининг ҳажмидаги салмоғининг ошганлиги билан изоҳланади;

– Bank of Americaда кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларини 2018-2020 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлганлиги кредит хизматларини такомиллаштириш нуқтаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади, аммо, 2021 йилда ушбу кўрсаткичнинг даражаси 2020 йилга нисбатан сезиларли даражада камайган;

– Bank of Americaда муддати ўтган кредитлар ва лизинг кредитлари бўйича захира ажратмаларининг катта қисми 2021 йилнинг 31 декабрь ҳолатига кўра, 30 кундан 59 кунгача ва 90 кун ва ундан ортиқ муддатдаги муддати ўтган истеъмол кредитларининг ҳиссасига тўғри келди;

– 2021 йилнинг 31 декабрь ҳолатига кўра, Bank of America кредитлари ва лизинг кредитларининг муддатига кўра таркибида энг юқори салмоқни 1 йилдан 5 йилгача муддатдаги кредитлар ва лизинг кредитлари эгаллайди;

– Сбербанк томонидан берилган уй-жой кредитлари миқдори 2017-2020 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлди;

– Сбербанк томонидан берилган истеъмол кредитлари, кредит карталари бўйича берилган кредитлар ва жисмоний шахсларга берилган овердрафт кредитлари миқдорини 2017-2020 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлганлиги кредит ҳисобига сотилаётган истеъмол товарларининг ҳажмини ошиб бораётганлигидан ва пластик карталар муомаласини такомиллашиб бораётганлиги билан изоҳланади;


– Сбербанк мажбуриятларининг умумий ҳажмида депозитларнинг салмоғини 2017-2020 йилларда жуда юқори бўлганлиги ва депозитлар таркибида жисмоний шахсларнинг депозитларни нисбатан юқори салмоқни эгаллаши депозитлар жалб қилиш амалиётини такомиллашганлигини кўрсатади.

II БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ИННОВАЦИОН БАНК ХИЗМАТЛАРИ, КРЕДИТ ВА ДЕПОЗИТ ХИЗМАТЛАРИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ҲОЛАТИ

2.1-§. Инновацион банк хизматлари кўрсатиш амалиётининг таҳлили

Глобаллашув ва тармоқлараро интеграциялашув шароитида хизмат турларининг янги замонавий инновацион шакллари ва рақамли платформалар кенгайиб бормоқда. Хизмат кўрсатиш соҳаси вакиллари улар ёрдамида ўз хизматларини жаҳон миқёсига олиб чиқиш, фойдаланувчи мижозлар сонини чексиз ошириш имкониятларига эга бўлишмоқда. Айниқса, ижтимоий-иқтисодий жараёнлар ҳамда муносабатларда инновацион рақамли платформаларнинг роли тобора ошиб бормоқда. Жумладан, Google, Yandex, Amazon, Gov.uz, Olx ва бошқа платформалар шулар жумласидан.

Буларнинг барчасига замонавий ахборот технология (IT)лари ва уларнинг дастурий таъминоти соҳасидаги илмий-техник тараққиёт ютуқлари орқали эришилмоқда.



2.1-расм. Рақамли банк хизматларини кўрсатиш механизми⁵⁵

⁵⁵ Муаллиф ишланмаси.

Тараққийнинг бугунги даврида аҳолининг онлайн муносабатларида рақамли банк хизматларининг роли ҳам ошиб бормоқда. Чунки, аҳоли кундалик эҳтиёжларини қондиришда бевосита рақамли банк хизматларидан фойдаланади. (2.1-расм).

Банк рақамли платформалари орқали хизмат кўрсатишда электрон тўловлар, банк карталари, кредит карталар, электрон пул ўтказмалар, онлайн кредитлар, онлайн омонатлар, интернет банк хизматлари, электрон тўлов провайдерлари ҳамда шу соҳага оид бошқа воситалар интеграциясини кўрсатиш ҳамда мазкур жараённинг механизми қуйидагича ифодаланади

Банк рақамли платформасидан фойдаланишда бугунги кунга келиб энг оммалашиб бораётган, амалиётда муваффақиятли фойдаланилаётган тизим бу “Mobile banking” иловаларидир. Бунинг асосий сабаби “Mobile banking” иловаларидан фойдаланиш учун биргина мобил телефон (планшет)нинг ўзи кифоядир. Мобил телефон (планшет) эса бугунги кунда энг кўп тарқалган ИТ қурилмаси ва уни интернет тармоғига улаш қулай ҳамда арзондир.

Ҳозирги даврда электрон тўловлар ва бошқа рақамли банк хизматларини кўрсатиш соҳасида мобил банк иловалари билан рақобатлашиб, жадал оммалашаётган электрон тизим сифатида турли тўлов провайдерлари фаолият юритиб келмоқда.

Аммо, тўлов провайдерлари иловаларига қараганда мобил банк иловаларининг фойдаланувчилари учун ҳам тўлов олувчи, ҳам қабул қилувчи томонлар учун трансчегаравий тўлов воситаларини қўллашни ва улардан мақбул фойдаланиш учун жараёнларни созлашни ўрганиш қийин ва кўп вақт талаб этмоқда.

Қайд этиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг тўлов тизими барқарорлигини таъминлаш соҳасидаги вазифаларидан бири халқаро стандартларга жавоб берадиган қулай, ишончли ва хавфсиз тўлов хизматлари инфратузилмасини яратишдан иборатдир.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида 5 та тўлов тизими фаолият юритаётган бўлиб, шулардан 3 таси Марказий банкнинг тўлов тизимлари


(Банклараро тўлов тизими, Ҳисоб-китоблар клиринг тизими ва Тезкор тўловлар тизими) ва қолган 2 таси UZCARD (“Yagona Umumrespublika Protsessing Markazi” МЧЖ) ва HUMO (“Milliy Banklararo Protsessing Markazi” МЧЖ) тўлов тизимлари белгиланган тартибда Марказий банкдан лицензия олган хўжалик юритувчи субъектлар ҳисобланади.

Шунингдек, 2022 йилнинг 22 июль ҳолатига Марказий банк томонидан 44 та юридик шахсларга тўлов ташкилоти фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия берилган.

Бундан ташқари, “электрон ҳамён” хизматига эга ва электрон пуллар тизими сифатида марказий банкдан руйхатдан ўтиб, фаолият юритиётган тизимлар сони 12 тани ташкил этади.

Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими мамлакатимизнинг энг муҳим ҳисобланган электрон тўлов тизими сифатида барча тўлов тизимлари ишлаши учун пойдевор ҳисобланади.

Марказий банкнинг Банклараро тўлов тизимига банклараро тўловларни амалга ошириш мақсадида республикадаги барча 32 та тижорат банклари тўлов тизими иштирокчилари сифатида уланган.



2.3-расм. Банклараро тўлов тизими транзакциялари тенденцияси⁵⁶

Мазкур тўлов тизимида тўловлар реал вақт режимда ялпи ҳисоб-китоб тамойили асосида тўлов ҳужжати келиб тушган вақтдан бошлаб бир неча

⁵⁶ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

сониялар ичида амалга оширилади ҳамда натижаси тўғрисида ташаббускор ва бенефициарга хабар юборилади. Ушбу тизим асосида тўлов тизими орқали амалга оширилган ҳисоб-китоблар ҳақида маълумот олиш мумкин (2.3-расм).

2.1-жадвал

Тижорат банклари томонидан қабул қилинган тўловлар бўйича маълумот⁵⁷

№	Банк номи	2022 йил июль ойида қабул қилинган тўловлар		Шу жумладан бюджетга	
		сони (дона)	суммаси (млрд. сўм)	сони (дона)	суммаси (млрд. сўм)
1	Миллий банк	164 515	6 236	5 424	349
2	Ўзсаноатқурилишбанки	128 436	6 416	15 896	232
3	Агробанк	23 828	1 054	622	30
4	Микрокредитбанк	75 851	987	13 610	10
5	Халқ банки	136 980	1 722	39 218	30
6	Савдогар банк	22 813	334	1 848	4
7	Қишлоқ Қурилиш банк	158 439	1 455	80 705	45
8	Туронбанк	40 063	909	2 051	7
9	Намкорбанк	112 854	3 254	21 663	45
10	Асака банк	63 305	3 284	13 751	333
11	Ипак Йўли банки	12 412	386	2 609	41
12	Ziraat Bank Uzbekistan	1 027	58	65	4
13	Трастбанк	64 215	1 823	6 157	28
14	Алоқабанк	117 400	1 125	5 983	154
15	Ипотека-банк	36 799	1 277	2 843	54
16	ҚДБ Банк Ўзбекистон	2 239	152	240	35
17	Туркистонбанк	0	0	0	0
18	Содерот банк Тошкент	117	3	10	0
19	Универсалбанк	19 922	778	2 007	4
20	Капиталбанк	51 313	4 156	10 117	178
21	Равнақ-банк	951	68	48	2
22	Давр-банк	8 942	239	204	4
23	Invest Finance bank	2 001	481	217	17
24	Asia Alliance bank	47 115	1 492	4 855	22
25	Hi-Tech bank	81	0	0	0
26	Ориент Финанс банк	65 590	2 497	10 094	123
27	Мадад Инвест банк	34	0	0	0
28	Ўзагроэкспортбанк	119	2	8	0
29	Пойтахт банк	1 525	143	174	74
30	Tenge bank	971	112	71	2
31	Anor bank	4 058	1 027	145	10
32	Bank Apelsin	139 049	82	102 581	21
Жами:		1 502 964	41 551	343 216	1 858

⁵⁷ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари.

2017-2021 йиллар давомида Банклараро тўлов тизими орқали амалга оширилган транзакциялар сони ўтган камайиш тенденциясига эга бўлсада, транзакциялар суммаси 4,35 бараварга ошган.

Мазкур жараёни тижорат банклари кесимида таҳлил натижаларига кўра, жами 32 та тижорат банклари томонидан 2022 йилнинг июль ойи давомида 1,5 миллиондан ортиқ тўловлар қабул қилинган бўлиб, уларнинг 41551 млрд. сўми ташкил этган (2.1-жадвал).

2.1-жадвал маълумотларидан кўринадик, жорий йилнинг биргина июль ойи давомида энг кўп тўлов операцияларини амалга оширган тижорат банкларидан Узсаноат қурилиш банки 128436 та (6416 млрд. сўм), Миллий банк 164515 та тўлов (6236 млрд. сўм), Капитал банк 51313 та (4156 млрд. сўм), Асака банки 63305 та (3284 млрд. сўм), ва Ҳамкор банк 112854 та (3254 млрд. сўм) тўлов операцияларини амалга оширган.

Бу фақат банк кассалари, mobile banking иловалари ва online banking платформалари орқали амалга оширилган тўловлардир. Бундан ташқари, “Payme”, “Click”, “Click Evolution”, “Oson” ва “Wooy-wo” каби тўлов провайдерлари орқали ҳам кўплаб жисмоний шахслар тўловларни амалга ошириб келмоқда.

Бундан кўриниб турибдики, бугунги кунда аҳолининг тўлов хизматларига бўлган эҳтиёжи кундан-кунга ортиб бормоқда.

Тўлов тизимлари иқтисодиётнинг энг муҳим тармоқларидан бўлиб ҳисобланади. Чунки мамлакат иқтисодиётини замонавий технологиялар асосида ишловчи тўлов тизимларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Тўлов тизимлари пул мавжуд бўладиган майдондир. Тўлов тизимлари давлат молиясининг барқарорлигига асос бўлиб ҳисобланади, иқтисодиётдаги операцион харажатларни камайтиради, молиявий ва бошқа ресурсларнинг самарали ишлатилишини оширади, молия бозорининг ликвидлигини кучайтиради ва пул-кредит сиёсатининг олиб борилишига ҳисса қўшади. Шу сабабдан, тўлов тизимларини ривожлантиришни ўрганиш муҳим бўлиб ҳисобланади.

Умумий тарзда банк ва тўлов провайдерлари мобил иловалари бўйича кўрсатилаётган хизматлар бўйича қиёсий таҳлил натижаларини қуйидаги жадвалда кўриш мумкин (2.2-жадвал).

2.2-жадвал
Банк ва тўлов провайдерлари мобил иловалари бўйича кўрсатилаётган хизматлар бўйича қиёсий таҳлил натижалари⁵⁸

№	Хизмат турлари	Ўзмилийбанк	Ҳамкорбанк	ТВС банк	Анор банк	Тинкоф	Сбербанк	“ Рауте” тўлов провайдерлари
1	Банк карталараро пул ўтказмалари	+	+	+	+	+	+	+
2	Тўловлар (йўналишлар бўйича)	+	+	+	+	+	+	+
3	Кирим-чиқим операциялар тарихи	+	+	+	+	+	+	+
4	Онлайн карта буюртма бериш	+	+	+	+	+	+	-
5	Электрон ҳамён	-	-	-	+	+	+	+
6	Онлайн омонат	+	+	+	+	+	+	-
7	Онлайн кредит, микроқарз	+	+	+	+	+	+	-
8	Онлайн овердрафт	-*	-*	-	+	+	+	-
9	Онлайн кредитларни сўндириш	+	+	+	+	+	+	+
10	Онлайн конвертация	+	+	+	+	+	+	-
11	Халқаро пул ўтказмалари	+	+	+	+	+	+	+
12	QR тўлов ёки NFC	+	+	+	+	+	+	+
13	Ишончли қурилма	-	-	-	-	+	+	+
14	Пароллаш (PIN код, бармоқ изи сканери, юз сканери)	+	+	+	+	+	+	+

Изоҳ: * ушбу хизмат вақтинча тўхтатилган.

Бундан ташқари, Bank.uz⁵⁹ интернет нашри 28.09.2020 йил ҳолатига мамлакатимиздаги банкларнинг мижозларни қўллаб-қувватлаш хизматларининг биринчи рейтингини эълон қилди. Рейтинг мижозлар билан алоқа қилишнинг иккита каналининг маълумотлари асосида тузилган: алоқа маркази ва онлайн қўллаб-қувватлаш. Рейтингда 27 та тижорат банклари иштирок этган ва уни тузишда асосан омонатларни шакллантириш ва кредит олиш шартлар ҳамда банкоматлар жойлашуви каби кўрсаткичлар ҳисобга олинган (2.3-жадвал).

⁵⁸ Муаллиф томонидан ишлаб чиқишган.

⁵⁹ Bank.uz – интернет нашри маълумотлари. <https://bank.uz/uz/news/o-zbekistondagi-banklarning-qo-llab-quvvatlash-xizmatlari-reytingi>

Банк мобил иловалари рейтинг⁶⁰, 2020 йил 28 сентябрь ҳолатига

№	Мобил илованинг қисқа номи	Банк номи	Рейтинг
1	Apelsin	Kapitalbank	140.16
2	Ipak Yo'li Mobile	Ipak Yo'li Bank	130.09
3	Milliy	NBU	117.76
4	Zoomrad	Aloqabank	117.16
5	Joyda	Uzsanoatqurilishbank	114.72
6	InfinBANK	Infinbank	112.49
7	Agrobank Mobile	Agrobank	100
8	MyAlliance	Asia Alliance Bank	98.84
9	Quant	Qishloq qurilish bank	95.41
10	Xalq Mobile	Xalq banki	94.79
11	Asaka Mobile	Asaka bank	92.95
12	TBC UZ	TBC Bank	90.26
13	MKB Mobile	Mikrokreditbank	88.81
14	OFB	Orient Finans Bank	86.88
15	Hamkor Mobile	Hamkorbank	85.13
16	MyTuron	Turonbank	84.58
17	RBK-Mobile	Ravnaq-bank	80.60
18	Ipoteka Mobile	Ipoteka bank	76.08
19	KDB Mobile MultiPay	KDB Bank Uzbekiston	63.92
20	DavrPay	Davr Bank	62.33
21	Savdogar Mobile	Savdogar Bank	53.91

Рейтинг натижаларига кўра, Капитал банкнинг “Apelsin” мобил иловаси (140.16), Ипак йўли банкнинг “Ipak Yo'li Mobile” мобил иловаси (130.09) Ўзбекистон миллий банкнинг “Milliy” мобил иловаси (117.76), Алоқа банкнинг “Zoomrad” мобил иловаси (117.16), Узсаноатқурилиш банкнинг “Joyda” мобил иловаси (114.72) ва Инфин банкнинг “InfinBANK” мобил иловаси (112.49) етакчилик қилган бўлса, энг паст кўрсаткичлар Ипотека банкнинг “Ipoteka Mobile” мобил иловаси (76.08), KDB Bank Uzbekistonнинг “KDB Mobile MultiPay” мобил иловаси (63.92), Давр банкнинг “DavrPay” мобил иловаси (62.33) ва Савдогар банкнинг “Savdogar Mobile” мобил иловаси (53.91) ҳиссаларига тўғри келган.

Халқаро ва маҳаллий банклар WEB сайтлари орқали кўрсатилаётган банк хизматлар бўйича қиёсий таҳлил натижаларига кўра, деярли барча банкларнинг WEB сайт орқали кўрсатилаётган хизматлар кўлами бир ҳил.

⁶⁰ https://bank.uz/uz/app_rating/

Аммо, хорижий банкларнинг асосий ютуғи шундаки, улар WEB сайт орқали муружатлар билан ишлашни “реал вақт” режимида ташкил этганлар. Маҳаллий банкларда эса аксинча, WEB сайт орқали муружатлар билан ишлаш яхши йўлга қўйилмаган.

2.4-жадвал

Халқаро ва маҳаллий банклар WEB сайтлари орқали кўрсатилаётган банк хизматлар бўйича қиёсий таҳлил натижалари⁶¹

№	Хизмат турлари	Ўзмилликбанк	Турон банк	Ҳамкорбанк	Давр банк	ТВС банк	Анор банк	Тинкоф	Сбербанк	Nubank	Revolut bank
1	WEB сайт мавжудлиги ва маълумотларнинг доимий янгиланиши	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+
2	Кредит ва омонатлар тўғрисида тўлиқ маълумотларнинг мавжудлиги	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+
3	Электрон муружаатлар йўлга қўйилганлиги	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+
4	Электрон кредит олиш	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+
5	Электрон омонатни шакллантириш	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+
6	Банк карталарига электрон ариза бериш ва вертуал карта очиш	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+
7	Турли тўловларни амалга ошириш	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+
8	Шахсий кабинет	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+
9	Банк Раисининг виртуал қабулхонаси	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+
10	Бек офеслар ва банкоматлар тўғрисида маълумотлар	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+

Бугунги кунда рақамли трансформация кириб бормаган соҳа қолмади. Айниқса, COVID-19 пандемияси шароитида рақамлаштириш жараёнлари тезлашиб кетди. Карантин чекловлари туфайли тармоқ ва соҳа корхоналари ўз ресурсларини рақамлаштиришга ўтишга мажбур бўлди. Натижада, янги рақамли дунёда, муваффақиятли хизмат кўрсатишнинг ажойиб ва ноёб тажрибалари шаклланди ва такомиллашиб бормоқда.

“Efma and Infosys Finacle” компанияларининг “Чакана банк соҳасидаги инновациялар” хисоботида кўра, молиявий ташкилотларнинг 75 фоизи рақамли банк трансформациясини 2021 йил учун устувор вазифа деб

⁶¹ Муаллиф томонидан ишлаб чиқишган.

белгилган, шунингдек мижозлар тажрибаси (CX, Customer experience)ни яхшилашга ҳам алоҳида эътибор қаратишни мақсад қилиб олганлар⁶².

Бироқ, рақамли трансформациянинг аҳамияти тўғрисида тушунча мавжуд бўлса-да, кўпчилик молиявий институтлар ўз ҳаракатларини этарли эмас деб баҳолайдилар. “Efma and Infosys Finacle” компанияси ўтказган сўров натижаларига кўра, қатнашган банкларнинг атиги 7 фоизи рақамли ўзгартириш ташаббуслари кутилган натижаларга эришаётганини кўрсатди.

Таъкидлаш жоизки, рақамли трансформация жараёнида асосий эътибор маҳсулотга қаратилганда, қандай бошқарув технологиясини қўллаш кераклиги кўпчилик банк менежерлари олдида асосий муаммо бўлиб бормоқда.

Доимий ривожланаётган рақамли ландшафт, замонавий рақобат ва мижозларнинг кутган талаблари деярли барча соҳаларда, шу жумладан банк ва молия институтларида мослашиш учун умумий қоидага айланди. Шунинг учун кўплаб банклар ўз мижозлари тажрибасини кузатиб бориши ва мослашиши зарур.

Мижозлар тажрибаси ва вақт ўтиши билан мижозлар эҳтиёжларини таҳлил қилиш, ўрганиш ва шу асосида ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш жуда муҳимдир. Чунки, бугунги кунда банк ва унинг мижозлари бир нечта электрон каналлар ҳамда платформалар орқали мулоқот қиладилар. Шу боис, мижозлар тажрибаси кўпроқ ижтимоий характерга эга⁶³.


Банк соҳасидаги мижозлар тажрибаси мижозларнинг талабларини қондириш учун ҳар бир стратегик ёндашувнинг муҳим жиҳати ҳисобланади. Банклар ва молия институтлари онлайн ёки чакана бўлсин, доимий банк тажрибасини тақдим этиш учун рақамли ўзгартирилиши керак.

Жаҳоннинг етакчи рақамли банк тажрибаларининг кўрсатишича, рақамли банк бозорида барқарор ривожланишда банклар нафақат мижозлари сафини кенгайтириши балки, уларнинг тажрибаларини ўрганиш асносида ўз

⁶² <https://www.edgeverve.com/finacle/>

⁶³ Katherine N. Lemon & Peter C. Verhoef. Understanding Customer Experience Throughout the Customer Journey // Journal of Marketing: AMA/MSI Special, Vol. 80, November-2016, pp. 69–96

мижозларининг содиқлигини ҳам сақлаб қолиши лозим. Бунинг учун рақамли банк платформалари орқали кўрсатилаётган банк хизматларидан фойдаланувчиларга осон кириш, реал вақтда бажариш, индивидуал хизматлар, маълумотлар хавфсизлиги ва бошқа қулайлик ҳамда фойдалилик жиҳатларини ошириши талаб этилади (2.6-расм)



2.6-расм. Мижозлар тажрибаси иерархияси ва уларнинг содиқлигини ошириш механизми⁶⁴

Бугунги кунда банклар ўз мижозларининг рақамли ва онлайн тажрибаларини яхшилашнинг кўплаб усуллари мавжуд бўлсада, бу сўнгги пайтларда машҳур бўлиб келаётган ва машҳур бўлишда давом этаётган усулларнинг бир нечтаси мавжуд. Жумладан, мижозларни уларнинг маълумотлари хавфсиз ва уларнинг тажрибаси ҳар доим юқори сифатли бўлишига ишонириш, ҳар бир мижоз ҳақида қайғурадиган муассаса эканлигига ишониришга ёрдам беради.

Кўпгина банклар рақамли банк тажрибасини таклиф қилишади, лекин мижозлар учун энг яхши онлайн банк хизматларини яратиш жараёнини бошқарадиган рақамли банк стратегиясига эга бўлиш муҳимдир. Мижозлар жуда кўп вариантлар дунёсида “етарлича яхши”дан мамнун эмаслар. Бу ерда қандай қилиб онлайн банк хизматларини яхшилаш ва умуман рақамли банк тажрибасини яхшилаш мумкин? Мазкур муаммонинг ечими сифатида ва рақамли банк хизматларини янада ривожлантиришда қуйидаги механизмда фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади (2.7-расм)

⁶⁴ Илмий манбалар асосида муаллиф томонидан тузилган.

2.2-§. Тижорат банклари кредит ва депозит хизматларининг меъёрий-ҳуқуқий асослари

Шу қаторида банк соҳасига оид қонун ҳужжатлари ҳам янги фарматда ёки замон талабларига мос ҳолда такомиллаштирилиб борилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 11 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги қонунининг⁶⁶ янги таҳрири ҳамда Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 5 ноябрдаги “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида” қонунининг⁶⁷ янги таҳрири қабул қилиниши. Бу эса, мамлакатимизда банк-молия сектори изчил ислоҳ қилиниб, қатор чоратadbирлар амалга оширилаётгани ва натижада илғор банк бизнесини юритиш ҳамда ушбу секторда рақобат муҳитини кучайтириш учун зарур ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилаётганидан далолат беради.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 20 апрелдаги “Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш фаолияти тўғрисида”ги ЎРҚ-765-сон қонунининг⁶⁸ қабул қилиниши айрим турдаги молиявий операцияларини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган микрокредит ташкилотлари, ломбардлар ва ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотлари фаолиятини тартибга солувчи нормалар тизимлаштирилди ҳамда нобанк кредит ташкилотлари фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда улар томонидан амалга ошириладиган молиявий хизматлар рўйхати белгилаб берилди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 1 ноябрдаги “Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида”ги қонуни⁶⁹ қабул қилинди. Ушбу қонун тўлов хизматларини етказиб берувчи ва тўлов хизматларидан фойдаланувчи бўлган жисмоний ва юридик шахслар ўртасида тўловларни

⁶⁶ Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 11 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги қонунни// www.lex.uz

⁶⁷ Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 5 ноябрдаги “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида” қонуни www.lex.uz

⁶⁸ 2022 йил 20 апрелдаги “Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш фаолияти тўғрисида”ги ЎРҚ-765-сон қонунини// www.lex.uz

⁶⁹ Ўзбекистон Республикасининг “Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида”ги Қонуни, ЎРҚ-578-сон, 01.11.2019 йил// www.lex.uz

амалга ошириш ҳамда тўлов хизматлари кўрсатиш чоғида юзага келадиган муносабатларни тартибга солишнинг қонуний асоси ҳисобланади.

“Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида”⁷⁰ ва “Гаров реестри”⁷¹ тўғрисидаги қонунларнинг қабул қилиниши банк тизими барқарорлигини таъминлаш ва салоҳиятини оширишда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Республикамизда кредит ахбороти алмашинуви тизими, хусусан, потенциал қарздорларнинг кредитлар ва бошқа қарздорликлари ҳолати, улар бўйича мажбуриятларни бажариш ҳамда уларнинг тўловга қобилиятлилиги, молиявий ҳолати, ишчанлик обрў-эътибори ва бошқа хусусиятларини ўз ичига олувчи тўлиқ ва аниқ маълумотларни тақдим этиш билан боғлиқ муносабатларнинг ҳуқуқий асоси шаклланган.

Унда кредит ахборотини алмашиш билан боғлиқ асосий тушунчалар, кредит бюросини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиблари ва лицензия бериш, кредит бюрolari, кредит ахборотини етказиб берувчилар, фойдаланувчилар ва кредит ахбороти субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкнинг кредит бюрolari фаолияти юзасидан назорат қилиш бўйича ваколатлари жамланган.

Кредит тарихи – бу Сизнинг қаердан, қайси кредит ташкилотидан, қанча миқдорда қарз олганингиз ва кейинчалик уни қандай тўлаганингиз тўғрисида батафсил маълумот, яъни бу Сизнинг қарз олувчи сифатида молиявий интизомингиз аксидир.

Ўзбекистон Республикасининг “Кредит маълумотлари алмашинуви тўғрисида”ги Қонунига асосан кредит тарихи қарздорнинг сўнгги беш йил ичидаги мажбуриятлари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олиб, қуйидагиларни акс эттиради:

- қарздор тўғрисида;

⁷⁰ 2011 йил 4 октябрдаги “Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида”ги ЎРҚ-301-сонли қонуни. www.lex.uz

⁷¹ 2013 йил 23 октябрдаги “Гаров реестри тўғрисида” ги ЎРҚ-356- сонли қонуни. www.lex.uz

- жорий ва ёпилган кредитлар, товар кредитлари қиймати, расмийлаштирилган санаси, муддати ва қолдиғи тўғрисида;
- муддати ўтган қарздорликлар тўғрисида;
- жорий ва ёпилган кредитга қўйилган гаров мулки ва мулк эгаси тўғрисида;
- суд жараёнидаги кредитлар тўғрисида;
- кредит тарихи шаклланган сана ва уни тайёрлаган ташкилот тўғрисида.

Шу билан бир қаторда, кредит тарихи тўғридан-тўғри қарздор тўғрисидаги маълумотлардан ташқари лизинг олувчи, кафил, кафолатчи, гаровга қўювчи ҳамда кредит битими бўйича суғурталовчи сифатида қатнашувчи жисмоний ва юридик шахслар тўғрисидаги маълумотларни ҳам ўзида жамлайди.

Кредит бюроси нафақат жисмоний ва юридик шахс бўлган қарздорларнинг маълумотлар базасини шакллантириш мақсадида балки, ушбу маълумотлар билан алмашиш учун банклар, микрокредит ташкилотлари, ломбардлар, лизинг компаниялари ва айрим дўкон (ритейлер)лар билан ҳамкорлик олиб боради.

Кредит бюроси, қарздорларнинг молиявий ҳолатини, шунингдек, қарзни қайтара олиш қобилиятини баҳолайди, шунингдек, қарздорларни баҳолаш рейтинги тизимини (скоринг) шакллантиради⁷².

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги “Рақамли Ўзбекистон – 2030” Стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6079-сонли фармони⁷³ қабул қилинди.

Мазкур фармонга асосан қабул қилинган Стратегия доирасида 2020-2022 йилларга мўлжалланган “Йўл харитаси”да 4 та соҳани

⁷² <https://finlit.uz/oz/articles/credit/credit-history/>

⁷³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги “Рақамли Ўзбекистон – 2030 стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6079-сонли фармони// <https://lex.uz>

ривожлантириш яъни, электрон ҳукуматни ривожлантириш, рақамли индустрияни ривожлантириш, рақамли таълимни ривожлантириш, рақамли инфратузилмани ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан банк хизматларининг рақамли трансформациялашда қуйидаги вазифалар белгиланган:

- 2022 йил 1 январга қадар масофадан кредит маҳсулотларини реализация қилиш, омонатлар ва ҳисоб рақамларни очишни ўз ичига олган кенг турдаги онлайн хизматлар кўрсатишни таъминлаш орқали тижорат банкларининг рақамли трансформацияси якунига етказилади;

- Битта савдо майдончасида кенг кўламли банк ва банкдан ташқари молиявий хизматларни (қимматли қоғозлар билан операциялар, суғурта ва бошқалар) тақдим этишга йўналтирилган молиявий супермаркетларнинг бизнес моделини яратиш.

- Тижорат банклари томонидан миждозларга масофавий банк хизматлари (интернет-банкнинг, банк-миждоз, смс-банкнинг ва бошқалар), шу жумладан, мобил иловалар орқали хизмат кўрсатиш кўламини ва сифатини ошириш.

Ушбу фармонда барча иқтисодиёт соҳаларини рақамлаштириш бўйича бажарилиши лозим бўлган вазифалар батафсил белгилаб берилган бўлиб, шулар сингари банкларнинг кредит ва депозит хизматларини амалиётини инновацион такомиллаштиришда асосий мезон ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги ПФ-5992-сонли фармони⁷⁴ қабул қилиниши банк хизматларининг янги фарматини диверсификациялаш ва унинг қамровини кенгайтиришнинг асоси бўлди. Яъни, фармонда молиявий хизматларнинг оммабоплигини ошириш, банкларнинг ҳудудларга кириб боришини кенгайтириш ва барча аҳоли пунктларида бир хил турдаги

⁷⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги ПФ-5992-сонли фармони//www.lex.uz

хизматлар кўрсатилишини таъминлаш бўйича қўшимча чоралар кўрилиши лозимлиги кўрсатилган.

Шунингдек, банк тизимида замонавий сервис ечимлари асосида ахборот технологияларини, молиявий технологияларни кенг жорий этиш, ахборот хавфсизлигини лозим даражада таъминлаш, шунингдек молиявий хизматлар кўрсатишда инсон омили таъсирини камайтириш бўйича тезкор чора-тадбирлар кўриш лозимлиги белгилаб берилган.

2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси банк тизимини ислоҳ қилиш стратегиясида кредитлашни фақат бозор шартлари асосида амалга ошириш, банкларнинг давлат ресурсларига қарамлигини пасайтириш, банк хизмати кўрсатишни модернизация қилиш, банкларнинг самарали инфратузилмасини яратиш, кредит портфели ва таваккалчиликларни бошқариш сифатини яхшилаш, кредитлаш ҳажмларининг мўътадил ўсишига амал қилиш, давлат улуши мавжуд тижорат банкларини комплекс трансформация қилиш мамлакат банк тизимини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари этиб белгиланган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегиясининг 4-бандида молиявий хизматларнинг оммабоплиги ва сифатини оширишда банк рақамли хизматларини ривожлантиришнинг қуйидаги йўналишлари кўрсатилган:

- банкларнинг ҳудудлардаги иштироки базавий банк хизматлари тўпламини кўрсатувчи ва кўп сонли бошқарув ходимларини талаб қилмайдиган ихчам “банк хизматлари офислари” тармоғини барча ҳудудларда кенгайтирган ҳолда мавжуд филиаллар тармоғини мақбуллаштириш, шунингдек, “мобиль банкинг” хизматларини кенг жорий қилиш ҳисобига таъминланади;

- банкларнинг янги, шу жумладан “рақамли банкинг” тамойилларига асосланган бизнес-моделларини жорий қилиш;

- банк хизматлари кўрсатишнинг халқаро сифат стандартларини қўллаш;

- банкларнинг операцион ва капитал харажатларини оптималлаштириш;

- юридик ва жисмоний шахсларнинг миллий валютадаги депозитларини янада ошириш, шунингдек, банкларнинг халқаро капитал бозорларига чиқиши ҳисобига банк тизимида кўшимча ресурсларни жалб қилиш.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 июлдаги “Микромолиявий хизматлар оммабоплигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4400-сонли қарори⁷⁵ қабул қилинди. Мазкур қарорда микромолиялаштириш қонунчилигини яхшилаш, унинг энг яхши амалиётларини, шу жумладан масофадан туриб хизмат кўрсатиш имкониятларини жорий этиш, кўрсатилаётган хизматлар доирасини кенгайтириш, аҳолида ҳаддан ташқари қарз юки шаклланишининг олдини олиш, аҳолининг молиявий саводхонлигини, молиявий оммабопликни ошириш ва мазкур хизматлар истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш республикада микромолиялаштириш соҳасини янада ривожлантириш бўйича ишларнинг ҳозирги босқичдаги долзарб йўналишлари бўлиши лозимлиги белгилаб берилди.

Ахборот-коммуникация технологияларининг шиддат билан ривожланиб бориши аҳолининг тўлов жараёнлари ва шу билан боғлиқ инновацион хизматларга бўлган эҳтиёжи ва талаби ошиб бормоқда. Жумладан, ҳар қандай тўловларни тезкорлик билан сифатли, ортиқча вақт сарфисиз, масофадан туриб амалга ошириш кабилар шулар жумласидан.

Мазкур хизматларни бугунги кунда тижорат банклари ва тўлов провайдрлари амалга ошириб келмоқда. Ушбу жараёнларни янада ривожлантириш ва тартибга солишнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ишлаб чиқилган.

⁷⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 июлдаги “Микромолиявий хизматлар оммабоплигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4400-сонли қарори// www.lex.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 мартдаги ПҚ-3620-сон «Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Мазкур қарорда банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, айниқса, ҳудудларда риоя этиш ҳамда молиявий очикликни кенгайтириш, шунингдек, хизмат кўрсатиш маданияти ва банк тизимига бўлган ишончни янада оширишда бир қатор муаммо ва камчиликлар кузатилганлиги қайд этилган бўлиб бу камчиликларни бартараф этишда бир қатор вазифалар белгилаб берилган:

- банк фаолиятининг илғор халқаро тажрибасини ўрганиш ҳамда банк хизматлари ва маҳсулотларининг янги турларини жорий этиш;

- банклар филиаллари ва мини-банклар қопланишини ҳамда банк хизматларига бўлган эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда банклар филиаллари ва мини-банклари тармоғини кенгайтириш;

- филиалларнинг кредит ажратишда бош банклар билан қўшимча келишувсиз мустақил қарорлар қабул қилиш бўйича ҳуқуқларини кенгайтириш тавсия этилсин.

- Тижорат банклари томонидан потенциал қарз олувчининг кредитга лаёқатлилиқ даражасини баҳолаш ҳамда жисмоний шахсларга ва кичик тадбиркорлик субъектларига кредитлар (микроқарзлар) ажратиш муддатларини қисқартириш имконини берувчи ўз скоринг моделини яратиш имконига эга бўлган кредит бюросида скоринг модели мавжудлиги бўйича талаб ўрнатилишини назарда тутувчи низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

- масофавий банк хизматлари кўрсатишни ривожлантириш бўйича замонавий ва илғор банк хизматлари турларини амалиётда жорий этиш ташаббусларини илгари суриш, янги ахборот технологияларини жорий этиш;

Фикримизча, банк хизматларининг оммабоплиги ва сифатини ошириш ҳамда уларни рақамлаштириш йўналишлари ва амалий чора-тадбирларини куйидагича келтириш мумкин (2.1-расм).

<p>Банк хизматларининг сифати ва тезлигини ошириш учун янги рақамли маҳсулотларни жорий қилиш:</p>	<ul style="list-style-type: none"> • Халқаро стандартлар асосида синалган маҳсулотларни таклиф қилаётган етакчи ИТ компанияларни ички бозорга жалб қилиш; • Кадрларнинг ахборот технологиялари бўйича малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш.
<p>Қарздорларни идентификациялашнинг замонавий тизимларини жорий этган ҳолда кредитлаш жараёнларини автоматлаштириш:</p>	<ul style="list-style-type: none"> • Тижорат банкларига мижозларни идентификациялашни амалга ошириш учун ВМ ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш марказининг биометрик маълумотлар базасидан фойдаланиш ҳуқуқини бериш; • Базалараро интеграция жараёнларидаги техник носозликларни бартараф этиш.
<p>Масофавий банк хизматлари кўрсатиш улушини ошириш мақсадида банкларнинг операцион фаолиятида ахборот технологиялари кенг қўлланилишини таъминлаш:</p>	<ul style="list-style-type: none"> • Хўжалик юритувчи субъектларнинг тўлов хизматларидан туну кун фойдалана олишни таъминлаш мақсадида барча тижорат банкларини 24/7 режимида ишловчи банклараро лаҳзали тўловлар тизимига улаш; • Масофавий банк тўловлари ҳажмини 90 фоизгача ошириш.

2.1-расм. Банк хизматларини оммалаштириш, сифатини ошириш ва рақамлаштиришни жадаллаштириш йўналишлари⁷⁶

Банк хизматларини оммалаштириш, сифатини ошириш ва рақамлаштиришни жадаллаштириш йўналишлари қўйидагиларни ўз ичига олади:

1. Банк хизматларининг сифати ва тезлигини ошириш учун янги рақамли маҳсулотларни жорий қилиш:

- халқаро стандартлар асосида синалган маҳсулотларни таклиф қилаётган етакчи ИТ компанияларни ички бозорга жалб қилиш;
- кадрларнинг ахборот технологиялари бўйича малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш.

2. Қарздорларни идентификациялашнинг замонавий тизимларини жорий этган ҳолда кредитлаш жараёнларини автоматлаштириш:

- тижорат банкларига мижозларни идентификациялашни амалга ошириш учун ВМ ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш марказининг биометрик маълумотлар базасидан фойдаланиш ҳуқуқини бериш;
- базалараро интеграция жараёнларидаги техник носозликларни бартараф этиш.

⁷⁶ Муаллиф томонидан тузилган.

“Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида”ги Низом Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви 2015 йил 13 июндаги 14/3-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2015 йил 14 июлда 2696-сон билан давлат рўйхатига олинган⁷⁷.

- Мазкур Низом банк назорати бўйича Базель кўмитасининг янги тавсияларига (Базель III стандартлари) мувофиқ, тижорат банкларида активларининг сифатини таснифлаш ва улар бўйича эҳтимолий йўқотишларга қарши захиралар яратиш жараёни янада такомиллаштирилди.

- Ушбу низомда активларни таснифлаш тоифаларининг номлари жумладан, “яхши” кредитлар – “стандарт” кредитларга, “стандарт” кредитлар – “субстандарт” кредитларга, “субстандарт” кредитлар – “қониқарсиз” кредитларга ўзгартирилган. Банклар “стандарт” сифатида таснифланган кредитлар (активлар) қолдиғига 1 фоиз миқдорда захиралар ташкил қилиниши жорий қилинди.

- Мазкур низомда тижорат банклари томонидан қорхоналарнинг қимматли қоғозларига қилинган инвестицияларини таснифлашнинг аниқ омиллари кўрсатилган.

- Юқорида келтирилган қоидаларнинг жорий қилиниши тижорат банклари томонидан муддати ўтган, суд жараёнидаги кредитларни ундириш ва банк балансига олинган мол-мулкларни сотиш бўйича чораларни янада кучайтиради ва банкларнинг молиявий барқарорлигини ошириш имкониятини яратади, пировардида тижорат банкларининг омонатчилари ва кредиторларининг манфаатларини янада ҳимоя қилинишини таъминлайди.

⁷⁷ “Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида”ги Низом Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви 2015 йил 13 июндаги 14/3-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2015 йил 14 июлда 2696-сон билан давлат рўйхатига олинган// www.lex.uz

2.3-§. Тижорат банкларининг кредит ва депозит хизматлари

Дунёда банклар пайдо бўлгандан (XVII аср) бошлаб, технологик тараққиётнинг турли босқичларида иқтисодиётнинг бошқа соҳаларига нисбатан биринчилардан бўлиб банклар фаолияти трансформация қилиниб келинмоқда. Хусусан, рақамли технологияларнинг банк операцияларига инқилобий таъсири эса банк операцияларининг хусусиятларини ҳамда банклараро глобал рақобатнинг янги босқичи шаклланишига сабаб бўлди, десак ҳеч муболаға бўлмайди.

Банкларнинг келиб чиқиш тарихидан маълумки, банк муассасаси йиғилиб, бўш турган маблағларни бир қатор шартлар асосида устама ҳақ (фоиз) билан қарз бериш яъни, ҳозирги кредит бериш асносида ташкил топган ва бу ҳозирги вақтгача банкларнинг асосий даромад келтирадиган хизмати ҳисобланади.

“Банк кредити” атамаси корхона ёки жисмоний шахсга банк муассасаси томонидан кредит шаклида бериладиган кредит миқдорини билдиради. Шундай қилиб, банк кредити – бу шахс ёки корхона банк ёки бошқа молия муассасасидан қарз олиши мумкин бўлган умумий пул миқдори. Қарз олувчининг банк кредити уларнинг ҳар қандай кредитларни тўлаш қобилиятига ва банк муассасаси томонидан берилган кредитнинг умумий миқдорига боғлиқ⁷⁸.

Тижорат банклари кредит хизматлари банк ишининг ўзаги ҳисобланади. Кредитнинг сифати кредитлаш жараёнини бошқаришга боғлиқ бўлиб қуйидаги асосий элементларни ўз ичига олади:

- мукамал ишлаб чиқилган кредит сиёсати;
- кредит портфелини оптимал бошқариши;
- кредитларни портфелини мунтазам назорат қилишнинг ташкил қилинганлиги;

⁷⁸ Alexandra Twin, Khadija Khartit. Understanding Bank Credit, electronic resource. <https://www.investopedia.com/terms/b/bank-credit.asp>

-тижорат банклари томонидан берилган жами кредитлар ҳажмида муддати ўтган кредитлар салмоғининг ўзгариши.

2.5-жадвал

Тижорат банклар кредитлари тўғрисида маълумот⁷⁹ (млрд.сўм)

№	Кўрсаткич номи	2017й	2018й	2019й	2020й	2021й
Активлар		166632	214420	272727	366121	444922
Жами кредит		110572	167391	211581	276975	326386
<i>Шундан (кредит берилган субъектига кўра):</i>						
1	Жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар	13600	24427	39934	54888	69496
2	Юридик шахсларга ажратилган кредитлар	96972	142964	171647	222087	256889
<i>Шундан (кредит муддатига кўра):</i>						
1	Қисқа муддатли кредитлар	4753	8663	17955	28250	33399
2	Узоқ муддатли кредитлар	105819	158728	193626	248725	292986
<i>Шундан (валюта шаклига кўра):</i>						
1	Миллий валютадаги кредитлар	41734	73864	110633	138868	163723
2	Хорижий валютадаги кредитлар	68838	93527	100947	138106	162663

Маълумотлар шуни кўрсатмоқдаки, 2021 йилда мамлакатимизда тижорат банкларнинг жами кредитлар ҳажми, жами активларнинг 73,4 фоизини ташкил этади. Мазкур кўрсаткич 2017 йилда 66,4 фоиз, 2018 йилда 78,1 фоиз ва 2019 йилда 77,6 фоизни ташкил этиб, йиллар давомида уларнинг нисбати деярли ўзгаришсиз бўлган. Шунингдек, 2021 йилда жами кредитларнинг 21,29 фоизини жисмоний ва 78,71 фоизини юридик шахсларга ажратилган кредитлар ташкил этиб, сўнги 5 йил ичидаги ўртача улушига нисбатан жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар 9,0 фоизга ошган. Бундан ташқари, 2021 йилда жами кредитларнинг 10,23 фоизини қисқа муддатли ва 89,76 фоизини узоқ муддатли кредитлар ташкил этиб, мазкур

⁷⁹ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари. www.cbu.uz

кредитларнинг 50,2 фоизи миллий валюта ва 49,8 фоизи хорижий валюта кўринишида ажратилган (2.5-жадвал).

2.6-жадвал

Тижорат банклар кредитлари тўғрисида маълумот⁸⁰ (млрд.сўм)

№	Кўрсаткич номи	2017й	2018й	2029й	2020й	2021й
Жами кредит		110572	167391	211581	276975	326386
<i>Шундан (тармоқлар бўйича):</i>						
1	Саноат	45223	66690	75636	102162	117 639
2	Қишлоқ хўжалиги	4742	9422	17205	28081	35 022
3	Қурилиш соҳаси	3424	5880	5930	7380	9 282
4	Савдо ва умумий хизмат	5246	10786	14480	19916	27 406
5	Транспорт ва коммуникация	16205	20913	23516	26626	28 708
6	Моддий ва техник таъминотни ривожлантириш	472	2746	3302	3962	3 814
7	Уй-жой коммунал хизмати	996	1821	2512	3759	2 284
8	Жисмоний шахслар	13600	24427	39934	54888	69 496
9	Бошқа соҳалар	20665	24705	29065	30201	32 734

Таҳлилларга кўра, 2022 йил 1 январ ҳолатига, жами кредитлар миқдори 326386 млрд. сўмни ташкил этиб. 2017 йилга нисбатан жами кредитлар ҳажми 3 мартага ошиб, тармоқлар бўйича ажратилган кредитлар ҳажми эса саноатга 2,6 марта, қишлоқ хўжалигига 7,4 марта, қурилиш соҳасига 2,7 марта, савдо ва умумий хизматга 5,2 марта, транспорт ва коммуникацияга 1,8 марта, моддий ва техник таъминотни ривожлантиришга 8,1 марта, уй-жой коммунал хизматига 2,3 марта, жисмоний шахсларга 5,1 марта ва бошқа соҳаларга 1,6 мартага ошган.

Биз қуйида таҳлил объекти бўлган АТ Асакабанк ва АТ Туронбанкларнинг кредит ва депозит хизматларини такомиллаштириш борасидаги тажрибаларини таҳлил қиламиз.

⁸⁰ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари. www.cbu.uz

2.7-жадвал**АТ “Асакабанк” кредит портфелининг тармоқ таркиби, фоизда⁸¹**

	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.
Саноат	85,5	80,9	84,7	83,5	82,3
Қишлоқ хўжалиги	3,5	5,9	5,1	6,8	8,9
Транспорт ва коммуникация	0,6	0,7	2,2	2,4	1,6
Курилиш	6,3	7,9	1,5	1,4	1,5
Савдо ва умумий овқатланиш	2,5	3,6	5,9	5,4	5,1
Моддий-техника таъминоти	0,2	0,6	0,0	0,0	0,0
Уй-жой коммунал хўжалиги	1,4	0,3	0,4	0,4	0,6
Жами	100	100	100	100	100

2.7-жадвал маълумотларидан кўринадики, Асакабанкда кредит портфелининг диверсификация даражаси таъминланмаган: кредитларнинг 80 фоиздан ортиқ қисми саноат корхоналарига берилган кредитларнинг ҳиссасига тўғри келади. Халқаро банк амалиётида умумқабул қилинган мезонга кўра, тижорат банклари кредит портфелининг тармоқ хусусиятига кўра диверсификация даражаси 25 фоиздан ошмаслиги лозим.

2.8-жадвал**АТ “Туронбанк” кредит портфелининг тармоқ таркиби, фоизда⁸²**

	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.
Саноат	40,4	23,9	47,3	44,6	48,0
Қишлоқ хўжалиги	9,1	15,9	17,9	28,9	29,4
Транспорт ва коммуникация	7,4	9,2	5,9	4,1	2,9
Курилиш	20,0	24,3	15,7	11,2	9,3
Савдо ва умумий овқатланиш	17,5	20,0	11,7	10,3	9,5
Моддий-техника таъминоти	1,8	4,6	0,4	0,2	0,3
Уй-жой коммунал хўжалиги	3,9	2,1	1,2	0,7	0,5
Жами	100	100	100	100	100

2.8-жадвалда келтирилган маълумотлардан аниқ кўриш мумкинки, Туронбанкнинг кредит портфелининг диверсификация даражаси паст. 2021 йил якунига кўра, Туронбанк кредитларининг 48,0 фоизи саноат корхоналарига берилган кредитларнинг ҳиссасига тўғри келди. Шунингдек, қишлоқ хўжалигига берилган кредитларнинг Туронбанкнинг кредит портфелидаги улуши 2021 йилда 29,4 фоизни ташкил этди.

⁸¹ Жадвал муаллиф томонидан АТ “Асакабанк”нинг йиллик ҳисоботлари маълумотлари асосида тузилган.

⁸² Жадвал муаллиф томонидан АТ “Туронбанк”нинг йиллик ҳисоботлари маълумотлари асосида тузилган.

Банклар кредит хизматини такомиллашганлик даражасини тавсифловчи кўрсаткичлардан бири – бу таснифланган кредитлар таркибининг таҳлил қилинган давр мобайнида ижобий ўзгарганлигидир.

2.9-жадвал

АТ “Асакабанк” таснифланган кредитларининг таркиби, фоизда⁸³

	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.
Стандарт кредитлар	92,03	87,20	84,83	86,91	92,03
Субстандарт кредитлар	6,75	12,19	11,29	9,84	3,14
Қониқарсиз кредитлар	0,73	0,29	1,51	0,67	3,19
Шубҳали кредитлар	0,44	0,18	1,38	1,04	0,81
Умидсиз кредитлар	0,05	0,14	0,99	1,54	0,83
Жами	100	100	100	100	100

2.9-жадвал маълумотларидан аниқ кўриш мумкинки, 2017-2021 йилларда Асакабанк таснифланган кредитлари таркибининг ёмонлашиши юз берган. Яъни, 2021 йилда 2017 йилга нисбатан умидсиз кредитларнинг таснифланган кредитларнинг умумий ҳажмидаги салмоғи сезиларли даражада ошган. Шунингдек, мазкур даврда қониқарсиз ва шубҳали кредитларнинг таснифланган кредитлар ҳажмидаги салмоғи ошган.

2.10-жадвал

АТ “Туронбанк” таснифланган кредитларининг таркиби, фоизда⁸⁴

	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.
Стандарт кредитлар	95,81	97,92	99,18	98,79	91,69
Субстандарт кредитлар	2,54	1,86	0,45	0,15	5,02
Қониқарсиз кредитлар	1,55	0,18	0,33	0,67	0,81
Шубҳали кредитлар	0,01	0,0	0,02	0,04	0,98
Умидсиз кредитлар	0,09	0,04	0,02	0,35	1,50
Жами	100	100	100	100	100

2.10-жадвал маълумотларидан аниқ кўриш мумкинки, 2017-2021 йилларда Туронбанк таснифланган кредитлари таркибининг ёмонлашиши юз берган. Яъни, 2021 йилда 2017 йилга нисбатан стандарт кредитларнинг таснифланган кредитларнинг умумий ҳажмидаги салмоғи 4,12 фоизли

⁸³ Жадвал муаллиф томонидан АТ “Асакабанк”нинг йиллик ҳисоботлари маълумотлари асосида тузилган.

⁸⁴ Жадвал муаллиф томонидан АТ “Туронбанк”нинг йиллик ҳисоботлари маълумотлари асосида тузилган.

пунктга пасайгани ҳолда, умидсиз кредитларнинг салмоғи 1,41 фоизли пунктга ошган.

2.11-жадвал маълумотларидан кўринадикки, Туронбанкда 2017-2021 йилларда кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг миқдори ва брутто активларга нисбатан даражаси ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бу эса, мазкур даврда таснифланган кредитлар таркибининг ёмонлашганлиги билан изоҳланади.


2.11-жадвал

АТ “Туронбанк”да кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг миқдори ва даражаси⁸⁵

	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.
Кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг миқдори, млрд. сўм	1,1	6,3	12,1	22,3	83,1
Кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг брутто активларга нисбатан даражаси (%)	0,1	0,2	0,2	0,3	0,8

Таснифланган кредитлар таркибининг ёмонлашиши кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмалари миқдорининг ошишига олиб келади. Бу эса, ўз навбатида, кредитларнинг даромадлилигига салбий таъсир кўрсатади ва соф фойда миқдорининг камайишига олиб келади.

⁸⁵ Жадвал муаллиф томонидан АТ “Туронбанк”нинг йиллик ҳисоботлари маълумотлари асосида тузилган.



2.10-расм. АТ “Асакабанк” ва АТ “Туронбанк”да кредитларнинг даромадлилиги

2.10-расм маълумотларидан кўриш мумкинки, Асакабанкда кредитларнинг даромадлилиги 2021 йилда 2017 йилга нисбатан сезиларли даражада ошган. Бироқ, 2020 йилда 2019 йилга нисбатан ушбу кўрсаткичнинг пасайиши кузатилган.

2.10-расм маълумотларидан кўриш мумкинки, Туронбанкда кредитларнинг даромадлилиги 2021 йилда 2017 йилга нисбатан сезиларли даражада ошган. Аммо, 2020 йилда ушбу кўрсаткич 2017 йилга нисбатан сезиларли даражада пасайган.

Иқтисодий адабиётларда банк депозити бўйича кўплаб тарифлар келтирилган. Жумладан:

Депозит – юридик ва жисмоний шахсларнинг банк операциялари натижасида миждозларнинг ҳисобварақларини очиш ва юритиш, омонатларни (депозит) қабул қилиш ва қарз мажбуриятлари (депозит ва омонат сертификати, вексел, облигация) кўринишидаги ўз қимматли қоғозларини чиқариш бўйича жалб қилинган маблағларидир⁸⁶.

Депозитлар – банк қонунчилиги ва тартибларига мувофиқ миждозлар (жисмоний ва юридик шахслар) томонидан банкка қўйилган ва улар томонидан фойдаланиладиган пул маблағлари⁸⁷.

⁸⁶ Каробова Г. Банковское дело. Учебник. М.: “Экономист”, 2006г. – 107 с.

⁸⁷ Ловрушина О. Банковское дело. Учебник. М.: “Кнорус”, 2009г. – 91 с.

Банк депозитлари – сақлаш учун банк муассасаларига жойлаштирилган пул маблағларидан иборат. Бу депозитлар омонат ҳисобварақлари, чек ҳисобварақлари ва пул бозори ҳисобварақлари каби депозит ҳисобварақларига киритилади. Ҳисобварақ эгаси ҳисобварақ шартномасини тартибга солувчи шартларда кўрсатилганидек, омонатга қўйилган маблағларни ечиб олиш ҳуқуқига эга⁸⁸.

Банкларнинг депозит операциялари – банкларнинг депозиторлар билан тузган шартномалари асосида депозит мақсадларига кўра муайян муддатга жалб этиш ҳамда сақлашга доир операциялардир⁸⁹.

Тижорат банкларининг депозит операциялари банкларнинг ресурс базасида муҳим ўрин эгаллайди. Тижорат банкларининг депозит базаси ҳажми қанчалик кўп ва мустаҳкам бўлса, банкларнинг актив операцияларини амалга ошириш кўлами шунчалик кенгайди.

Бугунги кунда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган тижорат банклар баланси пассивининг асосий улушини мажбуриятлар (жалб қилинган маблағлар) ташкил этиб, улар жами банк ресурсларининг таркибида 85-90 фоиздан иборат бўлади. Мажбуриятларнинг муддати ва вужудга келиш манбасига қараб, “барқарор” ва “беқарор” маблағларга, улар учун тўланадиган ҳаражатлар миқдоридан келиб чиқиб, “арзон” ва “қиммат” маблағларга ажратиш мумкин⁹⁰.

Депозитларнинг турлари:

- талаб қилиб олингунча депозитлар;
- жамғарма депозитлари;
- муддатли депозитлар;
- жамғарма (депозитли) сертификати;
- бошқа депозитлар.

⁸⁸ Julia Kagan, Khadija Khartit, Ariel Courage. How Bank Deposits Work. <https://www.investopedia.com/terms/b/bank-deposits.asp>

⁸⁹ Саидов Д. Тижорат банклари депозит операцияларининг банк ресурс базасини мустаҳкамлашдаги ўрни // “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. №4-5. 2018 йил.

⁹⁰ Омонов А., Қоралиев Т. Пул, кредит ва банклар. Дарслик. Т.: ТМИ, 2012 й. 262 б.

Талаб қилиб олингунча депозитлар – юридик ва жисмоний шахсларнинг кундалик мақсадлар учун хоҳлаган вақтда талаб қилиб олишлари мумкин бўлган талаб қилиб олингунча ҳисобварақлардаги маблағларидир. Банк депозиторнинг биринчи талабига кўра (депозит шартномасида бошқа муддатлар кўзда тутилмаган бўлса, депозиторнинг тегишли кўрсатмаси банкка келиб тушган куннинг эртасидан кечикмаган ҳолда) унинг тўловлар бўйича топшириғини бажариши зарур. Талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағи бўйича хизмат кўрсатиш учун ҳақ тўлаш шартномада белгиланган миқдорда амалга оширилади. Ҳисобвараққа ундаги қолдиқнинг ўртача миқдори олдиндан келишилган ҳолда банк бепул хизмат кўрсатади. Мижоз томонидан ушбу шартларга риоя қилинмаган тақдирда, яъни ҳисобварақ қолдиғининг келишилган миқдори камайтирилса, мижоз банкнинг пул-ҳисоб-китоб операциялари бўйича хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган барча операциялари харажатларини банк билан мижоз ўртасида тузилган шартномада белгиланган миқдорда тўлайди.


Жамғарма депозитлари-даврий бадаллар асосида шаклланадиган жамғарма депозитлари муайян мақсадни амалга ошириш учун депозит ҳисобварақда маълум миқдорда пул суммасини жамлаш мақсадида юридик ва жисмоний шахслар номига очилади.

Муддатли депозитлар-банклар томонидан жалб қилинган муддатли депозитлар – юридик ва жисмоний шахсларнинг шартномада қатъий келишилган муддат ва унда кўрсатилган фоизларни тўлашга доир маблағларидир.

Муддатли депозитлар қўйидаги муддатлар бўйича таснифланади:

- муддати 30 кунгача бўлган депозитлар;
- муддати 90 кунгача бўлган депозитлар;
- муддати 180 кунгача бўлган депозитлар;
- муддати 365 кунгача бўлган депозитлар;
- муддати 365 кундан ортиқ бўлган депозитлар


Жамғарма (депозит) сертификати – банкка қўйилган омонат суммасини ва омонатчининг (сертификат эгасининг) сертификатни берган банкдан ёки унинг ҳар қандай филиалидан белгиланган муддат тугаганидан сўнг омонат суммасини ва сертификатда шартлашилган фоизларни олиш ҳуқуқини тасдиқловчи қимматбаҳо қоғоздир. Жамғарма (депозит) сертификатлари тақдим этиладиган ёки эгаси кўрсатилган бўлиши мумкин. Жамғарма (депозит) сертификати муддатидан олдин тўлаш учун тақдим этилган ҳолларда, агар депозит шартларига кўра фоизларнинг бошқа миқдори белгиланмаган бўлса, банк ушбу сертификат бўйича талаб қилиб олингунча депозитлар учун тўланадиган омонат суммасини ва фоизни тўлайди.



2.8-расм. Ўзбекистон тижорат банклари депозит ва депозит сертификатлари маблағлари қолдиғи⁹¹ (млрд. сўм)

Таҳлилларга кўра, тижорат банклари жами депозитлари 2017 йил 1 январь ҳолатига 37183 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, муддати 1 йилдан юқори бўлган депозитлар 12,64 физини ташкил этган. Бу кўрсаткич 2022 йилгача бўлган давр мобайнида ижобий томонга ўзгариб жами депозитлар 156 190 млрд сўмни ташкил этган бўлса, шунда муддати бир йилдан юқори бўлган барқарор ресурс ҳисобланган депозитлар салмоғи 28.9 фоизни ташкил этган. Бу эса йилдан-йилга тижорат банклари ресурслари мустаҳкамланиб, узоқ муддатли барқарор ресурслар жалб қилинаётганлигини кўрсатади.

⁹¹ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида муаммлиф томонидан тузилган.



2.9-расм. Тижорат банклари аҳоли ва юридик шахслар депозитлари қолдиқлари⁹² (млрд. сўм)

Шунингдек, жорий йилнинг биринчи январь ҳолатига кўра, тижорат банкларининг аҳоли омонатлари 37.3 трлн. сўм ва юридик шахсларнинг депозитлари 118.9 трлн. сўмни ташкил этиб, мазкур кўрсаткич мос равишда 2020 йил биринчи январь ҳолатига нисбатан 3,07 ва 2,50 коэффициентга ошганлигини кўриш мумкин.

Иккинчи боб бўйича хулоса

Бугунги ривожланиш ва глобаллашув жараёни ҳамда рақамли технологияларнинг тараққиёти даврида хусусан, XXI асда бутун жаҳонда банклар фаолиятида туб ўзгаришлар яъни, банк фаолиятига рақамли технологияларнинг кириб келиши соҳанинг янги қиёфасини кашф этди. Албатта, қонунлар асосида тартибга солинадиган иқтисодий бундай фаолият кўринишларини меъерий-ҳуқуқий асосларсиз амалга ошириш мумкин эмас. Мамлакатимизда ҳам барча ижтимоий-иқтисодий соҳаларга замонавий рақамли технологияларни кенг жорий этиш орқали ривожланишнинг янги босқичига чиқилмоқда ҳамда унинг меъерий-ҳуқуқий асоси яратилиб, такомиллаштирилиб борилмоқда.

⁹² Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида муаммлиф томонидан тузилган.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 11 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги қонуннинг янги таҳрири, Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 5 ноябрдаги “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида” қонуннинг янги таҳрири, Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 1 ноябрдаги “Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида”ги қонуни, 2011 йил 4 октябрдаги “Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида”ги қонуни, 2013 йил 23 октябрдаги “Гаров реестри тўғрисида”ги қонуни, 2022 йил 20 апрелдаги “Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш фаолияти тўғрисида”ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги “Рақамли Ўзбекистон – 2030” Стратегияси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 апрелдаги “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4699-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги ПФ-5992-сонли фармонлари қабул қилинишини бунинг ёрқин мисоли сифатида кўришимиз мумкин.

Тараққиётнинг бугунги даврида аҳолининг молиявий муносабатларида рақамли банк хизматларининг роли ҳам ошиб бормоқда. Чунки, аҳоли кундалик эҳтиёжларини қондиришда бевосита рақамли банк хизматларидан фойдаланади. Булар жумласига: товар ва хизматлар учун тўловлар, коммунал тўловлар, бошқа тўловлар, халқаро ва маҳаллий пул ўтказмалар, валюта айрибошлаш, банк ҳисоб варақларида пулларни сақлаш ёки банк кредитларидан фойдаланиш ва ҳоказалар. Буни бугунги ананавий банк тизимлари негизида ташкил этилиб, тобора ривожланиб бораётган банк рақамли платформалари орқали онлайн шаклда юқоридаги банк хизматлари кўрсатилиб келинмоқда ва кун сайин такомиллаштирилмоқда.

Ҳозирги даврда электрон тўловлар ва бошқа рақамли банк хизматларини кўрсатиш соҳасида мобил банк иловалари билан рақобатлашиб, жадал оммалашаётган электрон тизим сифатида турли тўлов

провайдерлари фаолият юритиб келмоқда. Банк мобил иловаларини турли тўлов провайдерлари мобил иловалари билан таққослаб, таҳлил қилиб кўрар эканмиз, банк мобил иловалардаги камчиликлари ва афзалликларини кўришимиз мумкин.

Доимий ривожланаётган рақамли ландшафт, замонавий рақобат ва мижозларнинг кутган талаблари деярли барча соҳаларда, шу жумладан банк ва молия институтларида мослашиш учун умумий қоидага айланди. Шунинг учун кўплаб банклар ўз мижозлари тажрибасини кузатиб бориши ва мослашиши зарур.

Жаҳоннинг етакчи рақамли банк тажрибаларининг кўрсатишича, рақамли банк бозорида барқарор ривожланишда банклар нафақат мижозлари сафини кенгайтириши балки, уларнинг тажрибаларини ўрганиш асносида ўз мижозларининг содиқлигини ҳам сақлаб қолиши лозим.

Банкнинг энг асосий хизмат турлари сифатида биз албатта банк депозит ва кредит хизматларини кўрсатамиз. Банкнинг келиб чиқишидан то бугунги ҳолатигача бўлган даврда ҳам бу ўз моҳиятини йўқотмаган. Банкларнинг бугунги кундаги молиявий кўрсаткичларини, уларнинг динамикасини ҳамда бир бирига боғлиқлигини таҳлил қилиб чиқиш лозимдир.

2016-2021 йилларда республика тижорат банклари томонидан берилган кредитлар миқдорининг ўсиш тенденцияси кузатилгани ҳолда, юридик шахсларга берилган кредитларнинг брутто кредитлар ҳажмидаги салмоғи жисмоний шахсларга берилган кредитларнинг салмоғига қараганда сезиларли даражада юқори бўлди.

2017-2021 йилларда Асакабанк кредит портфелининг диверсификация даражасини таъминланмаганлиги маълум бўлди: кредитларнинг 80 фоиздан ортиқ қисми саноат корхоналарига берилган кредитларнинг ҳиссасига тўғри келади.

АТ “Туронбанк” кредит портфелининг тармоқ таркибини таҳлили кўрсатдики, банк кредит портфелининг диверсификация даражаси паст: 2021

йил якунига кўра, Туронбанк кредитларининг 48,0 фоизи sanoat корхоналарига берилган кредитларнинг ҳиссасига тўғри келди ва қишлоқ хўжалигига берилган кредитларнинг Туронбанкнинг кредит портфелидаги улуши 2021 йилда 29,4 фоизни ташкил этди.

2017-2021 йилларда Асакабанк таснифланган кредитлари таркибининг ёмонлашиши юз берганлиги маълум бўлди. Хусусан, 2021 йилда 2017 йилга нисбатан умидсиз кредитларнинг таснифланган кредитларнинг умумий ҳажмидаги салмоғи сезиларли даражада ошгани ҳолда, мазкур даврда қониқарсиз ва шубҳали кредитларнинг таснифланган кредитлар ҳажмидаги салмоғи ошган.

Туронбанкда 2017-2021 йилларда кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг миқдори ва брутто активларга нисбатан даражасини ўсиш тенденциясига эга бўлганлиги мазкур даврда таснифланган кредитлар таркибининг ёмонлашганлиги билан изоҳланади.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасининг тижорат банкларидаги жисмоний ва юридик шахсларнинг депозитлари қолдиқларининг ўсиш тенденцияси кузатилди.

III БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ КРЕДИТ ВА ДЕПОЗИТ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИШ АМАЛИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

3.1-§. Тижорат банкларининг кредит ва депозит хизматларини кўрсатиш амалиётини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган муаммолар

Диссертацион тадқиқотнинг иккинчи бобида амалга оширилган таҳлиллар республикамиз тижорат банкларининг кредит ва депозит хизматлари кўрсатиш амалиётини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган бир қатор долзарб муаммоларнинг мавжудлигини кўрсатди. Улардан асосийлари сифатида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. Тижорат банклари активларининг диверсификация даражасини паст эканлиги ва таснифланган кредитлар таркибини ёмонлашаётганлиги.

Амалга оширилган таҳлилларнинг натижалари кўрсатдики, республикамиз тижорат банкларининг кредит портфели ва қимматли қоғозлар портфелларининг диверсификация даражаси паст.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг кредит портфелида битта тармоққа ёки соҳага берилган кредитларнинг улуши 40 фоиздан юқоридир. Бу эса, уларнинг кредит портфелини диверсификация даражасини паст эканлигидан далолат беради. Халқаро банк амалиётида умумэтироф этилган мезонга кўра, тижорат банки кредитларининг 25 фоиздан ортиқ қисмини битта тармоқда ёки соҳада тўпланиши мумкин эмас.

Тижорат банклари кредит портфелининг диверсификация даражасининг паст эканлиги улар фаолиятидаги кредит рискинни самарали бошқариш имконини бермайди. Бунинг сабаби шундаки, кредит портфелини диверсификация қилиш кредит рискинни бошқаришнинг самарали усулларида бири ҳисобланади.


Шу ўринда таъкидлаш жоизки, республикамиз тижорат банкларининг қимматли қоғозлар портфелининг диверсификация даражаси паст. Бу эса,

банкларнинг қимматли қоғозларини самарали бошқариш имконини бермайди.

Тижорат банкларининг қимматли қоғозлар портфелини бир вақтнинг ўзида бир нечта белгиларига кўра диверсификация қилиш фонд рискинини ошиб кетишининг олдини олишда муҳим роль ўйнайди. Бунда, диверсификациялашнинг асосий белгилари сифатида сотиб олинган қимматли қоғозларнинг валютавий таркиби, қимматли қоғозлар эмитентларнинг тармоқ хусусияти ва эмитентларнинг мулк шаклига кўра таркиби назарда тутилмоқда.

Бир вақтнинг ўзида бир нечта валюталарда ёзилган қимматли қоғозларни сотиб олинини валюта курсларининг тебраниши натижасида қимматли қоғозларга қилинган инвестицияларнинг реал қийматини пасайиш хавфини олдини олади.

Республикада тижорат банкларида қимматли қоғозларга қилинган инвестицияларнинг брутто активларга нисбатан даражасининг паст эканлиги уларнинг қимматли қоғозлар билан операциялар ўтказиш амалиётини такомиллашмаганлигини кўрсатади (3.1-расм).



3.1-расм. АТ “Асакабанк” ва АТ “Туронбанк”да қимматли қоғозларга қилинган активларнинг брутто активлар ҳажмидаги салмоғи, фоизда

3.1-расм маълумотларидан кўринадики, Асакабанк ва Туронбанкда таҳлил қилинган давр мобайнида (2017-2021 йй.) қимматли қоғозларга

қилинган инвестицияларнинг брутто активлар ҳажмидаги салмоғи жуда паст ва беқарор бўлган. Бу эса, мазкур банкларнинг қимматли қоғозлар билан операциялар ўтказиш амалиётини такомиллашмаганлигини кўрсатади.

Диссертацион тадқиқотнинг иккинчи бобида амалга оширилган таҳлиллар кўрсатдики, республикамизнинг бир қатор тижорат банкларида таҳлил қилинган давр мобайнида таснифланган кредитлар таркибининг ёмонлашиши юз берди. Яъни, таҳлил қилинган давр мобайнида, тижорат банкларининг таснифланган кредитлари ҳажмида стандарт ва субстандарт кредитларнинг салмоғини пасайиши ва қониқарсиз ва шубҳали кредитлар салмоғини ошиши кузатилди.

Таснифланган кредитлар тоифалари бўйича захира ажратмаларининг ставкалари ўртасида сезиларли фарқ бўлганлиги сабабли таснифланган кредитлар таркибида қониқарсиз ва шубҳали кредитлар салмоғини ошиши банкларнинг кредит портфелини сифатини ёмонлашишига олиб келади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг «Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида»ги йўриқномасига (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 14 июлда 2696-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган) асосан таснифланган кредитларнинг беш тоифаси бўйича ҳам захира ажратмалари шакллантириладиган бўлди:

- стандарт кредитлар – 1 %;
- субстандарт кредитлар – 10 %;
- қониқарсиз кредитлар – 25 %;
- шубҳали кредитлар – 50 %;
- умидсиз кредитлар – 100 %⁹³.

⁹³ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг қарори. Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 28-сон, 374-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.04.2018 й., 10/18/2696-2/1120-сон.

2. Республикамиз тижорат банкларида чакана кредитлар бериш жараёнини замонавий банк технологияларини жорий қилиш йўли билан такомиллаштириш масаласи ҳал қилинмаган. Хусусан, чакана кредитлашда қўлланиладиган қатор технологиялар ҳозирга қадар тижорат банкларининг амалиётига жорий қилинмаган.

Халқаро банк амалиётида чакана кредитлашда кенг қўлланилаётган технологиялардан бири бўлиб, BANCS Loans технологияси ҳисобланади. Ушбу технология чакана кредитларнинг бир нечта турларига (истеъмол кредити, мақсадсиз шахсий кредитлар, уй-жой ссудалари ва бошқ.) хизмат кўрсатиш имконини беради.

BANCS Loans технологияси реал вақт режимида банкнинг барча филиаллари бўйича мижозларга кредит хизмати кўрсатишни амалга ошириш имконини беради. Бу ерда, кредитларга хизмат кўрсатиш деганда кредит олиш учун берилган аризани қайта ишлашдан тортиб муддати ўтган кредитларни қайта таркиблашгача бўлган операциялар назарда тутилмоқда.

BANCS Loans технологияси мижозлар тўғрисидаги маълумотлар сақланадиган маълумотлар базаси (CIF) билан, Бош бухгалтерия китоби (General Ledger) билан, Бошқарувчи ахборот тизими (BANCS EIS) билан ва Ҳисоботлар модуллари (BANCS Reports) билан боғланган. Бу эса, кўчирмалар ва ҳисоботларни реал вақт режимида олиш имконини беради.

Шунингдек, BANCS Loans технологияси қуйидаги муҳим ташқи тизимлар билан боғланиш имконини беради:

- кредит бюролари;
- банкнинг ИТ-комплексининг компонентлари;
- скоринг тизими;
- CRM тизими;
- Интернет-Банк тизими.

BANCS Loans технологияси тижорат банкларига янги кредит маҳсулотларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш имконини беради.

Шуниси аҳамиятлики, мазкур технология тижорат банкларига маълум коидалар асосида кредит маҳсулотлари параметрларини ўзгартириш имконини беради. Масалан, кредитларнинг фоиз ставкасини турига, кредитларнинг таъминотига, муддатларига боғлиқ равишда ўзгаришларни амалга ошириш имконини бериши мумкин.

Юқорида қайд этилган ижобий жиҳатлар билан биргаликда, BANCS Loans технологияси чакана кредитлар билан боғлиқ бўлган қуйидаги қулайликларни яратади:

- чакана кредитларни оптималлаштириш имконини берадиган хужжат айланишини ташкил қилиш;
- киритиладиган маълумотлар ҳажмини минималлаштириш;
- чакана кредитлаш бўйича стандарт жараёнларни амалга ошириш;
- муаммоли кредитларни бошқариш;
- муаммоли кредитларни кузатиш.

Чакана кредитлаш амалиётида мавжуд бўлмаган технологиялардан яна бири – бу Муаммоли кредитларни бошқариш технологияси (МКБ) ҳисобланади.

МКБ технологиясининг чакана кредитлаш амалиётини такомиллаштиришдаги роли унинг қуйидаги афзалликларида намоён бўлади:

- чакана кредитлар бўйича муддати ўтган қарздорликни кредит учун олинган гаровни сотиш, суд қарорларининг ижросини ҳолатини ҳисобга олган ҳолда бошқариш имконини беради;
- кредитларни қайтариш графигидан четланишларни назорат қилиш аниқлигини оширади;
- стандарт комиссияларни шакллантириш имконини беради.

3. Тижорат банкларида таснифланган кредитлар таркибининг ёмонлашаётганлиги.

Диссертацион тадқиқотнинг иккинчи бобида амалга оширилган таҳлилларнинг натижалари кўрсатдики, таснифланган кредитлар таркибининг ёмонлашаётганлиги, замонавий банк технологияларидан

фойдаланиш даражасининг паст эканлиги банкларнинг барқарорлигига нисбатан салбий таъсирни юзага келтирмоқда.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар ўтказган илмий тадқиқотлар тижорат банкларининг барқарорлигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган бошқа муаммоларнинг мавжудлигини кўрсатди. Ушбу муаммолардан долзарблари сифатида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

– миллий валютанинг қадрсизланиш суръатининг юқори эканлиги импортнинг қимматлашишига ва инфляциянинг кучайишига олиб келди. Бунинг натижасида корхоналарнинг хорижий валюталарда олган кредитларини тўлаш билан боғлиқ бўлган харажатлари ва маҳсулотлар таннархининг ошиб кетиши юз берди. Натижада, уларнинг тўловга қобиллик даражаси пасайди⁹⁴;

– республикамиз тижорат банкларида активлар ва мажбуриятлар ўртасида кучли номутаносибликнинг мавжудлиги, банклар фаолиятидаги трансформация рискининг чуқурлашишига олиб келди. Ўз навбатида, трансформация рискининг чуқурлашиши банкларда баланслашмаган ликвидлилик муаммосининг чуқурлашишига олиб келди⁹⁵;

– таснифланган кредитлар таркибининг ёмонлашиши республикамиз тижорат банкларининг ликвидлигига ва молиявий барқарорлигига салбий таъсир кўрсатди. Бу эса, таснифланган кредитлар таркибининг ёмонлашиши кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг миқдорини ошишига олиб келди. Ўз навбатида, кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг миқдорини ошиши банкнинг соф фойдаси миқдорининг камайишига олиб келди. Чунки, кредитлардан кўриладиган зарарларни

⁹⁴ Мажидов Ж.К. Тижорат банклари активлар портфелини шакллантиришнинг сифатини оширишнинг долзарб масалалари//Халқаро молия ва ҳисоб. – Тошкент, 2017. – №1, февраль;

⁹⁵ Гадоев С.Ж. Тижорат банкларида ликвидлилик рискинни бошқаришни такомиллаштириш.И.ф.б.ф.д. дисс. автореф. – 47 б.

коплашга мўлжалланган захира ажратмалари суммаси тўлиқ тижорат банкининг харажатига олиб борилади⁹⁶;

– республикамизда тижорат банклари мижозларнинг жорий ҳисобрақамларидаги пул маблағларини, уларнинг рухсатсиз ишлатаётганлиги банкларнинг барқарорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Ҳолбуки, мижознинг жорий ҳисобрақамидаги пул маблағларини, унинг розилигисиз ишлатиш, нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ташкил қилиш принципларига зиддир⁹⁷.

Юқорида қайд этилган муаммолардан ташқари республикамиз тижорат банкларининг барқарорлигига салбий таъсир кўрсатаётган яна бир муаммо мавжуд бўлиб, у банкларнинг брутто депозитлари ҳажмида талаб қилиб олинадиган депозитлар салмоғининг юқори эканлигидир.

Талаб қилиб олинадиган депозитлар барқарор бўлмаган пассив ҳисобланганлиги сабабли, улар тижорат банклари фаолиятини молиялаштиришнинг барқарор манбаи ҳисобланмайди. Республикамиз шароитида талаб қилиб олинадиган депозитларнинг брутто депозитлар ҳажмида юқори салмоққа эга эканлиги банкларнинг барқарорлигига нисбатан салбий таъсирни юзага келтиради.

4. Тижорат банклари депозит базасинининг барқарорлигини таъминланмаганлиги.

Тижорат банклари ресурсларининг манбалари ҳажмида депозитлар нисбатан юқори салмоқни эгаллайди. 2022 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг мажбуриятлари ҳажмида депозитларнинг улуши 41,8 фоизни ташкил қилди⁹⁸.

Депозитлар тижорат банкларининг ресурслари ҳажмида нисбатан юқори салмоқни эгаллаганлиги сабабли улар кредит операцияларини молиялаштиришнинг асосий манбаи ҳисобланади.

⁹⁶ Бердияров Б.Т. Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг ликвидлиги ва тўлов қобилиятини таъминлаш масалалари. И.ф.д. дисс. автореф. – Тошкент, 2020. – 73 б.

⁹⁷ Исмаилов А.А. Ўзбекистон Республикаси пул тизимини мустаҳкамлашнинг назарий-услубий асосларини такомиллаштириш. И.ф.д. илм. дар. ол. уч. тақд. эт. дисс. автореф. – Тошкент, 2016. – 81 б.

⁹⁸ Тижорат банкларининг жамланма баланси//www.cbu.uz

Депозит базанинг барқарорлигини тижорат банклари кредитларининг самарадорлигини таъминлашдаги роли қуйидаги намоён бўлади:

- кредитларнинг муддатлари муддатли депозитларнинг муддатларига мос келиши;
- депозитлар миқдори кредитларга бўлган талабни қондириш даражасида бўлиши;
- кредитларнинг фоиз ставкалари билан депозитларнинг фоиз ставкалари ўртасида мутаносибликнинг мавжудлиги.

Кредитларнинг муддатларини депозитларнинг муддатларидан катта бўлиши банкда трансформация рискинни чуқурлашишига олиб келади. Бу эса, банк кредит операцияларининг самарадорлигига нисбатан салбий таъсирни юзага келтиради.

Кредитларга бўлган талабни қондириш биринчи навбатда тижорат банклари депозитларининг етарли даражада бўлишини тақозо этади. Агар банкнинг депозит базаси етарли бўлмаса, у ҳолда, кредитларга бўлган талабни қондиришнинг амалда иложи бўлмайди. Шу сабабли, тижорат банклари депозит базанинг етарлилигини таъминлаш масаласига кредитларга бўлган талабни қондиришнинг бирламчи шарти сифатида қарашлари лозим.

Тижорат банклари кредитлаш амалиётининг самарадорлигини тавсифловчи кўрсаткичлардан бири – бу кредитлардан олинадиган даромадларнинг барқарорлиги ҳисобланади. Ўз навбатида, кредитлардан олинадиган даромадларнинг барқарорлиги кредитларнинг фоиз ставкалари билан депозитларнинг фоиз ставкалари ўртасидаги мутаносибликка боғлиқ.

Халқаро банк амалиётида кредитлар ва депозитларнинг фоиз ставкалари ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш кредитлаш амалиётининг самарадорлигини тавсифловчи муҳим тадбирлардан бири ҳисобланади.

Диссертацион тадқиқотнинг иккинчи бобида амалга оширилган таҳлиллар кўрсатдики, республикамизнинг йирик тижорат банкларида кредитларнинг фоиз ставкалари билан депозитларнинг фоиз ставкалари

ўртасидаги мутаносиблик таъминланмаган. Бу эса, қуйидаги ҳолатлар билан изоҳланади:

– тижорат банкларида кредитлардан олинган фоизли даромадларнинг ялпи даромад ҳажмидаги салмоғини таҳлил қилинган давр мобайнида пасайиш тенденцияси кузатилди;

– кредитларнинг ўсиш суръати билан кредитлардан олинган фоизли даромадларнинг ўсиш суръати ўртасидаги мутаносиблик таъминланмаган;

– тижорат банкларида соф фоизли спрэд кўрсаткичининг меъёрий даражаси таъминланмаган;

– тижорат банкларида соф фоизли маржа кўрсаткичининг меъёрий даражаси таъминланмаган.

5. Банкдаги рақамли трансформациялар, айниқса, чакана банклар учун қийин ва мураккаб йўл эканлиги.

Замонавий истеъмолчининг доимий ривожланиб бораётган талабларига ва тез ривожланаётган молиявий технологиялар (FinTech)дан узилишларга дуч келганда, анъанавий банклар ҳар қачонгидан ҳам мослашиш ва янгилик қилиш учун кўпроқ қийинчиликни бошдан кечирмоқдалар.

Ушбу ўзгаришлар банк амалиёти ва стандартларида рақамли трансформацияга бўлган эҳтиёжни оқлайди, албатда. Бироқ, бунда банклар нафақат қайта кашф этилиши балки, улар эски ананавий ёндашувлардан воз кечиши лозимдир. Шунингдек, улар муваффақиятли ҳаракат ва ўзгаришлардан келиб чиқадиган турли рақамли банк муаммоларни ҳал этишни ҳамда имкониятлардан тўла фойдаланишни билиши керак.

6. Банкларда коммуникация ва ижтимоий платформалардан фойдаланиш амалиётини такомиллашмаганлиги.

Тадқиқотларга кўра, банкларнинг деярли ярми келгуси 5 йил ичида мижозлар билан асосий алоқа усули сифатида ижтимоий ахборот воситаларига таяниши кутилмоқда. Банклар учун бу ўз мижозлари билан мулоқотни қандай тартибга солиш ва соддалаштириш уларнинг ижтимоий медиа стратегиясини жорий этиш йўли бўлиши мумкин. Шунинг учун

банклар ҳозирдан Facebook, Twitter, Telegram ва Instagram каби ижтимоий платформаларнинг кенг қамровини ҳисобга олган ҳолда, ушбу каналлардан самарали фойдаланиш стратегияларини ишлаб чиқиши лозим.

Бироқ, мижозлар билан мулоқотни тезлаштириш учун ижтимоий ахборот воситаларидан фойдаланиш энг катта рақамли банк муаммоларини – хавфсизлик ва мувофиқликни келтириб чиқаради. Яъни, ижтимоий каналлар орқали ёки ходимларнинг бепарволиги сабабли зарарли тажовузлар кузатилиши мумкин.

Шу боис, ижтимоий каналлардан фойдаланиш хавфсизлигини таъминлаш устувор вазифалардан бири бўлиши керак. Барча коммуникациялар корпоратив сиёсат бузилишини автоматик равишда аниқлайдиган ва уни кириш босқичидан олдин зарарлантириш ёки зарарни камайтирадиган марказлаштирилган мониторинг тизимларини ишлаб чиқиш талаб этилади.

Аммо, кўпгина банклардаги технологик ваколатлар ва имкониятларнинг етишмаслигидан ташвишлидир ва истеъмолчилар анъанавий банк тизимлари таклиф қила олмайдиган тажрибадан баҳраманд бўлишни хоҳлашади. Кўпгина катта банк тизимлари кўп йиллардан бери мавжуд бўлган эски дастурларда фаолият юритади. Албатда, ушбу эски тизимлар бугунги кунда уланган рақамли муҳит учун такомиллаштирилмоқда, бироқ бу уларни мукамал даражага олиб чиқмайди. Турли хил эски банк тизимларидан замонавий, рақамли боғланган муҳитга ўтиш қийин бўлиши билан бирга ўзгариш зарур иловалар, махсус жараёнлар, ташқи тизимлар билан интеграциялаш, хавфсизлик ва техник хизмат кўрсатиш учун катта миқдорда инвестицияларни талаб қилади.

7. Банкларда ахборотларни хавфсизлигини таъминлашнинг кафолатланмаганлиги.

Нобанк тизимларда фойдаланувчи маълумотларининг махфийлик ва хавфсизлик даражаси рақамли банкларга нисбатан пастроқдир. Жумладан,

заиф пароллар ва таъминланмаган тармоқлардан фойдаланиш каби муаммолар фойдаланувчиларни онлайн ҳужумларга қарши ҳимоясиз қилади.

Шу боисдан нобанк ва банк секторларидаги маркетинг мутахассислари онлайн банк тизимларининг хавфсизлигини намоиш этиш ва тушунтиришга эътибор қаратишлари керак, шунингдек, мижозларга махфийлик ва хавфсизлик одатларини яхшилаш орқали янада виждонли онлайн бўлишни ўргатишлари керак. Кўп факторли идентификациядан фойдаланиш каби амалиётлар яхши йўлга қўйиш лозим.

8. Банк ходимларининг рақамли технологиялар ва инновацион банк хизматлари тўғрисидаги билим ва кўникмаларининг етарли эмаслиги.

Ўзбекистонда 33 та тижорат банки фаолият кўрсатади. Агар исталган бош бухгалтер ёки мулкдордан бир банк иккинчисидан конкрет нимаси билан фарқ қилиши ва нега у айнан шу банкни танлагани ҳақида сўралса, унда ҳеч ким бунга маъноли жавоб беролмайди. Хизмат кўрсатиш сифатидан шахсий ҳиссиётлар ёки айрим масалаларни “ҳал этиш” имконияти даражасидан бошқа банкларнинг бир-биридан фарқ қиладиган жойи йўқ. Банкларнинг на маҳсулотлар рўйхати, на банк тарифлари, ҳатто на рақамланиш даражаси банкни танлашда ҳал қилувчи мезон ҳисобланмайди. Ҳаммаси мулкдорнинг ёки бош бухгалтернинг банкда ишлайдиган у ёки бу менежер билан шахсий алоқалари даражасига бориб тақалади.

Марказий банк томонидан бундай ҳаддан ташқари кучли назоратда “Тижорат банк”лар “Клон банк”ларга айланади: уларнинг ҳаммаси деярли бир хил банк хизматлари рўйхатига, хизматлар нархига, ходимлар малакасига, амалиётларни ўтказиш тезлигига эга⁹⁹.

Банкларнинг техник қолақлиги ва Ўзбекистон банкларида ИТ-мутахассислар етишмаслигидир. Банклардаги мавжуд операцион тизимлар кўп ҳолларда ишончли эмас, тез-тез ишдан чиқади. Мутахассислар ҳар бир амалиётни деярли кўлда бажаришга мажбур. Бу орада эса, банк ишида


⁹⁹ <https://anhor.uz/uz/economy/uzbekiston-bank-tizimining-asosiy-muammolari.-birinchi-qism/>

оператор томонидан бажариладиган ҳар бир оддий амалиёт автомат режимда ўтказилиши жуда муҳим.

Ҳар бир банк ўз муассислари ва менежерларининг манфаатлари ва малакасини акс эттиради. Бироқ шунингдек, мижозлар банкдан муайян умидларга ҳам эга бўлади ва ўз талабларини кўяди. Универсал корпоратив бошқарув тизимларини жорий этиш ушбу муаммони ҳал қилишнинг кенг тарқалган усули ҳисобланади. Марказий банк корпоратив бошқарув бўйича кўплаб норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиб, уларни жорий этишга уринмоқда, бироқ ушбу ҳужжатларнинг реал назорати кўнгилдагидай эмас.

Тадқиқотдан келиб чиқиб, рақамли банкинг билан боғлиқ асосий муаммолар сифатида рақамли банк платформасини бошқаришда малакали кадрлар етишмаслиги, аҳолининг рақамли банк хизматлари тўғрисида камроқ хабардорлиги, аксарият аҳолининг рақамли банкларга ишончи пастлиги, хакерлик ва кибр хужумларидан кўрқиш ва мижоз томонидан киритилган маълумотларнинг ишончлилиги кабилар билан ифодалаш мумкин (3.2-расм).


Мамлакатимиз банк тизимидаги барча мавжуд муаммоларнинг ечимлари банк сиёсатини тубдан ислоҳ қилиш, банклардаги реал ҳолат ва уларнинг ривожланиш истиқболларини қайта кўриб чиқишни талаб қилмоқда.



3.2-расм. Рақамли иқтисодиёт шароитида рақамли банклар билан боғлиқ муаммолар¹⁰⁰.

Шунга кўра, тадқиқот давомида бугунги банк хизматларига аҳолининг муносабатларини ўрганиш мақсадида сўровнома ўтказилди. (Сўровнома натижалари 1-иловада келтирилган) Натижалардан, аввало аҳолининг банк хизматларидан кенг фойдаланиши учун уларни қизиқтираётган жиҳатларни қўйидагича ифодалаш мумкин (3.3-расм).

¹⁰⁰ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.



3.3-расм. Банк соҳасини янада ривожланишда ҳал этиш лозим бўлган асосий элементлар¹⁰¹

Сўровнома натижаларига кўра, банк хизматлари ва унинг рақамлаштириш билан боғлиқ қуйидаги муаммолар мавжудлиги аниқланди:

1. Кредит фоиз ставкалари жуда юқори;
2. Кредит суммаси миждоз талаби бўйича нақд ёки электрон пул кўринишида берилишини ташкил этиш;
3. Онлайн банк хизматларидан фойдаланишни осонлаштириш ва қулай тизимни шакллантириш лозим. Чунки, онлайн режимда фойдаланишда қийинчиликлар кўп;
4. Банклар томонидан хизмат кўрсатиш сифати ва тезлиги жуда паст, ходимларнинг муомала маданияти яхши эмас;
5. Маҳаллий ҳокимлик ва бошқа давлат органлари томонидан банк ходимларига қўшимча вазифаларни юклаш яъни, мажбурий меҳнатнинг ҳалигача мавжудлиги;
6. Аксарият банк мобил иловаларидан фойдаланишда ноқулайликлар кўп ва унда хизматларнинг камлиги;
7. Банкларнинг иш режими нотўғри тузилган, қолаверса, Ўзбекистон Республикасининг “Банк сирлари тўғрисида”ги қонун ишламайди. Масалан, омонатга пул қўйдингизми, барча куч ишлатар тизимлар, ҳокимият вакиллари бу пул ҳақида етарлича маълумотга эга бўлишади;

¹⁰¹ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

8. Банк маҳсулотлари ва хизмаларини реклама қилиш даражаси паст ёки аксинча очиклик(шаффофлик)нинг таъминланмаганлиги;

9. Барча банкларда онлайн кредитлар йўлга қўймаган ва бу борада роқобат умуман йўқ;

10. Рақамлашган осон ва шаффоф ягона тизимнинг мавжуд эмаслиги.

3.2-§. Банкларнинг кредит ва депозит хизматлари кўрсатиш амалиётини такомиллаштириш йўллари

Диссертацион тадқиқотнинг 3.1-параграфида қайд этилган ва тижорат банкларининг кредит ва депозит хизматларини кўрсатиш амалиётини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган долзарб муаммоларни ҳал қилиш мақсадида қуйидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

1. Банк хизматларининг диверсификация даражасини ошириш, таснифланган активларнинг таркибини яхшилаш ва мавжуд банк технологияларини такомиллаштириш йўли билан брутто активларнинг даромадлилигини ошириш лозим.

Халқаро банк амалиётида тижорат банкларининг кредит портфелини диверсификация мезони сифатида 25 фоизли даража олинган бўлиб, унга кўра, тижорат банки кредитларининг 25 фоиздан ортиқ қисмини битта соҳа ёки тармоқда тўпланиб қолиши мумкин эмас¹⁰².

Мазкур мезон кредитларнинг тармоқ хусусиятига кўра белгиланган. Бундан ташқари, тижорат банкларининг кредит портфелини кредитларнинг географик тақсимоти, мижозларнинг мақоми, кредитларнинг валютавий таркиби бўйича диверсификация қилиш мумкин.

Фикримизча, республикамиз тижорат банклари кредит портфелининг диверсификация даражасини ошириш учун қуйидаги тадбирлар амалга оширилиши керак:

¹⁰² Банковское дело. Учебник. Под ред. Проф. О.И. Лаврушина. – М.: КНОРУС, 2016. – 800 с.

– кредит портфелини шакллантиришнинг мавжуд тармоқ хусусиятидан (саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва коммуникация, қурилиш, савдо ва умумий овқатланиш, моддий-техника таъминоти) келиб чиққан ҳолда, битта тармоққа бериладиган кредитларнинг банкнинг кредит портфелидаги улушини 15 фоиздан ошиб кетмаслиги Кредит сиёсатида портфелнинг асосий диверсификация мезони сифатида белгилаб қўйилиши керак;

– иқтисодиёт тармоқларида юзага келган конъюнктуравий ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда кредит портфелини диверсификация даражаси бўйича белгиланган 15 фоизли мезонга нисбатан 5 фоизгача тебранишга руҳсат бериш лозим;

– ҳар бир тармоқ вазирлиги билан ушбу тармоқ корхоналарига берилган кредитларнинг таъминоти, кредитларнинг фоиз ставкаларини бир қисмини қоплаб бериш, давлат томонидан субсидияланадиган кредитларнинг ҳажми бўйича аниқ келишув битимини тузиш лозим;

– ҳар бир тармоқ субъектларига берилган кредитларнинг умумий суммасига нисбатан кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг юқори меъёрий чегарасини белгилаб қўйиш лозим.

Халқаро банк амалиётида қимматли қоғозлар портфелининг диверсификация даражасини таъминлаш тижорат банклари фаолиятидаги фонд рискинни бошқаришнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Айнан, Базель қўмитасининг тижорат банкларининг қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган инвестицион операциялари бўйича талаблари дунёнинг кўплаб мамлакатларида, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасида банк назорати бўйича пруденциал талаблар сифатида қабул қилинган ва банкларнинг қимматли қоғозлар портфелини диверсификация қилишда муҳим ўрин тутди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2008 йил 27 декабрдаги

30/2-сонли (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 2 февралда 1894-рақам билан рўйхатдан ўтказилган) Тижорат банклари томонидан қимматли қоғозлар билан ўтказиладиган операцияларга ва уларнинг бошқа корхоналар устав капиталида қатнашишига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга мувофиқ:

а) банкнинг муайян юридик шахс устав капиталига, шунингдек, ушбу юридик шахснинг бошқа қимматли қоғозларига киритган инвестициялари миқдори биринчи даражали банк регулятив капиталининг 15 фоизидан ошмаслиги керак;

б) банкнинг юридик шахслар устав капиталига ва бошқа қимматли қоғозларга киритган инвестициялари миқдори биринчи даражали банк регулятив капиталининг 50 фоизидан ошмаслиги керак;

в) олди-сотди учун қимматли қоғозларга киритилган банк инвестициялари миқдори биринчи даражали банк регулятив капиталининг 25 фоизидан ошмаслиги керак¹⁰³.

Фикримизча, тижорат банкларининг брутто активларининг даромадлилигини ошириш учун банк технологияларидан (информацион, коммуникацион ва электрон технологиялар) комплекс фойдаланишни йўлга қўйиш лозим.

Банк технологияларидан комплекс фойдаланишнинг афзалликлари қуйидагиларда намоён бўлади:

– мижозларга кўрсатиладиган молиявий хизматларнинг сифатини ошириш имконини беради, бу эса, банкнинг рақобатбардошлигини таъминлашда муҳим ўрин тутди;

– назоратнинг мураккаб тизими туфайли ҳужжатларни бехато қайта ишлашни кафолатлайди;

¹⁰³ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2008 йил 27 декабрдаги 30/2-сонли (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 2 февралда 1894-рақам билан рўйхатдан ўтказилган) Тижорат банклари томонидан қимматли қоғозлар билан ўтказиладиган операцияларга ва уларнинг бошқа корхоналар устав капиталида қатнашишига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомни асдиқлаш ҳақида”ги қарори//www.cbu.uz.

– тижорат банки фаолиятидаги рискларни (кредит rischi, фоиз rischi, ликвидлилик rischi, операцион риск, фонд rischi, валюта rischi) холис баҳолаш имконини беради;

– банкка молиявий хизматларнинг истеъмолчилари билан самарали ҳамкорлик қилиш имконини беради.

Халқаро банк амалиётида банк технологияларидан самарали фойдаланишни таъминлаш мақсадида халқаро ахборот-технология компаниялари, трансмиллий банклар ва халқаро молия институтларининг мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган банк технологияларидан кенг фойдаланилмоқда.

2. Чакана кредитлар бериш жараёнини замонавий банк технологияларини жорий қилиш орқали самарадорлигини ошириш йўли билан чакана кредитлардан олинadиган даромадлар миқдорини ошириш зарур.

Жисмоний шахсларнинг молиявий хизматларга бўлган талабларининг ўзгараётганлиги ва банклар ўртасида рақобатни кучаяётганлиги чакана хизматлар таклифида, шу жумладан, чакана кредитлар таклифида жиддий ўзгаришларни амалга ошириш зааруриятини юзага келтирмоқда. Бу эса, ўз навбатида, чакана кредитлар технологияларини ўзгартириш зааруриятини юзага келтиради.

Ҳозирги даврда халқаро банк амалиётида кенг қўлланилаётган ва чакана кредитлашнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланган технология бўлиб, peer-to-peer (P2P) технологияси ҳисобланади.

P2P технологияси асосида кредитлаш махсус интернет-сайтлар орқали амалга оширилади. Мазкур кредитлар кичик бизнес субъектларини ва жисмоний шахсларни кредитлашда кенг қўлланилади.

P2P технологияси асосида кредитлашда фойдаланувчи кредит берувчи сифатида ҳам, кредит олувчи сифатида ҳам иштирок этиши мумкин.

P2P технологияси асосида кредитлашнинг асосий афзалликлари бўлиб куйидагилар ҳисобланади:

– фойда меъёрининг нисбатан юқори эканлиги, яъни, жалб қилинган депозитлар ҳисобидан бериладиган кредитларнинг даромадлилигидан юқори эканлиги;

– банкларнинг бозор ставкаларида бериладиган кредитларидан фойдаланиш имконига эга бўлган мижозларни кредитлаш имконини беради;

– P2P-кредитлаш кўпроқ ижтимоий аҳамиятга эга;

– мижозларга хизмат кўрсатиш сифати ва тезлигини ошириш имконини берадиган техник инновацияларга асосланган¹⁰⁴.

Тижорат банки у ёки бу чакана кредит маҳсулотини ишлаб чиқишдан олдин ушбу маҳсулотнинг бозорини ўрганади. Чакана кредит маҳсулоти бозорини ўрганишда тижорат банкини асосан қуйидаги параметрлар қизиқтиради:

* чакана кредитга бўлган талаб миқдори;

* чакана кредитнинг таклиф қилинадиган баҳоси;

* чакана кредитнинг муддати;

* чакана кредитларнинг бозордаги ўртача баҳоси.

Мижоз кредит суммасини тез фурсатда олишдан манфаатдор бўлганлиги сабабли, банклар ўзларининг технологик жаарёнларида минимал маълумотларга асосланган бўлажак қарз олувчиларнинг кредит қобилиятини баҳолашнинг соддалаштирилган тизимини тақдим этишга мажбурдирлар. Сўралаётган кредитларнинг кичик ҳажми ва уларни тақдим этишнинг стандарт шартлари банкларга чакана кредитларни бошқаришда портфель ёндашувларини қўллаш, бундай кредитларни бир хил портфелларга бирлаштириш ва рискларни умумий асосда баҳолаш имконини беради. Банклар томонидан тақдим этилаётган кредитларнинг жорий сифатини баҳолаш, асосан, қарз олувчиларнинг молиявий ҳолатини баҳолаш асосида эмас, балки уларнинг олинган кредитни қайтариш ҳолатига қараб амалга

¹⁰⁴ Половян А.В., Синицына К.И. P2P-кредитование как новая форма финансирования деятельности в условиях новой индустриализации//Региональные и муниципальные финансы: приоритетные направления развития: сб. науч. тр. Саратов: ССЭИ (филиал) РЭУ им. Г.В. Плеханова, 2018. С. 205–209.

оширилади. Тўлов интизоми бузилган тақдирда, кредит дастлабки портфелдан чиқариб ташланади ва келажакдаги йўқотишларни қоплаш учун захира коэффицентлари анча юқори бўлган бошқа портфелга ўтказилади.

Буюк Британиянинг йирик тижорат банкларидан бири бўлган “Bradford & Bingley” банкининг тижорат директори Я.Дарбининг фикрига кўра, агар банклар нобанк институтлари (супермаркетлар, автомобиль заводлари,...) билан бўладиган рақобатга дош беришни истасалар, у ҳолда, қулай молиявий хизматларни кўрсатиши, кўрсатилаётган хизматлар сонини кўпайтиришлари, банк маҳсулотларини истеъмолчилар учун қулай ва арзон қилишлари керак¹⁰⁵.

Таъкидлаш жоизки, чакана кредитлар бериш жараёнларини рақамлаштириш чакана банк бизнесини ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларидан бири ҳисобланади. Бунда, чакана кредитлаш жараёнларини рақамлаштириш молиявий технологияларни қўллаш асосида амалга оширилади.

Ҳозирги даврда тижорат банклари фаолиятини рақамлаштиришнинг уларнинг молиявий натижадорлигига нисбатан таъсирининг қуйидаги йўналишларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. Чакана мижозларни масофавий хизматлар кўрсатиш шаклига ўтказиш (онлайн-банкнинг, смс-банкнинг, банкнинг мобил иловаси). Бу банкнинг реализациядан ташқари харажатларини камайтириш асосида ижобий молиявий натижани шакллантириш имконини беради.

2. Чакана хизматларни индивидуаллаштириш даражасини ошириш.

3. Чакана мижозларга хизмат кўрсатишга нисбатан комплекс ёндашувни жорий қилиш.

4. Мижозларга сутка давомида узлуксиз молиявий хизматларни кўрсатиш.

¹⁰⁵ URL: <http://www.deeplace.md/rus/section/170>.

5. Банк мижозларини идентификация қилишнинг инновацион усулларини жорий қилиш.

Ҳозирги даврда АҚШ ва Ғарбий Европанинг трансмиллий банклари томонидан мижозларни идентификация қилишда қўлланиладиган модулларни блокчейн технологиясига интеграция қилиш йўли билан такомиллаштиришни таклиф қилишмоқда.

Блокчейн технологияси маълумотларни турли манбалардан олиб, уларни криптографик жиҳатдан ҳимояланган ва ўзгартириб бўлмайдиган ягона маълумотлар базасига тўплаш имконини беради. Бундай шароитда фойдаланувчини фақат бир марта КҮС жараёнидан ўтиши кифоя қилади.

6. Банкнинг рақамли экотизимини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

Бунинг натижасида чакана мижозларнинг банкка боғланиш даражаси ошади, уларни комплекс банк хизматларини жорий қилиш асосида хайрихоҳлик даражаси ошади, банк хизматларига бўлган эҳтиёжни тўлақонли қондириш имконияти юзага келади.

Интернет-банкнинг чакана кредитлаш амалиётини такомиллаштиришга хизмат қиладиган технология ҳисобланади. Бу эса, мазкур технологиянинг ўзига хос бўлган қуйидаги афзалликлари билан изоҳланади:

*операцияларни амалга оширишнинг тезлиги;

*комиссион тўлов ставкасининг паст эканлиги;

*масофавий тарзда кредит олувчининг тўловга лаёқатлилигини баҳолаш имконининг мавжудлиги.

3. Тижорат банклари барқарорлик даражасини ошириш йўли билан ҳиссали иштирок шаклидаги инвестициялар миқдорини кўпайтириш лозим.

Тижорат банкларининг барқарорлик даражасини ошириш уларнинг инвестициялар ҳажмини оширишнинг зарурий шартларидан бири ҳисобланади. Бунда тижорат банкининг барқарорлиги деганда қуйидагилар назарда тутилаяпти:

*молиявий барқарорлиги;

*етарли даражада ликвидли бўлиши;

*ресурс базасининг етарлилиги.

Ўз навбатида, тижорат банкларининг молиявий барқарорлиги соф фойданинг даражаси, активлар бўйича даромадлар ва жалб қилинган ресурслар бўйича харажатлар ўртасидаги мутаносиблик, активлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг даражаси каби муҳим кўрсаткичлар асосида таснифланади.

Шу ўринда эътироф этиш жоизки, халқаро банк амалиётида тижорат банкларининг соф фойдасини даражасига баҳо беришда, кўпчилик ҳолларда, соф фойданинг брутто активларга нисбатан даражаси кўрсаткичидан ва соф фойданинг банк активларининг рискка тортилган суммасига нисбатан даражаси кўрсаткичидан фойдаланади.

Тижорат банкларининг етарли даражада ликвидли бўлиши уларнинг барқарорлигини тавсифловчи муҳим кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Бу ерда, банкнинг етарли даражада ликвидлилиги деганда унинг ликвидлилигини тавсифловчи кўрсаткичларнинг меъёрий даражаларини таъминланиши тушунилади.

Халқаро банк амалиётида тижорат банкларининг ликвидлилигини баҳолашда қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилмоқда:

- *лаҳзали ликвидлилик коэффиценти;
- *жорий ликвидлилик коэффиценти;
- *ликвидлиликни қоплаш меъёри коэффиценти;
- *соф барқарор молиялаштириш меъёри коэффиценти.

Тижорат банкларининг активлар бўйича даромадлари билан жалб қилинган ресурслари бўйича харажатлари ўртасидаги мутаносибликни баҳолаш учун қуйидаги кўрсаткичдан фойдаланилади:

- *соф фоизли маржа кўрсаткичи;
- *соф фоизли спрэд кўрсаткичи.

Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки экспертлари томонидан юқоридаги икки кўрсаткич учун қуйидаги меъёрий даражалар тавсия этилган:

*соф фоизли маржа кўрсаткичи учун – 4,5 %;

*соф фоизли спрэд кўрсаткичи учун – 1,25 %.

Тижорат банклари ресурсларининг етарлилигини баҳолашда асосий эътибор депозитларнинг етарлилигига ва капиталнинг етарлилигига қаратилади.

Тижорат банклари капиталининг етарлилигини баҳолашда Базель кўмитасининг тижорат банкларининг етарлилигига нисбатан белгиланган икки талабидан фойдаланилади:

*регулятив капиталнинг етарлиги;

*биринчи даражали капиталнинг етарлиги.

Бизнинг таклифимизда тижорат банкларининг корхоналарнинг устав капиталига қилинадиган инвестициялари ҳажмини ошириш кўзда тутилган. Бунда, тижорат банклари ҳиссали иштирок шаклидаги инвестициялар ҳажмини ошириш учун мазкур инвестицияларнинг даромадлилиги ва рисклилигидан келиб чиққан ҳолда қарор қабул қилишлари керак.

Ҳиссали иштирок шаклидаги инвестицияларнинг даромадлилигини баҳолашда капиталнинг рентабеллиги кўрсаткичидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Халқаро амалиётда умумэтироф этилган мезонга кўра, капиталнинг рентабеллигини меъёрий даражаси 15 фоизни ташкил этади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг тижорат банклари бир-бирининг устав капиталда иштирок этишдан манфаатдор эмас. Бунинг сабаби шундаки, тижорат банки бошқа банкнинг оддий акцияларини сотиб олса, унинг биринчи даражали капитали ана шу суммага камаяди.

Тижорат банклари ҳиссали иштирок шаклидаги инвестициялар ҳажмини ошириш учун эмитент корхоналарнинг тўловга қобиллигига алоҳида эътибор қаратишлари лозим. Чунки, бир қатор эмитент корхоналарнинг тўловга қобиллик ва молиявий барқарорлик даражаси паст.

Тўловга қобиллик даражаси паст бўлган корхонада тўлов мажбуриятларини бажара олмаслик хавфи юқори бўлса, молиявий

барқарорлик даражаси паст бўлган корхона оддий акцияларга инвестор учун қулай фоизда дивиденд тўлай олмайди.

Миллий валютанинг қадрсизланиш суръати ва инфляция даражасининг нисбатан юқори бўлиши қимматли қоғозларнинг инвестицион жозибадорлигини оширишга тўсқинлик қилади. Бу эса, ўз навбатида, тижорат банкларининг ҳиссали иштирок шаклидаги инвестицияларининг даромадлилигига салбий таъсир кўрсатади.

Ҳиссали иштирок шаклидаги инвестициялар жараёнидаги рискларни тўғри баҳолаш ва бошқариш тўғрисидаги қарорларни тўғри қабул қилиш муҳим аҳамият касб этади.

4. Тижорат банклари депозит базасини барқарорлик даражасини ошириш йўли билан кредит хизматларининг самарадорлик даражасини ошириш керак.

Кредит хизматларининг самарадорлиги кредитлардан олинган фоизли даромадлар билан кредит ресурслари учун қилинган фоизли харажатлар ўртасидаги нисбатнинг ўзгаришини баҳолаш орқали баҳоланади.

Тижорат банклари кредит ресурсларининг асосий манбаларидан бири жалб қилинган депозитлар бўлганлиги сабабли, депозитларнинг барқарорлигини таъминлаш кредитларнинг самарадорлигини таъминлашда муҳим ўрин тутаяди.

Тижорат банклари депозит базасининг барқарорлигини таъминланганлигини баҳолашда икки асосий кўрсаткичдан баҳоланмоқда. Биринчи кўрсаткич Халқаро тикланиш ва тараққиёт банкининг экспертлари томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, унга кўра, тижорат банкининг депозит базаси барқарор деб ҳисобланиши учун талаб қилиб олинган депозитларнинг брутто депозитлардаги улуши 30 фоиздан ошмаслиги керак.

Тижорат банклари депозит базасининг барқарорлигини тавсифловчи иккинчи кўрсаткич CAMELS рейтинг тизимидаги кўрсаткичдир. Ушбу кўрсаткични ҳисоблаш учун депозитларнинг барқарор қолдиғи брутто депозитларга бўлинади ва олинган натижа 100 фоизга кўпайтирилади. Аган

ушбу кўрсаткичнинг даражаси 75 фоиздан паст бўлмаса тижорат банкининг депозит базаси барқарор ҳисобланади.

Тижорат банкларининг депозит базасини барқарорлигини таъминлашда аҳолининг муддатли омонатлари муҳим ўрин тутди. Бунинг сабаби шундаки, аҳолининг муддатли омонатлари юридик шахсларнинг муддатли депозитларига нисбатан қуйидаги уч афзалликка эга:

*аҳолининг муддатли омонатлари тижорат банкининг ресурс базасини диверсификация даражасини ошириш имконини беради;

*аҳолининг муддатли омонатлари юридик шахсларнинг муддатли депозитларига нисбатан банкка узоқроқ сақланади;

*аҳолининг муддатли омонатларининг фоиз ставкаси юридик шахсларнинг муддатли депозитларининг фоиз ставкасига нисбатан паст бўлади.

Таъкидлаш жоизки, тижорат банкларининг депозит базасига ташқи омилларнинг таъсири кучлидир. Масалан, инфляция даражаси ва миллий валютанинг қадрсизланиш суръати тижорат банкларининг депозит базаси барқарорлигига жиддий таъсир кўрсатувчи ташқи омиллар ҳисобланади. Хусусан, инфляция даражаси ва миллий валютанинг қадрсизланиш суръатининг юқори бўлиши юридик ва жисмоний шахсларнинг миллий валютадаги депозитлари ва омонатларининг реал қийматини ва улардан олинган фоизли даромадларнинг реал қиймати пасайишига олиб келади.

2020 йилнинг март ойида қабул қилинган короанвирус пандемиясига қарши карантин чоралари аҳолининг даромад даражасини пасайишига олиб келди. Бу эса, уларнинг пул маблағларини банкларнинг муддатли омонат ҳисобрақамларига жалб этиш имкониятини торайтирди. Бунинг устига, 2020 йил 1 апрелдан 1 октябргача бўлган даврда тижорат банкларининг миждозларига кредит таътили берилди, яъни улар ушбу давр мобайнида кредитлар бўйича тўловларни амалга оширмайдиган бўлдилар. Бу эса, тижорат банкларининг депозит базаси барқарорлигига салбий таъсир кўрсатди.

Фикримизча, тижорат банкларининг депозит базасини барқарорлигини таъминлашни Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Марказий банкининг молиявий қўллаб-қувватлашисиз амалга ошириш қийин. Ушбу молиявий қўллаб-қувватлаш қуйидаги тадбирларни кўзда тутиши лозим:

*инфляциянинг паст ва барқарор даражасини таъминлаш;

*миллий валютанинг қадрсизланиш суръатини пасайтириш;

*коронавирус пандемияси туфайли муддатида қайтмаган кредитларни қайтаришда тижорат банкларига қўмаклашиш;

*аҳоли даромадларини узлуксиз ошириб бориш сиёсатини давом эттириш;

*хўжалик юритувчи субъектларнинг соф фойдаси даражасини ошириш масадида таннархнинг маҳсулотларни сотишдан олинган тушум ҳажмидаги салмоғини пасайтириш;

*монетар сиёсатнинг тижорат банкларинг депозит базаси барқарорлигини таъминлашдаги ролини ошириш.

5. Бугунги кунда банклар маълум имтиёзлар, параметрлар ва қоидалар билан қаттиқ кодланган стандартлаштирилган маҳсулотларни таклиф қилмоқдалар - турли кредитлар, депозитлар ва банк карталари. Ушбу маҳсулотларни қўллаб-қувватлаш ва уларни тартибга солувчи қоидаларни бошқариш учун турли хил операцион роллар юкланган. Ҳозирда бу фаолият қисман рақамлаштирилмоқда ва банк ходимларининг роли янги турдаги банк маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ўтади.

Мижознинг имкониятларини кенгайтирадиган рақамлаштириш ва янги технологиялардан кенг фойдаланиш, аллақачон истеъмолчи банкининг муҳим қисми бўлиб, келгуси даврда операцияларга янада чуқурроқ кириб боради ва нафақат банк харажатлари таркибига, балки унинг мижозларига ҳам фойда келтиради. Масалан, кредитни ёпиш ва тўлаш тажрибасини рақамлаштириш жараёни тезлаштиради ва мижозларга ҳужжатларни онлайн ёки мобил иловаси орқали кўриш ва имзолаш учун мослашувчанлик ҳамда эркинлик беради.

Ушбу ўзгаришлар ва муаммоларни тан олган ҳолда, (рақамли) банклар қуйидаги учта элементни такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратиши лозим:

- рақамли инфратузилма ва уни жойлаштириш (масалан, маълумотлар, коммутация, рўйхатга олиш тизими, интеграциялашув даражаси, фойдаланиш доимийлиги)

- дастур экотизими (масалан, йўналиш, таҳлил, риск, авторизация, диверсификация)

- ижро тизими (масалан, мижозлар тажрибаси, фойдаланувчи интерфейси, ечим нуқталари, молиявий фаровонлик).

6. Умуман олганда, банклар хизматларини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган муаммоларни чуқур ва реал ўрганишнинг асосий методи шуки, биринчи навбатда банк хизматларидан фойдаланувчилар ҳошиш ва истакларини ўрганишдир. Чунки, бозор иқтисодиёти шуни талаб этади.

Иккинчидан, мазкур ўрганишлар натижаларини чуқур таҳлил қилган ҳолда ривожланишнинг аниқ истиқболли стратегияларини белгилаб олиш ҳамда банк маҳсулотлари ва хизматларини мижозлар талабига мослаштириб бориш зарур.

Бугунги кунда банк соҳасида мижозлар тажрибаси алоҳида ўрин эгалламоқда. Шу боис, банклар барча каналлар ва алоқа нуқталари бўйлаб реал вақт режимида мижозлар тажрибаси маълумотларини тўплаш, тўпланган маълумотларнинг таъҳлилини олиб бориш, улар эҳтиёжини қондириш ва содиқлигини ошириш, ҳар бир мижозларнинг индивидуал фикр-мулоҳазаларини кузатиб бориш, уларнинг тажрибасини ходимларнинг фикр-мулоҳазалари билан интеграциялаш, банк хизматларини ўзгартириш, янгилаш ва мослашувчан бўлишини таъминлашга эътибор қаратиши шарт.

7. Рақамли банк хизматларини янада такомиллаштириш бўйича қуйидаги амалий тавсияларни тақлиф этамиз:

- банк рақамли операцияларини янада диверсификациялаш, банк рақамли платформаларини электрон тижорат патформалари билан

интеграциялаш, актив ва пассив операцияларни кўламини баравар ривожлантириб бориш;

- банк мобил иловаларидаги тўловларни хилма-хиллигини янада ошириб бориш, барча бюджет ва бюджетдан ташқари тўловларни мижозларга содда, тушунарли тарзда таклиф этиш;

- географик жойлашуви ҳар ҳил бўлган мижозлар учун банк хизматларидан фойдаланишни бир хиллаштириш;

- аҳолининг банк рақамли хизматларидан фойдаланиш бўйича кўникмаларини ошириш учун оммавий ахборот воситалари орқали тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бориш, рақамли платформалар орқали кўрсатилаётган барча хизматлардан тўлиқ фойдаланиш бўйича видеороликлар орқали кўрсатмалар бериб бориш ва бошқалар.

Учинчи боб бўйича хулоса

Диссертацион тадқиқотни бажариш жараёнида Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг кредит ва депозит хизматлари кўрсатиш амалиётини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган қуйидаги муаммолар аниқланди:

– тижорат банклари активларининг диверсификация даражасини паст эканлиги ва таснифланган кредитлар таркибини ёмонлашаётганлиги;

– таснифланган кредитлар тоифалари бўйича захира ажратмаларининг ставкалари ўртасида сезиларли фарқ бўлганлиги сабабли таснифланган кредитлар таркибида қониқарсиз ва шубҳали кредитлар салмоғини ошиши банкларнинг кредит портфелини сифатини ёмонлашишига олиб келмоқда;

– республикамиз тижорат банкларида қимматли қоғозларга қилинган инвестицияларнинг брутто активларга нисбатан даражасининг паст эканлиги (ушбу ҳолат банкларнинг қимматли қоғозлар билан операциялар ўтказиш амалиётини такомиллашмаганлигини кўрсатади);

– мамлакат тижорат банкларида чакана кредитлар бериш жараёнини замонавий банк технологияларини жорий қилиш йўли билан такомиллаштириш масаласини ҳал қилинмаганлиги;

– тижорат банкларида таснифланган кредитлар таркибининг ёмонлашаётганлиги;

– тижорат банклари депозит базасинининг барқарорлигини таъминланмаганлиги;

– банкларда коммуникация ва ижтимоий платформалардан фойдаланиш амалиётини такомиллашмаганлиги;

– банкларда ахборотларни хавфсизлигини таъминлашнинг кафолатланмаганлиги;

– банк ходимларининг рақамли технологиялар ва инновацион банк хизматлари тўғрисидаги билим ва кўникмаларининг етарли эмаслиги.

Республикамиз тижорат банкларининг кредит ва депозит хизматларини такомиллаштиришга қаратилган қуйидаги илмий таклифлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Банк хизматларининг диверсификация даражасини ошириш, таснифланган активларнинг таркибини яхшилаш ва мавжуд банк технологияларини такомиллаштириш йўли билан брутто активларнинг даромадлилигини ошириш лозим.

2. Чакана кредитлар бериш жараёнини замонавий банк технологияларини жорий қилиш орқали самарадорлигини ошириш йўли билан чакана кредитлардан олинадиган даромадлар миқдорини ошириш зарур.

3. Тижорат банклари барқарорлик даражасини ошириш йўли билан ҳиссали иштирок шаклидаги инвестициялар миқдорини кўпайтириш лозим.

4. Тижорат банклари депозит базасини барқарорлик даражасини ошириш йўли билан кредит хизматларининг самарадорлик даражасини ошириш керак.

5. Бугунги кунда банклар маълум имтиёзлар, параметрлар ва қоидалар билан қаттиқ кодланган стандартлаштирилган маҳсулотларни таклиф қилмоқдалар - турли кредитлар, депозитлар ва банк карталари. Ушбу маҳсулотларни қўллаб-қувватлаш ва уларни тартибга солувчи қоидаларни бошқариш учун турли хил операцион роллари юкланган. Ҳозирда бу фаолият қисман рақамлаштирилмоқда ва банк ходимларининг роли янги турдаги банк маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ўтади.

6. Банкларнинг янги хизматларига бўлган талабни баҳолаш аниқлигини ошириш мақсадида, биринчидан, банк хизматларидан фойдаланувчилар хоҳиш ва истакларини ўрганиш лозим; иккинчидан, мазкур ўрганишлар натижаларини чуқур таҳлил қилган ҳолда, ривожланишнинг аниқ истиқболли стратегияларини белгилаб олиш ҳамда банк маҳсулотлари ва хизматларини миқдорлар талабига мослаштириб бориш зарур.

7. Рақамли банк хизматларини янада такомиллаштириш мақсадида, биринчидан, банк рақамли операцияларини янада диверсификациялаш, банк рақамли платформаларини электрон тижорат платформалари билан интеграциялаш, актив ва пассив операцияларни кўламини баравар ривожлантириб бориш лозим; Иккинчидан, банк мобил иловаларидаги тўловларни хилма-хиллигини янада ошириб бориш, барча бюджет ва бюджетдан ташқари тўловларни миқдорларга содда, тушунарли тарзда таклиф этиш керак; учинчидан, географик жойлашуви ҳар қил бўлган миқдорлар учун банк хизматларидан фойдаланишни бир хиллаштириш зарур; тўртинчидан, аҳолининг банк рақамли хизматларидан фойдаланиш бўйича кўникмаларини ошириш учун оммавий ахборот воситалари орқали тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бориш, рақамли платформалар орқали кўрсатилаётган барча хизматлардан тўлиқ фойдаланиш бўйича видеороликлар орқали кўрсатмалар бериб бориш лозим.

ХУЛОСА

Тижорат банкларининг кредит ва депозит хизматлари кўрсатиш амалиёти ва уни такомиллаштириш бўйича қуйидаги хулосаларни шакллантирдик:

1. Тижорат банкларининг депозит ва кредит хизматлари кўрсатиш амалиётини такомиллаштириш хусусидаги илмий назарий қарашлар тадқиқ қилиш натижалари кўрсатдики:

– илгари банклар фақат молиявий ресурсларни тақсимлаш жараёнида воситачилар сифатида қаралган бўлса, иқтисодий ривожланишнинг ҳозирги босқичида уларни ахборот ишлаб чиқариш ва операцияларни таъминлаш билан шуғулланадиган корхоналар, деб ҳисоблаш мумкин;

– банклар ва бошқа молия институтларининг фаолияти молия бозорларининг ишлашини таъминлайди, уларсиз маблағларни бўш ресурслардан самарали фойдалана оладиганларга ўткази олмайдди. Бинобарин, молия институтлари бутун иқтисодиётнинг ривожланишига сезиларли таъсир кўрсатади;

– тижорат банки фаолиятининг молиявий натижаси фоиз маржасининг миқдори билан белгиланади. Фоиз маржасининг миқдори эса, банкнинг кредит-депозит операцияларининг натижасида шаклланади;

– талаб қилиб олинган депозитлар барқарор бўлмаганлиги сабаби тижорат банкларини улардан фойдаланиш соҳаси чекланган, шу сабабли, банклар томонидан талаб қилиб олинган депозитларга паст ставкада фоиз тўланади. Бироқ, талаб қилиб олинган депозитлар арзон ресурс бўлганлиги сабабли улар ёрдамида банклар оладиган фойдани кўпайтириш имконияти юзага келади;

– автоном тарзда мавжуд бўлиши мумкин бўлган банк маҳсулотидан фарқли ўлароқ, банк хизматлари бир вақтнинг ўзида тугалланмаган характерга эга бўлиши мумкин бўлган қўшимча ҳаракатлар тўпламини ифода этади, бироқ, банк хизматлари тугалланган мазмунга эга бўлган қўшимча ҳаракатлар натижаси бўлиши ҳам мумкин;

– банк тизимида масофавий банк хизматларининг ривожланиши, биринчидан, одамлар ҳаётидаги ўзгаришлар, янги ахборот технологияларининг жорий этилиши, банк операцияларининг автоматлаштирилгани билан боғлиқ бўлиб, моҳиятан банк ва мижоз ўртасидаги алоқанинг анъанавий ва масофадан ташкил этилиши ўртасида кескин фарқ мавжуд эмас;

– рақамли банк бу – мобайл ва онлайн платформадан фойдаланган ҳолда молиявий хизматларни амалга ошириш, бу банкнинг мижоз билан ишлаш сифатини яхшилайти, вақт ва харажатларни тежайти, шахсий маълумотларни хавфсизлиги ҳамда хизматлар сифати ва тезлигини оширади.

2. COVID-19 пандемияси даврида масофавий банк хизматлари ва ўз-ўзига хизмат кўрсатишга бўлган эҳтиёж ошиб, бугунги кунда ҳам доимий заруриятга айланди. Бу ўз-ўзидан янги рақамли банк маҳсулотлари ва хизматларини тақдим этиш жараёнининг шиддат билан ривожланиши ва кенгайтиши ҳамда уларнинг диверсификациялаш босқичларининг ҳам тезлашишига олиб келди. Натижада, банклар мижозлар талабидан келиб чиқиб, рақамли технологиялар ёрдамида масофадан, онлайн тарзда хизматлар кўламини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Бу эса банк хизматларини кўрсатишда инсон омилини чеклайти, коррупция ҳолатларини бартараф этади, бир қатор бюрократик тўсиқларни чеклайти ҳамда банк хизматларининг оммабоблиги даражасини янада оширади.

3. Тижорат банкларининг депозит ва кредит хизматлари амалиётини такомиллаштириш борасидаги хориж тажрибасининг таҳлили кўрсатдики:

– Bank of America кредитларининг миқдори 2017-2019 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлган, бироқ, 2020 йилда банкнинг кредитлари миқдори 2019 йилга нисбатан камайган;

– Bank of America брутто активларининг ҳажмида кредитларнинг салмоғини 2021 йилда 2017 йилга нисбатан сезиларли даражада пасайтиши ушбу давр мобайнида қимматли қоғозларга қилинган инвестицияларнинг брутто активларининг ҳажмидаги салмоғининг ошганлиги билан изоҳланади;

– Bank of Americaда кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларини 2018-2020 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлганлиги кредит хизматларини такомиллаштириш нуқтаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади, аммо, 2021 йилда ушбу кўрсаткичнинг даражаси 2020 йилга нисбатан сезиларли даражада камайган;

– Bank of Americaда муддати ўтган кредитлар ва лизинг кредитлари бўйича захира ажратмаларининг катта қисми 2021 йилнинг 31 декабрь ҳолатига кўра, 30 кундан 59 кунгача ва 90 кун ва ундан ортиқ муддатдаги муддати ўтган истеъмол кредитларининг ҳиссасига тўғри келди;

– 2021 йилнинг 31 декабрь ҳолатига кўра, Bank of America кредитлари ва лизинг кредитларининг муддатига кўра таркибида энг юқори салмоқни 1 йилдан 5 йилгача муддатдаги кредитлар ва лизинг кредитлари эгаллайди;

– Сбербанк томонидан берилган уй-жой кредитлари миқдори 2017-2020 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлди;

– Сбербанк томонидан берилган истеъмол кредитлари, кредит карталари бўйича берилган кредитлар ва жисмоний шахсларга берилган овердрафт кредитлари миқдорини 2017-2020 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлганлиги кредит ҳисобига сотилаётган истеъмол товарларининг ҳажмини ошиб бораётганлигидан ва пластик карталар муомаласини такомиллашиб бораётганлиги билан изоҳланади;

– Сбербанк мажбуриятларининг умумий ҳажмида депозитларнинг салмоғини 2017-2020 йилларда жуда юқори бўлганлиги ва депозитлар таркибида жисмоний шахсларнинг депозитларни нисбатан юқори салмоқни эгаллаши депозитлар жалб қилиш амалиётини такомиллашганлигини кўрсатади.

4. Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг замонавий хизматлари таҳлили кўрсатдики:

*республика банкларида энг оммалашиб бораётган, амалаётда муваффақиятли фойдаланилаётган восита бўлиб, Mobile banking” иловаси ҳисобланади;

*ҳозирги пайтда кенг тарқалган тўлов воситалари бешга бўлинади: рақамли тўловлар, банк тўлов карталари орқали тўловлар, кэшбек; мобил иловалар орқали тўловлар, финтех стартаплар;

*рақамли банкингни ривожлантириш Концепциясига мувофиқ, Марказий банк томонидан QR-код (“Quick Response Code” – тезкор аниқланадиган код) орқали тезкор тўловни амалга оширишнинг “QR-online” стандартлаштирилган ва универсал тизими жорий этилган;

*2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасининг тижорат банкларидаги жисмоний ва юридик шахсларнинг депозитлари қолдиқларининг ўсиш тенденцияси кузатилди.

*2016-2021 йилларда республика тижорат банклари томонидан берилган кредитлар миқдорининг ўсиш тенденцияси кузатилгани ҳолда, юридик шахсларга берилган кредитларнинг брутто кредитлар ҳажмидаги салмоғи жисмоний шахсларга берилган кредитларнинг салмоғига қараганда сезиларли даражада юқори бўлди.

*2017-2021 йилларда Асакабанк кредит портфелининг диверсификация даражасини таъминланмаганлиги маълум бўлди: кредитларнинг 80 фоиздан ортиқ қисми sanoat корхоналарига берилган кредитларнинг ҳиссасига тўғри келади.

*АТ “Туронбанк” кредит портфелининг тармоқ таркибини таҳлили кўрсатдики, банк кредит портфелининг диверсификация даражаси паст: 2021 йил якунига кўра, Туронбанк кредитларининг 48,0 фоизи sanoat корхоналарига берилган кредитларнинг ҳиссасига тўғри келди ва қишлоқ хўжалигига берилган кредитларнинг Туронбанкнинг кредит портфелидаги улуши 2021 йилда 29,4 фоизни ташкил этди.

*2017-2021 йилларда Асакабанк таснифланган кредитлари таркибининг ёмонлашиши юз берганлиги маълум бўлди. Хусусан, 2021 йилда 2017 йилга нисбатан умидсиз кредитларнинг таснифланган кредитларнинг умумий ҳажмидаги салмоғи сезиларли даражада ошгани ҳолда, мазкур даврда

қониқарсиз ва шубҳали кредитларнинг таснифланган кредитлар ҳажмидаги салмоғи ошган.

*Туронбанкда 2017-2021 йилларда кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг миқдори ва брутто активларга нисбатан даражасини ўсиш тенденциясига эга бўлганлиги мазкур даврда таснифланган кредитлар таркибининг ёмонлашганлиги билан изоҳланади.

5. Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари кредит ва депозит хизматлари амалиётинини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган қуйидаги муаммолар аниқланди:

– тижорат банклари активларининг диверсификация даражасини паст эканлиги ва таснифланган кредитлар таркибини ёмонлашаётганлиги;

– таснифланган кредитлар тоифалари бўйича захира ажратмаларининг ставкалари ўртасида сезиларли фарқ бўлганлиги сабабли таснифланган кредитлар таркибида қониқарсиз ва шубҳали кредитлар салмоғини ошиши банкларнинг кредит портфелини сифатини ёмонлашишига олиб келмоқда;

– республикамиз тижорат банкларида қимматли қоғозларга қилинган инвестицияларнинг брутто активларга нисбатан даражасининг паст эканлиги (ушбу ҳолат банкларнинг қимматли қоғозлар билан операциялар ўтказиш амалиётини такомиллашмаганлигини кўрсатади);

– мамлакат тижорат банкларида чакана кредитлар бериш жараёнини замонавий банк технологияларини жорий қилиш йўли билан такомиллаштириш масаласини ҳал қилинмаганлиги;

– тижорат банкларида таснифланган кредитлар таркибининг ёмонлашаётганлиги;

– тижорат банклари депозит базасинининг барқарорлигини таъминланмаганлиги;

– банкларда коммуникация ва ижтимоий платформалардан фойдаланиш амалиётини такомиллашмаганлиги;

– банкларда ахборотларни хавфсизлигини таъминлашнинг кафолатланмаганлиги;

– банк ходимларининг рақамли технологиялар ва инновацион банк хизматлари тўғрисидаги билим ва кўникмаларининг етарли эмаслиги.

Тижорат банклари кредит ва депозит хизматлари амалиётинини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган долзарб муаммоларни ҳал қилишнинг қуйидаги йўллари ишлаб чиқилди:

– банк хизматларининг диверсификация даражасини ошириш, таснифланган активларнинг таркибини яхшилаш ва мавжуд банк технологияларини такомиллаштириш йўли билан брутто активларнинг даромадлилигини оширишнинг мақсадга мувофиқлиги асослаб берилди;

– чакана кредитлар бериш жараёнини замонавий банк технологияларини жорий қилиш орқали самарадорлигини ошириш йўли билан чакана кредитлардан олинадиган даромадлар миқдорини ошириш таклиф қилинди;

– тижорат банклари барқарорлик даражасини ошириш йўли билан ҳиссали иштирок шаклидаги инвестициялар миқдорини кўпайтириш тавсияси асосланди;

– тижорат банклари депозит базасини барқарорлик даражасини ошириш йўли билан кредит хизматларининг самарадорлик даражасини оширишнинг зарурлиги асослаб берилди;

– банклар маълум имтиёзлар, параметрлар ва қоидалар билан қаттиқ кодланган стандартлаштирилган маҳсулотларни таклиф қилиш жараёнларини рақамлаштириш таклиф қилинган;

– банкларнинг янги хизматларига бўлган талабни баҳолаш аниқлигини ошириш мақсадида банк хизматларидан фойдаланувчилар ҳошиш ва истакларини ўрганиш, мазкур ўрганишлар натижаларини чуқур таҳлил қилган ҳолда, ривожланишнинг аниқ истиқболли стратегияларини белгилаб олиш ҳамда банк маҳсулотлари ва хизматларини мижозлар талабига мослаштириб боришнинг мақсадга мувофиқлиги асослаб берилган;

– рақамли банк хизматларини янада такомиллаштириш йўналишлари (банк рақамли операцияларини янада диверсификациялаш, банк рақамли платформаларини электрон тижорат патформалари билан интеграциялаш, банк мобил иловаларидаги тўловларни хилма-хиллигини янада ошириб бориш, барча бюджет ва бюджетдан ташқари тўловларни мижозларга содда, тушунарли тарзда таклиф этиш ва бошқ.) тавсия қилинган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва методологик аҳамиятга молик нашрлар

1. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 5 ноябрдаги “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги ЎРҚ-580-сон қонуни// www.lex.uz.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 11 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги қонунни// www.lex.uz
3. 2022 йил 20 апрелдаги “Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш фаолияти тўғрисида”ги ЎРҚ-765-сон қонунини// www.lex.uz.
4. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 1 ноябрдаги “Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида”ги Қонуни//www.lex.uz.
5. Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 4 октябрдаги “Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида”ги ЎРҚ-301-сонли қонуни. www.lex.uz
6. Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 23 октябрдаги “Гаров реестри тўғрисида” ги ЎРҚ-356- сонли қонуни. www.lex.uz
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги, ПФ-60-сонли фармони. // www.lex.uz.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 9 январдаги ПФ-5296-сонли “Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони//www.lex.uz.
9. 7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 31 октябрдаги ПҚ-3620-сонли “Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори//www.lex.uz.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 31 октябрдаги ПҚ-4503-сонли “Банк-молия соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори//www.lex.uz.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 июлдаги ПҚ-3832-сонли “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори//www.lex.uz.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 ноябрдаги “Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида рақамли инфратузилмани янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-4022-сонли қарори//www.lex.uz.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 июлдаги ПҚ-4400-сонли “Микромолиявий хизматлар оммабоплигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори//www.lex.uz.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сонли “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги фармони//www.lex.uz.

15. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 22 сентябрдаги “Тармоқ ва ҳудудларда рақамли иқтисодиёт ҳамда электрон ҳукуматни жорий қилиш масалалари бўйича видеоселектор йиғилишида”ги нутқи//www.gov.uz.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги ПФ-6079-сонли “Рақамли Ўзбекистон – 2030 стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони//www.lex.uz.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 апрелдаги “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4699-сонли қарори//www.lex.uz.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармони//www.lex.uz.

19. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2015 йил 13 июндаги 14/5-сон «Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва

активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 14 июлда 2696-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган)//www.lex.uz..

20. 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ-3270-сон «Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори//www.lex.uz.

Монография, илмий мақола, патент, илмий тўпламлар

21. Блажевич А.А., Рябченко А.А. Необанк как новое направление финансовых инноваций в Российской Федерации//Вестник Института экономических исследований. №4 (12), 2018. – 160-168 с.

22. Гришина Е.А. Тенденции развития кредитных услуг, предоставляемых коммерческими банками//Финансы и кредит. – Москва, 2016. – №28. – С. 18-27.

23. Дубинин М.В. Банковские технологии: сущность, история развития и перспективы//Финансы и кредит. №34 (274) – 2007. – 58 с.

24. Зиновьева Н. М. Виды банковских депозитов и их особенности//Территория науки. – Ярославль, 2016. – №5. – С. 133-137.

25. Ильюкевич А.Н., Костюк Я.С., Пастарнак К.Г. Информационные технологии в банковской сфере. Электронная библиотека БГУ. 2016.- 204-206 с.

26. Мишкин.Ф.С. Экономическая теория денег, банковского дела и финансовых рынков, 7-е издание: Пер. с англ. - М.:О О О "И.Д. Вильяме", 2006. – С. 42.

27. Петрова Л.А., Кузнецова Т.Е. Цифровизация банковской системы: цифровая трансформация среды и бизнес-процессов//Финансовый журнал. Т. 12. № 3. 2020. – 95 с.

28. Половян А.В., Сеницына К.И. P2P-кредитование как новая форма финансирования деятельности в условиях новой индустриализации//

Региональные и муниципальные финансы: приоритетные направления развития: сб. науч. тр. Саратов: ССЭИ (филиал) РЭУ им. Г.В. Плеханова, 2018. С. 205–209.

29. Синки Дж. Финансовый менеджмент в коммерческом банке и в индустрии финансовых услуг. Пер. с англ. - М.: Альпина Бизнес Букс, 2007. - 1018 с.

30. Тагирбекова К.Р. Организация деятельности коммерческого банка. – Москва: Весь Мир, 2004. – 848 с.

31. Ташкинова А.П. Методы расчета стоимости кредитно-депозитных услуг банка//Экономика и управление в современных условиях: материалы международной научно-практической конференции. Материалы Международной научно-практической конференции Сибирского института бизнеса, управления и психологии. – Красноярск, 2010. – С. 191–195.

32. Ткач Н.Д. Депозитные операции коммерческого банка//Вестник Национального института бизнеса. – Москва, 2016. – №4. – С. 180-189

33. Тимошенко Л.А. Разработка новых банковских продуктов и воздействие на конкурентоспособность и надежность банка. -М.: “Экон-Информ”, 2004.- 13 с.

34. Усоскин.В.М., Белоусова.В.Ю. Платежные системы и организация расчетов в коммерческом банке. Учебное пособие.2012г.с-127.

35. Ҳ.Ҳўжаёров.Тижорат банкларида кредитлаш хизматлари самарадорлигини оширишнинг моҳияти ва иқтисодий аҳамияти // Экономика и финансы (Узбекистан). 2022. №5 (153).

36. Alexandra Twin, Khadija Khartit. Understanding Bank Credit, electronic resource. Glasheen J. Payment Depot Popular Payment Methods for Millennial Customers, The Paypers - Payment Methods Report Innovations in the Way We Pay. 2019. – p 57.

37. Shirsha Ghosh, Joyeeta Goswami, Abhishek Kumar and Alak Majumder. Issues in NFC as a Form of Contactless Communication: A Comprehensive Survey. 2015 International Conference on Smart Technologies and Management

for Computing, Communication, Controls, Energy and Materials (ICSTM), Vel Tech Rangarajan Dr. Sagunthala R&D Institute of Science and Technology, Chennai, T.N., India. 6 - 8 May 2015. pp. 245-252.

38. Glasheen J. Payment Depot Popular Payment Methods for Millennial Customers, The Paypers - Payment Methods Report Innovations in the Way We Pay. 2019. – p 57.

39. Yu C.S. Factors affecting individuals to adopt mobile banking: empirical evidence from the UTAUT Model//Journal of electronic commerce research, Number 13(2), 2012. – 104-121 p.

40. Vadlamani R. Introduction to banking technology and management//Institute for Development and Research in Banking Technology. May 2011. DOI: 10.4018/978-1-59904-675-4.ch001.

41. Vadlamani R. Introduction to banking technology and management//Institute for Development and Research in Banking Technology. May 2011. DOI: 10.4018/978-1-59904-675-4.ch001.

42. Ashta A. Biot-Paquerot G. FinTech evolution: Strategic value management issues in a fast changing industry//Briefings in entrepreneurial finance. Volume 27, Issue 4. July 2018. – 301-311 p.

43. Shaikh A.A., Karjaluocto H. Making the most of information technology and systems usage: a literature review, framework and future research agenda//Computers in human behaviour, Number 40, 2015. – 541-566 p.

44. Tan G.W.H. NFC mobile credit card: the next frontier of mobile payment//Telematics and informatic, Number 31(2), 2014. – 292-307 p.

Фойдаланилган бошқа адабиётлар

45. Азларова.А.А. Covid-19 короновирус пандемияси шароитида Ўзбекистонда банк соҳасини трансформациялаш жараёнини жадаллаштириш//Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар.- Тошкент, 2020. – №5.

46. Алиқориев О.Ф. Тижорат банкларида молиявий хизмат турларини ривожлантириш йўналишлари. Дис. и.ф.н., - Т.: БМА, - 2011. – 28 б.

47. Аюпов Р.Ҳ., Болтабоева Г.Р. Рақамли иқтисодиёт асослари. Дарслик. Т.: ТМИ, 2020. – 9 б.
48. Абдуллаев Ё., Қоралиев Т., Тошмуродов Ш., Абдуллаева С. Банк иши. Т.: “Moliya-iqtisod”, 2009. – 463 б.
49. Бобакулов Т. И. и др. Современное состояние системы банковского надзора в Республике Узбекистан //Молодой ученый. – 2020.-№.4.-с. 101-103.
50. Бабкина А.В. Тенденции развития экономики и промышленности в условиях цифровизации. Монография. СПб.: Изд-во Политехн. ун-та, 2017.- 12 с.
51. Гулямов С.С. ва бошқ. Рақамли иқтисодиётда блокчейн технологиялари. Ўқув қўлланма, Т.: “Иқтисод-молия”, 2019. – 4-5 б.
52. Галаган А.А. От купца до банкира: История предпринимательства российского. – М.: Ось-89, 1997. – 167 с.
53. Гулямова А.Л. Тижорат банкларида масофавий банк хизматларини ривожлантириш истиқболлари//Молия ва банк иши электрон илмий журнали. VI сон. ноябрь-декабрь, 2020. – 21 б.
54. Дроздов В.В., Воробьева Ю.Ф. Банкирский промысел в докапиталистический период/История и историография экономики: сборник статей под ред. – М.: “Экономика”, 2003. – 69 с.
55. Додиев Ф.Ў. Ўзбекистон банк тизимининг шаклланиши ва ривожланиши//Иқтисод ва молия. №8, 2013, 37-41 б.
56. Карובהа Г. Банковское дело. Учебник. М.:“Экономист”, 2006, 107с.
57. Лаврушин О.И. Банковское дело. Учебник. М.:Кнорус, 2009.- 91.
58. Лаврушина.О.И Банковское дело. Экспресс-курс: учебное пособие. 2016. 12 с.
59. Мазняк В.М. Гомогенность и потребительские качества банковских продуктов//Материалы межрегиональной научно-практической конференции РГЭУ (РИНХ). – Ростов н/д. 2004. – 13 с.
60. Масленченков Ю.С. Технология и организация работы банка: теория и практика. – М.: “ДЕКА”, 1998. – 431 с.

61. Мартыненко Н.Н., Маркова О.М., Рудакова О.С., Сергеева Н.В. Банковское дело в часть 2. Учебник для акам. бак. М.: Юрайт, 2018. -200 с.
62. Мамадияров З.Т. Рақамли иқтисодиётда масофавий банк хизматларининг эволюцион ривожланиши: мулоҳазалар ва таҳлиллар//“Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” илмий электрон журнали. № 3, май-июн, 2020.
63. Мамадияров. З.Т Тижорат банкларида масофавий банк хизматларини ривожлантириш. Автореферат. 2019. 13 б.
64. Мажидов Ж.К. Тижорат банклари активлар портфелини шакллантиришнинг сифатини оширишнинг долзарб масалалари//Халқаро молия ва ҳисоб. – Тошкент, 2017. – №1, февраль.
65. Меликов О.М. The Role Of Distance Banking Services In The Context Of Integration Processes//“The American Journal of Management and Economics Innovations”. илмий электрон журнали. № 01-07, январ, 2021й.28-35 б.
66. Морина В.С., Езангина И.А. Необанк как институт реализации современных инновационных технологий финансового сектора//Научный альманах. №4-1 (30), 2017. – 191-194 с.
67. Ортиқов О.А. Банклараро рақобат шароитида банк хизматлари ва уларни такомиллаштириш йуллари: иқд. фан. ном. ... дисс. автореферат - Тошкент, 2009. - 19 б.
68. Омонов А., Қоралиев Т. Пул, кредит ва банклар. Дарслик. Т.: ТМИ, 2012 й. 262 б.
69. Садков В.Г., Овчинникова О.П. Банковские системы развитых стран: история, современность, перспективы. – М.: “Прогресс”, 2001. – 141 с.
70. Саидов Д. Тижорат банклари депозит операцияларининг банк ресурс базасини мустаҳкамлашдаги ўрни//“Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. №4-5. 2018 йил.
71. Тимкова А.А. Совершенствование системы надзора в условиях дистанционного банковского обслуживания. Автореферат дисс. канд. экон. наук., Санкт-Петербург-2014.

72. Тожиев Р.Р., Раҳматов Т.С. Замонавий шароитда банк хизматлар бозорининг назарий жиҳатлари//“Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 6, ноябр-декабр, 2020.

73. Тарасова В.И. Межрегиональный центр банковских и финансовых технологий/Банковские и финансовые технологии для реального сектора экономики: сборник статей под ред. – М. 2000. – 134 с.

74. Умаров З. Янги банк хизматлари, уларни ривожлантириш//«Бозор, пул ва кредит» журнали. 1-сон, 2019 й.

75. Шарипова Н. Иқтисодиётда замонавий тўлов инструментлари ва уларни такомиллаштириш масалалари//Молия ва банк иши электрон илмий журнали. IV сон. июль-август, 2020 йил.

76. Ш. З. Абдуллаева//Банк иши: Дарслик; Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги. – Т.: «Иқтисод-Молия», 2017. – 732 б

77. Ashta A. Biot-Paquerot G. FinTech evolution: Strategic value management issues in a fast changing industry//Briefings in entrepreneurial finance. Volume 27, Issue 4. July 2018. – 301-311 p.

78. Dahlberg T., Mallat N., Ondrus J., Zmijewska A. Past, present and future of mobile payments research: a literature review//Electronic commerce research and applications, Number 7(2), 2008. – 165-181 p.

79. Kemp R. Mobile payments: current and emerging regulatory and contracting issues//Electronic commerce research and applications, Number 7(2), 2008. – 165-181 p.

80. Sharma A., Kansal A. Technological innovations in banking sector: impact, behaviour and services//International journal of information & computation technology. Volume 4, Number 9, 2014. – 886 p.

81. Cano M.D., Domenech-Asensi G. A security energy-efficient m-banking application for mobile devices//The Journal of Systems and Software. Number 84, 2011. – 1899-1909 p.

82. Cavus N. Chingoka D.N.C. Information technology in the banking sector: Review of mobile banking//Global journal of information technology. Number 5(2), 2015. – 62-70 p.
83. Dahlberg T., Mallat N., Ondrus J., Zmijewska A. Past, present and future of mobile payments research: a literature review//Electronic commerce research and applications, Number 7(2), 2008. – 165-181 p.
84. Katherine N. Lemon & Peter C. Verhoef. Understanding Customer Experience Throughout the Customer Journey//Journal of Marketing: AMA/MSI Special, Vol. 80, November-2016, pp. 69–96.
85. Litvishko O., Beketova K., Akimova B., Azhmukhamedova A., Islyam G. Impact of the digital economy on the banking sector/E3S Web of Conferences 159, 04033 (2020).
86. Ziyadin S., Litvishko O., Dubrova M., Smagulova G., & Suyunchaliyeva M. Diversification tourism in the conditions of the digitalization//International Journal of Civil Engineering and Technology (2019).
87. Bank of America. Balans sheet. Annual Reports. 2017, 2018, 2019, 2020, 2021// <http://www.bankofamerica.com>.
88. Сбербанк России. Годовой отчет за 2017, 2018, 2019 2020 год//www.cbrf.ru.
89. АТ «Асакабанк». Йиллик ҳисоботлар. 2017, 2018, 2019, 2020,2021 //www.asakabank.uz
90. АТ «Туронбанк». Йиллик ҳисоботлар. 2017, 2018, 2019, 2020, 2021//www.turonbank.uz
91. www.bankofamerica.com– Бэнк оф Америка (АҚШ).
92. www.db.com – Дойчебанк (Германия).
93. www.cbrf.ru. – Сбербанк (Россия).
94. www.cbu.uz – Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки
95. www.stst.uz – Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси
96. www.turonbank.uz – АТ “Туронбанк”
97. www.asakabank.uz – АТ “Асакабанк”

ИЛОВАЛАР

1-илова

Банк хизматларига аҳолининг муносабатларини ўрганиш мақсадида ўтказилган сўровнома натижалари


Интернет банкингдан фойдаланганмисиз?

210 җавоб




Банк мобил иловаларидан фойдаланганмисиз?

210 җавоб



Республикамиздаги банклар томонидан кўрсатилаётган интернет банкинг ва банк мобил иловаси ёки масофадан туриб кўрсатиладиган банк хизматлари ҳақида фикрингиз?

210 җавоб




Масофадан мобил илова орқали кредит олганмисиз?

210 җавоб



Сизнингча, банк мобил иловаси орқали ипотека, автокредит ёки бошқа кредитларни онлайн олиш имконияти қачон йўлга қўйилади?

210 җавоб



Мобил илова орқали масофадан овердрафт олишга фикрингиз қандай?

210 җавоб




Банк мобил иловаларининг Paynet, Payme, Oson каби тўлов провайдерларидан фарқи нимада?

210 җавоб



Банк мобил иловаларининг дизайни, фойдаланиш қулайликлари, кўрсатиладиган хизмат турлари ҳақида фикрингиз?


210 ответов



- Ижобий, доимий фойдаланаман, менинг вақтимни ва харажатларимни тежайди ва молиявий хизматларга бўлган эҳтиёжларимни тўлиқ қондиради
- Салбий, тушунарсиз тузилган, мураккаб, айрим функциялари банк биносига бориб идентификациядан ўтишни талаб қилади
- Бу нима ўзи?

Сизнингча, банк хизматларидан банкка борган ҳолда фойдаланиш қулайми ёки масафадан туриб онлайн тарзда фойдаланиш қулайми?


210 ответов



- Албатта, масофадан фойдаланган қулай, сабаби вақт ва харажатларимни тежайди, шаффофлик таъминланиб, коррупцияга барҳам берилади
- Банкка бориб банк хизматларидан фойдаланиш мен учун қулай, чунки бу ишончлироқ
- Бу нима ўзи?


Айтингчи, бугунги кунда банк хизматларини қай тартибда бўлишини ҳоҳлайсиз?

210 ответов




- Онлайн, аммо, содда ва тушунарли бўлиши керак
- Ананавий, аммо, қоғозбозлик ва бюрократия ҳамда коррупцияни йўқотиш керак
- Аралаш, ҳар иккаласи бўлиши кекар, чунки ёши катта инсонлар учун онлайн банк хизматларидан фойдаланиш қийин
- Бу нима ўзи?

Банклар сизга кўрсатаётган хизматлари учун олаётган хизмат ҳақи даражаси қандай?
210 ответов



Банклар томонидан аҳолига тақдим қилинаётган кредитларнинг фоизи Сизни қониқтирадими?
210 ответов



Банкларнинг микроқарз ва микрокредитларидан фойдаланисизми?
210 ответов

